

Г 99



**ГҮШТДОР  
ПАРРАНДАЧИЛИК**





46  
533  
АЗИМОВ, З. АШУРОВ, А. УРМОНОВ, Е. РИБИНА

Ж

# ЎШТДОР ТАРРАНДАЧИЛИК

270236



Кўплаб парранда ўстириш гўшт етиштиришни жадал суръатлар билан кўпайтиришнинг муҳим резервларидан биридир.

Паррандабоқарлар, зоотехниклар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига мўлжалланган ушбу китобчада бройлер цехларида гўштор жўжаларни боқишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади ва ёш паррандабоқарларга маслаҳатлар берилади.

А  $\frac{40707 \ 176}{М351 \ (06) \ 74}$  10—74

«Ўзбекистон» нашриёти, 1974 й.

## ГУШТДОР ЛИНИЯЛИ ВА ГУШТДОР ЗОТ ТОВУҚЛАР УСТИДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Ихтисослаштирилган саноат асосидаги ҳужаликларда ва фермаларда наслчилик ишларини намунали ва аниқ йўлга қўймай туриб бройлер (гуштга боқиладиган жўжа)ларни жадал усулда устириш мумкин эмас. Бу паррандалар маҳсулдорлигини оширишга ва маҳсулот таннархини камайтиришга таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир.

Бройлер кросслардан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан паррандаларнинг наслдорлигига боғлиқ. Бройлерларнинг сўйиладиган пайтдаги тирик вазни уларнинг гуштдорлик хусусиятларини характерловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади; хўроз ва товуқларни бир инда жуфтлаштириш учун яхши хиллаб ва танлаб олинган тақдирда бу белги наслдан-наслга жуда яхши ўтади. Хўрозларни маҳсулдорлик хусусиятларига ва ана шу белгиларни келгуси наслга ўткази олиш қобилиятига қараб баҳолаш — паррандалар маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим усулларидан бири ҳисобланади.

Гуштдор кросслар устида олиб бориладиган наслчилик ишлари уларни ота ва она линияларга (зотларига) қараб табақалаштиришга мувофиқ амалга оширилади. Паррандаларни танлашда саккиз-тўққиз ҳафталик жўжаларнинг тирик вазни, кўкрагининг гуштдорлиги, шунингдек болдирининг калта ва гуштдор бўлиши асосий белгилардан ҳисобланади.

Оталик формага мансуб товуқ линиялари гуштдорлик жиҳатидан тез етилиши ва тана тузилишининг гуштдорлиги; бир килограмм семириши учун қанча озик сарфланишига, патларининг тез ўсиши ва уларнинг оч тусда бўлишига, терисининг рангига (оқ ёки сариқ) ҳамда хўрозларнинг уруғлантириш қобилиятига қараб танланади.

Оналик формада эса селекция ишлари тез усиши ва гўшторлик хусусиятлари билан юқори даражада сериуштлиги ва ҳаётчанлик белгилари асосида олиб борилади.

Паррандаларга баҳо бериш ва танлаш ишлари улар 56—63, 150 кунлик, 12 ойлик ва 475 кунлик бўлганида ўтказилади.

**Тирик вазн.** Жўжалар 56—63 кунлик бўлганида биринчи марта бонитировка қилиш пайтида тортиб кўрилади. Тирик вазни ўртача вазндан 10% ортиқ бўлган жўжа товуқлар ҳамда 15—20% ортиқ бўлган жўжа хўрозлар насл учун танлаб олинади. Оталик формадаги жўжалар, шунингдек тушининг кенглигига қараб ҳам танлаб олинади: бунинг учун туши бурчак ўлчагич ёрдамида ўлчанади ва туш суяги қўл билан пайпаслаб кўрилади. Парранданинг туши қанчалик кенг бўлса, кўкрак мушаги шунча катта бўлади ва бу мушак унинг нимталанган тана мушаклари вазнининг 31—33%ини ташкил қилади.

Жўжалар 150 кунлик бўлгач, ташқи белгиларига қараб энг яхши ривожланган туш суяги қийшаймаган соғлом паррандалар танлаб олинади.

**Пат билан қопланиш тезлиги.** Гўштор жўжалар 10 кунлик ва 56—63 кунлик бўлганида ана шу белгисига қараб танлаб олинади. Жўжалар қанчалик тез пат чиқарса, улар шунчалик тез ўсади. Пати тез ўсадиган жўжалар ўн кунлик бўлганда қанотининг учи думининг ўзагига етади, думидаги руль патларининг узунлиги эса бир сантиметр чамасида бўлади. Бу даврда пати секин ўсаётган жўжаларнинг ҳаммаси брак қилинади. Пат билан яхши қопланмаган жўжа хўрозларни насл учун қолдириш керак эмас, чунки бу белги наслдан-наслга ўтади.

**Гўшторлик хусусиятлари.** Паррандаларнинг гўшторлик хусусиятларини баҳолаш учун тана тузилишининг гўшторлиги, кенг тушлилиги, қанотларининг узунлиги ҳамда кўкрак ва сон мушакларининг ривожланиши; тозаланган нимталаридаги ейишга яроқли ва яроқсиз қисмларининг нисбати; нимталарининг сорти аниқланади. Гўштор жўжаларда бу белгилар уларни 63 кунлик бўлганида контрол учун сўйиш ва нимталарини анотомик қисмларга ажратиш йўли билан аниқланади.

**Озиқнинг қопланиши.** Бу кўрсаткич 63 кунлик айрим жўжа гуруҳларининг вазни орта боришини ва истеъмол қилинган озиқ миқдорини ҳисобга олиш йўли билан аниқланади.

**Жинсий жиҳатдан тез етилувчанлик** ёки жўжа товуқларнинг биринчи тухум қилиш пайтдаги ёши улар очирилган пайтдан то биринчи марта тухум қилгунича ўтган кунлар миқдори билан белгиланади.

**Товуқларнинг серпуштлиги** контрол инларда 270 кун мобайнида (паррандаларга белгига қараб баҳо беришни тезлаштириш учун) ва 475 кунлик ҳаёти мобайнида қилган тухумни алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш йўли билан аниқланади. Бутун линия ёки гуруҳ бўйича эса бу кўрсаткич биринчи марта тухум қилиш ёшига етган барча жўжа товуқларнинг ўртача қанча тухум қилишини ҳисоблаб чиқиш йўли билан аниқланади. Биринчи марта тухумга кирган товуқнинг серпуштлик кўрсаткичи парранданинг яшовчанлик қобилиятини ҳисобга олган ҳолда унинг тухум қилиш интенсивлигини аниқса аниқ характерлайди.

**Тухумнинг вазни** гуштор товуқларда энг муҳим белгилардан бири ҳисобланади, чунки бройлерларнинг охириги вазни кўпинча бир суткалик жўжаларнинг вазнига боғлиқ бўлади. Шунинг учун паррандаларни насл учун танлаб олишда фақат тухумининг вазни 57—59 граммдан кам бўлмаган товуқларгина оналик линияларида қолдирилади. Ҳар бир товуқ тухумларининг ўртача вазнини аниқлаш учун улар ҳаётининг еттинчи, уннинчи ва ўн иккинчи ойдаги охириги ўн кунликда қилган барча тухумлари бирма-бир тартиб кўрилади.

**Тухум босиш (курк бўлиш) инстинкти** — бу паррандаларнинг салбий белгиларидан биридир. Товуқларда бу инстинктнинг мавжуд бўлиши уларнинг серпуштлигини пасайтириб юборади. Шунинг учун бу белгисиз батамом йўқолиб кетган авлодлардан олинган товуқ ва хўрозчаларнигина насл учун қолдириш керак.

**Ҳаётчанлик.** Паррандаларни мазкур белгисига қараб танлашда уларнинг нобуд бўлиши билан мажбуран брак қилинишини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Гуштор линиядаги товуқларнинг тўлиқ сақланиши бир кунликдан 63 кунлик, 64 кунликдан 140—150 кунлик бўлгунича ва беш ойлигидан 16—17 ойлик бўлгунича ҳисобга олиб борилади.

**Кўпайиш хусусиятлари.** Паррандаларни мазкур белгисига қараб танлашда тухумларнинг уруғланувчанлиги ва тухумдан жўжа очилиб чиқиши ҳар бир товуқ ва ҳар бир ин бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Ажратиб олинган янги авлодлар миқдори серпуштликлик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тухумнинг сифати** шаклининг индексига, пучоғининг сифати ва қалинлигига, тухумнинг оғирлигига, 10 кун сақланганда тухумнинг қанча вазни йўқолишига, тухум оқсилнинг Хаф бирлиги асосида ўлчанган сифатига, тухум оқсили ва сариқ моддасининг индексига, тухум оқсили вазнининг сариқ модда вазнига бўлган нисбатига, қон доғлари ва гешт қолдиқлари бўлмаслигига қараб аниқланади. Бу кўрсаткичлар паррандалар 10—12 ойлик бўлган пайтда белгиланади.

Гуштдор линиядаги товуқларни такомиллаштиришда селекция ишлари, яъни қўйилган талабларга жавоб бермайдиган ёш ва катта паррандаларни брак қилиш катта роль ўйнайди.

Ёш паррандаларнинг илк ёшлик чоғида ҳар суткасига энг кўп семиришига ва туш мушағининг тез ривожланишига эришиш учун барча номақбул индивидларни аёвсиз брак қилиш зарур. Гуштдор линияларда урчиши учун яроқли паррандаларни танлаб олишда брак қилган жўжа товуқлар миқдори 80—85% га, жўжа хўрозлар эса 96—98% га етади.

Ўстириш учун қолдирилган бир суткалик жўжалар орасидан оталик формалар бўйича кўпи билан 10—20% ва оналик формалар бўйича кўпи билан 20—30% жўжа товуқ ҳамда кўпи билан 2—3% жўжа хўроз танлаб олинади.

Жўжалар 63 кунлик бўлган пайтда бонитировка қилинаётганда ёш паррандалар биринчи марта браковкадан ўтказилади. Бу вақтда паррандалар тирик вазни, кўкрак мушағининг ривожланганлиги ва танасининг гуштдорлиги, пат билан қопланиш даражаси каби асосий белгиларига қараб баҳоланади. Тез ўсиши ва танасининг гуштдорлиги жиҳатидан энг яхши деб топилган, пати тез ўсадиган, шу билан бирга оналик формаларда — жинсий жиҳатдан тез етилиш (тожининг ривожланиши) билан гуштдорлик жиҳатидан тез етилиш хусусиятини ҳам ўзида мужассамлантирган ёш паррандалар бундан буён фойдаланиш учун қолдирилади.

Ёш паррандалар 140—150 кунлик бўлган пайтда (уларнинг ота-оналарига наслининг уруғланувчанлиги ва гушторлик жиҳатидан тез етилувчанлиги юзасидан берилган баҳоларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) иккинчи марта браковка қилинади. Бунда ўсишдан орқада қолган паррандаларнинг ҳаммаси брак қилинади. Оталарини ичида фойдаланилганда оналик линияси бўйича камида 92% ва оталик формаси бўйича камида 87% уруғлантириш хусусиятига эга бўлган хўрозларгина наслчилик ишларида бундан буён фойдаланиш учун олиб қолинади. Ёш товуқлар 240 кунлик бўлгунча тухум қилиши алоҳида ҳисобга олиб борилади.

Учинчи марта баҳолаш товуқлар 240 кунлик бўлган вақтда ўтказилади. Ҳаётининг саккиз ойи мобайнида тухум қилгандан кейин барча белгиларига кўра энг яхши деб топилган жўжа товуқлар катакларга ва группаларга танлаб ажратиб олинади. Бундай танлашда уларнинг оналари қилган тухумлардан жўжа очириш даражаси ҳисобга олинади. Бостирилган тухумлардан оналик линияси бўйича камида 78—80% ва оталик линияси бўйича 70—72% жўжа очиб чиққан ота-оналарнинг наслидан бўлган товуқлардангина шундан кейинги урчитиш учун фойдаланилади. Товуқ ва хўрозларга баҳо беришда улардан олдин очирилган товуқларнинг (оналарининг) серпуштлиги ҳам албатта ҳисобга олинади.

Наслдор паррандачилик заводида бир линия устида иш олиб бориш учун камида 60 та селекция катаклари бўлиши керак. Ана шу катакларда икки циклдаги чатиштириш: шу линияни кўпайтириш мақсадида линия ичида чатиштириш ҳамда линиялар ўзаро бирикма ҳосил қилишини текшириб кўриш мақсадида линиялар-аро чатиштириш ўтказилади. Линиялараро чатиштиришда инлардаги паррандаларнинг ҳаммасидан эмас, балки уларнинг фақат энг яхшиларидангина фойдаланилади.

Насл ядросининг 10—15% и катта ёшдаги ва 85—90% и ёш паррандалардан иборат қилиб тузилади. Авлодларнинг 240 кунлик ҳаёти мобайнида баҳолаш якунларига кўра, энг юқори баҳо олган шу линиядан ва дурагай авлодлардан бўлган ёш паррандаларнинг инлари ўзаро чатиштириш учун танлаб олинади.

Жўжа хўрозлар катакларда танлаб олиниб, сперма маҳсулотига қараб баҳо берилади (7,5—8 ой).



Яқин қариндош бўлган авлодларнинг ўзаро урчитилишига йўл қўймаслик учун жўжа хўрозлар мумкин қадар кўпроқ хилма-хил авлодлардан келиб чиққан бўлиши керак. Бунинг учун катакларда учтадан ортиқ қони яқин хўрозлардан фойдаланилмагани маъқул. Насл олинадиган хўрозларни янги авлоднинг сифатига қараб баҳолаш учун линия ичида чатиштиришда насл ядросидаги ҳар бир тухумдан камида 15 жўжа ва хўроз ядросидан камида 100 та жўжа ажратилади, линиялар аро чатиштиришда эса камида олтига жўжа товуқ ва 40 та жўжа хўроз ажратилади.

**Ота-она бройлерлар галасини тўлдириш.** Ота-она паррандалар галасини кўпайтириш учун паррандалар тўққиз ойлигидан бошлаб фойдаланилади, наслдор тухум олиш учун эса улар тўққиз ойликдан ўн тўрт ойлик бўлгунча — беш ой мобайнида қилган тухумидан фойдаланилади.

Ота-она паррандалар галаси энг яхши сифатларни ўзида мужассамлантирган линиялардан тўлдирилади ва улар бутун йил бўйи жўжа очирадиган дуррагай тухумлар етиштириш учун мўлжалланган бўлади.

Ота-она галасидаги паррандалар сони бройлерлар етиштириш юзасидан берилган план топшириқларига ҳамда ота-она формаларининг қайта кўпайиш қобилиятига қараб белгиланади.

Ота-она паррандалар галасининг катталигини (паррандалар сонини) белгилашда ВНИТИП, Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти ва СССР паррандачилик саноати тақдим этган қўйидаги тавсияларга амал қилиш мумкин. Товуқларнинг бир йиллик ўртача тухум қилиши 165—170 дона, тўққиз ой мобайнида) етти ойликдан 16 ойлик бўлгунча) тухум қилиши — 123—125 дона; тухумлардан инкубацияда фойдаланиш — 80%; бостирилган тухумлардан жўжа очиб чиқиши — 75—76%; жўжаларнинг бир кунликдан 63 кунлик бўлгунча сақланиб қолиши — 93%, битта галани тўлдириб турадиган ёш парранда етиштириш зарур бўладиган бир суткалик жўжаларнинг ўртача сони — тўртта; тухум қиладиган товуқлар ўртача йиллик сонининг дастлабки жами паррандалар миқдорига нисбати — 69%; ота-она паррандалар галасида тўққиз ой (етти ойликдан 16 ойлик бўлгунча) асраш давомида брак қилинган ва нобуд

бўлган паррандалар сони — 24%; паррандаларнинг жинсий нисбати — 1:8.

Ота-она паррандалар галасидаги тухум қиладиган товуқларни ҳисоблаб чиқиш учун уларнинг бутун гала бўйича тухум қилиши 50% чамасида деб қабул қилинади.

Ҳажми бир йилда икки миллионта бройлер етиштириладиган бройлер фабрикасини инкубацион тухум билан бир меъёрда таъминлаб туриш учун ота-она паррандалар галасини бир неча марта (олти-саккиз) тўлдириб туриш керак бўлади.

Ота-она паррандалар галасини бир неча марта тўлдириб туриш учун турли муддатларда очирилган галани тўлдириб турадиган ёш паррандалардан фойдаланилади. Неча марта тўлдириш лозимлиги эса паррандаларнинг дастлабки сонини, аynи бир вақтда тўлдириладиган товуқлар группасининг катталигини ва бир марта тўлдириладиган паррандахоналар миқдорини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ота-она паррандалар галасини тўлдиришда бир паррандахонага фақат бир хил ёшдаги паррандалар жойлаштирилиши керак. Бунда товуқлар орасига улар билан тенг ёшдаги хўрозлар қўшиб қўйилади. Хўрозларнинг ҳаёгчанлик қобилияти паст бўлганлиги сабабли товуқларга қўшиб қўйилган шу хўрозларнинг 15% и миқдоридан запас ҳам бўлиши керак.

Бройлер фабрикаларида ва ихтисослаштирилган фермаларда ота-она паррандалар галасини бир неча марта тўлдириб туриш бройлер очиритиш учун бир меъёрда тухум етиштиришни, ишлаб чиқариш майдончаларидан энг кўп фойдаланишни ва фабриканинг бир текис да ишлашини таъминлайди.

### **БРОЙЛЕРЛАР ЕТИШТИРИШДА Фойдаланиладиган зот ва линиялар**

Ҳозирги вақтда парранда гўшти етиштиришда икки ёки ундан ҳам кўпроқ зот ва линияларни чатиштириш йўли билан ҳосил қилинган дурагай паррандалардан кенг фойдаланилмоқда.

Бройлерлар етиштириш учун ҳамма ерда корниш ва оқ плимутрок зотларининг турли линияларидан фойдаланилмоқда. Аммо шуни эслатиб ўтиш керакки, товуқ-

ларнинг барча ихтисослашган гуштдор линия ва зотлари гуштдор, сертухум ва популяциялар асосида вужудга келтирилган.

Шу сабабли баъзи бир гушт-тухум олиннадиган товуқ зотлари гушт маҳсулдорлиги жиҳатидан классик корниш ва плимутрок зотларидан орқада туради, лекин улар яхши тикланиш хусусиятига эга (генофонд) бўлгани учун тез етиладиган бройлерлар етиштиришда улардан оналик форма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Корниш** — жуда яхши гуштдор товуқлар зоти; илк ёшлик чоғида тез ўсади, озиқдан яхши фойдаланади, гавдаси патлар билан тез қопланади, гуштдорлик хусусиятлари наслдан-наслга яхши ўтади.

Бу зот товуқлар ҳинд урушқоқ товуқларининг XIX асрда Американинг Корнуэл графлигига олиб кетилган бир қанча тур хилларидан келиб чиққан. Патининг рангига қараб бу товуқлар бир неча: оқ, қорамтир, оч сариқ ва қизил хилларга бўлинади. Оқ корниш тури энг кўп тарқалган бўлиб, у АҚШ урушқоқ корнишини оқ леггорн ва нью-гемпшир зотлари билан частиштириш йўли билан етиштирилган. Товуқлар «ўзаро» урчитилганда елкаси ва қанотларида оч сариқ рангли патлари бўлган паррандалар ажралиб чиқа бошлайди.

Оқ корниш зот товуқлар Европа мамлакатларига 1956 йилда олиб келиниб, иқлимга мослаштирила бошлаган.

Америка стандарти бўйича етук хўрозларнинг тирик вазни 4,8 кг, олти ойлик чоғида 3,8 кг; худди шу ёшлардаги товуқларнинг вазни, 3,6 кг, улар олти ойлик бўлганида 2,9 кг келади.

Бир йилда 110—130 дона тухум қилади. Тухумларининг пўчоғи оқиш-сариқ рангда, вазни 58—63 грамм, жўжа очилиши 60—70% га тенг.

Бройлерлар етиштиришда ота формалар сифатида фойдаланилаётган корнишларнинг ҳозирги линияларни америка оқ доминант корниш зотига суссекслар, оқ виандотлар, плимутрок ҳамда гушт ва тухум берадиган бошқа зотларнинг қошини сингдира бориш йўли билан вужудга келтирилган. Шунинг учун ҳам корнишларнинг тожиси атиргулсимон ва баргсимон шаклларда бўлади.

СССРга бройлер кроссининг бошқа мужассам линиялари билан бирга корнишларнинг бешта линияси

олиб келинган. Ўзбекистонга эса тўрт линияли Стар-бро-4 кросси (Канада) ва уч линияли Файрбайрн кросси (Англия) олиб келинган.

Файрбайрн кросси учта синтетик линияни: корниш, думи оқ қизил товуқ ва суссекс линияларини ўз ичига олади. Ота-она зотнинг оналик формасини ҳосил қилиш учун оқ думли қизил хўрозлар суссекс товуқлари билан чатиштирилади. Ҳосил қилинган икки линияли дурагай товуқлар корниш хўрозлари билан чатиштирилади. Натижада уч линияли дурагай бройлерлар олинади.

Файрбайрн кроссидан бўлган корнишлар (аспирант И. Мирзалиев маълумотлари, 1968 й.) қуйидаги маҳсулдорлик хусусиятлари билан характерланади: бостирилган тухумлардан жўжа чиқиши 77,1—78,7%; 70 кунлик жўжаларнинг тирик вазни: жўжахўрозлар — 1410—1470 грамм, жўжатовуқлар — 1270 грамм, бир килограмм семириши учун 70 кунлик бўлгунча 2,5 кг озиқ сарфланади, кўкрак мускулларининг нимталанган бутун гавда вазнига нисбати — 16,9—18,5%; 12 ойлик товуқларининг тирик вазни — 3,3 кг; тухум қила бошлаганидан кейинги 10 ой мобайнидаги серпуштлиги — 111 дона, тухумнинг вазни 61,7 грамм.

Бостирилган тухумлардан дурагай жўжалар очиб чиқиши (корниш X оқ думли қизил товуқлар X суссекс) — 81,2%. 70 кунлик жўжаларнинг тирик вазни: хўрозлари 1320 грамм; товуқлари — 1140 грамм. 70 кунлик бўлгунча бир килограмм семириши учун озиқ сарфланиши — 2,88 кг, кўкрак мускуллари вазнининг нимталанган бутун гавда вазнига нисбати — 13,3%.

**Примутрок.** Гўшт-тухум олинадиган товуқларнинг бу зоти АҚШда бўлиб, такрор чатиштириш йўли билан ҳосил қилинган. Патлари ола-бўла, йўл-йўл, оч сариқ, какликсимон ва кўк рангли товуқлар кўп учрайди.

Товуқларининг тирик вазни 2,8—3,2 кг, хўрозлари — 3,5—4,0 кг келади; йилига 160—180 дона тухум қилади, энг яхши линиялари ўрта ҳисобда йилига 200—220 дона тухум қилиши мумкин; тухумининг вазни 58—62 грамм. Товуқлари 170—180 кунлик бўлганида тухумга кирди ва ўн-ўн бир ой мобайнида интенсив равишда тухум қилади.

Оқ плимутрок товуқлар — бройлер етиштирилдиган асосий зот ҳисобланади. Плимутрокларнинг оналик ли-

ниялари билан корнишларнинг оталик формаларини чагиштириш йули билан ҳосил қилинган оралиқ дурагайлар тез ўсади ва сарфланган озиқни ҳам тез қоплайди; нимталари ва гўшти юқори сифатли бўлади.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг бройлер саноатида (корниш оталик форма) ва плимутрок (оналик форма) тишидаги товуқлар линиясидан фойдаланилмоқда.

Бройлер етиштиришда тўрт линияли кросслар: Старбро-4 (Канада), Гибро-7, Гибро-57 (Голландия) ва икки линияли кросслар: Готло (Япония) ва Старбро-15 (Канада) — энг маҳсулдор, истиқболли ҳисобланади.

**Старбро-4 кросси** Совет Иттифоқида 1967 йилда Канададаги Шевер фирмасидан олиб келинган. Ўзбекистондаги паррандачилик хўжаликларига (наслдор паррандачилик заводи ва бройлер фабрикаларига) Старбро-4 кроссининг тухумлари насл олиш учун 1972 йилда Литва ССРдаги «Таурай» наслдор паррандачилик совхозидан олиб келинган.

Старбро-4 кросси корнишларнинг икки линияси: М — оталик ва № 0 — оналик линияси билан оқ плимутрокларнинг икки линияси: О — оталик ва Р — оналик линияларидан ташкил топган.

Бу кросс бройлерларининг нимталари сариқ рангда ва тўши гўштдор (яхши ривожланган) бўлади.

Шевер фирмасининг тавсиясига биноан Старбро-4 кроссининг бройлерлари қуйидаги схема асосида ҳосил қилинади:

$$\begin{array}{ccccccc} \delta M & X & \text{♀} N & \delta O & , & X & \text{♀} P \\ \hline & \delta MN & \downarrow & X & & \text{♀} OP & \\ & & & \downarrow & & & \end{array}$$

MNOP — бройлерлар.

Корниш линиясини плимутрок линияси билан чагиштириш йули билан юқори маҳсулдор ва тез етиладиган бройлерлар ҳосил қилиш мумкин.

Тошкент областидаги «Қорасув» давлат наслдор паррандачилик заводида Ўзбекистон Чорвачилик илмий текшириш институти паррандаларни урчитиш ва паррандалар генетикаси лабораторияси ходимларининг бе-восита иштирокида Старбро-4 кроссини такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, икки линияли ва тўрт линияли кроссларда чагиштириладиган линияларнинг энг самарали бирикмаларини аниқлаш юзасидан ҳам иш олиб борилмоқда.

Шевер фирмасининг маълумотларига кура, Старбро-4 кросси қўйидаги маҳсулдорлик курсаткичлари билан ажралиб туради (1-жадвал).

1-жадвал

Старбро-4 кросси дастлабки линияларининг маҳсулдорлиги

Линия	63 кунлик жужаларнинг уртача тирик вазни, гр.		465 кунлик товуқларнинг уртача тирик вазни, грамм	Тухумнинг уртача вазни, грамм	Уртача серпуштлиги, дона	Жужаларнинг 150 кунгача сақланиши, %
	хурозлар	товуқлар				
М	1950	1310	3420	60	130	96
Н	1900	1300	1350	59	140	96
О	1800	1200	3350	60	160	97
Р	1700	1100	3200	61	165	92

63 кунлик ёш паррандаларнинг гўшт маҳсулдорлигини ошириш мақсадида тирик вазни, пат билан қопланиши, гўшторлик формалари (кўкрак мускулининг кенглиги) ва экстеръер курсаткичлари бўйича танлаш ишлари олиб борилмоқда.

К. М. Яцкунаснинг маълумотларига кўра (1969 й.), муваффақиятли иқлимлаштириш (маълум мақсадни кузлаган селекция ишлари, наслдор паррандаларни оптимал шароитда боқиш ва асраш) натижасида Старбро-4 кроссининг бройлерлари Литва ССРда ҳам гўшторлик хусусиятлари ва озикдан самарали фойдаланиши жиҳатидан Шевер фирмасидаги маҳсулдорлик даражасига етди.

«Қорасув» давлат наслдор паррандачилик заводидаги бизнинг ишлаб чиқариш шароитидаги тажрибамизда Старбро-4 кросси бўйича кўйидаги маълумотларга эришилди (2-жадвал).

63 кунлик ёш паррандаларнинг гўшт маҳсулдорлигини ошириш мақсадида тирик вазни, пат билан қопланиши, гўшторлик формалари (гўштор кўкрагининг кенглиги) ва экстеръер курсаткичлари бўйича танлаш утказилади.

Старбро-4 кросси бошланғич линияларидаги жужаларнинг  
тирик вазни

Еши. кун	Жинси	Корниш		Плимутрок	
		М	Н	О	Р
56	жу́жа ху́розлар	1236	1126	1229	1112
	жу́жа тову́қлар	1065	1095	1031	992
63	жу́жа ху́розлар	1590	1388	1518	1408
	жу́жа тову́қлар	1348	1220	1272	1240
70	жу́жа ху́розлар	1843	1730	1648	1792
	жу́жа тову́қлар	1451	1360	1329	1450
150	жу́жа ху́розлар	3648	3977	3630	3830
	жу́жа тову́қлар	2813	2869	2653	2980

Жу́жа-ху́розчалар ўртасида айниқса қаттиқ танлаш олиб борилади. 63 кунлик айрим индивидларнинг тирик вазни 1850—2100 граммга етади.

**Род-айланд зоти.** АҚШда XIX асрнинг ўрталарида сарғиш кохинхин, қизил малайя, қўнғир леггорн ҳамда виандот зотларини гуштдор абориген зоти билан мураккаб такрорий чатиштириш йўли билан вужудга келтирилган.

Товуқларининг тирик вазни 2,5—3,0 кг; ху́розларининг вазни 3,0—3,5 кг, йилига 180—200 дона тухум қиладди, тухумининг вазни 56—58 грамм.

Род-айланд зот товуқлар дастлаб аралаш (комбинациялаштирилган) типдаги зот сифатида етиштирилган эди. Бу зот устида олиб борилган селекция ишлари натижасида серпушт ва гуштдор линиялар ҳосил қилинди. Бу зот устидаги наслчилик ишлари Тамбов областидаги «Степное гнездо» ва Қрим областидаги «Красный» совхозларида олиб борилмоқда. Род-айланд товуқлари аралаш типдаги маҳсулдорликка ва яхши яшовчанлик қобилиятига эга бўлганлиги туфайли бу зот товуқлар аҳолининг шахсий хўжаликларида ҳам боқиб кўпайтирилади. Ўзбекистонда улар колхоз ва совхозларнинг паррандачилик фермаларида кенг тарқалган.

Род-айланд зот товуқлардан бройлерлар ҳамда жигар ранг пўчоқли тухум қиладиган серпушт дурагайлар етиштиришда оналик форма сифатида фойдаланилади.

**Нью-гемпшир зоти.** Нью-гемпшир зот товуқлар род-айланд товуқларининг бир тури ҳисобланади. Бу зот

АҚШнинг Нью-Гемпшир штатида род-айланд товуқларини тез етилувчанлиги, серпуштлиги ва тухумидан жўжа очириб чиқиши жиҳатидан танлаш йўли билан етиштирилган.

Бу зотнинг товуқлари патининг анча тиниқ рангда экани билан род-айланд товуқларидан ажралиб туради. Товуқларининг вазни 2,6—2,7 кг; хўрозлари 3,5 кг келади; улар йилига ўрта ҳисобда 170—190 дона тухум қилади, тухумининг вазни — 60—62 грамм. Нью-Гемпшир зотининг гўштдор линияларидан бройлерлар етиштиришда фойдаланилади. Серпуштлик жиҳатидан селекциялаштирилган гемпширларни леггорн зотининг линиялари билан чатиштириш натижасида ҳосил қилинган дурагайлар айниқса серпушт бўлади. Куртнас паррандачилик селекцион-генетик станциясида нью-гемпширларнинг баъзи линиялари йилига 240 дона ва ундан ҳам кўпроқ тухум қилади.

Куртнас паррандачилик селекцион-генетика станцияси, Қримдаги «Красный» совхози ва Белгород областидаги Новооскольский давлат наслдор паррандачилик заводи нью-гемпшир зот товуқларни такомиллаштириш ва серпуштлик ҳамда гўштдорлик белгиларини ўзида мужассамлаштирган ихтисослаштирилган линияларни вужудга келтириш устида иш олиб бормоқда. Нью-гемпшир зот товуқлар тез етиладиган бройлерлар ҳосил қилиш мақсадида оқ товуқларнинг Москва зот группаси хўрозлари билан чатиштиришда қатнашди.

Ўзбекистондаги паррандачилик хўжаликлариغا Эстониядан, Новооскольский наслчилик заводидан нью-гемпшир товуқларининг тухумлари олиб келинган. Ҳозирги вақтда бу зотдан бўлган товуқлар колхоз ва совхозларнинг паррандачилик фермаларида ҳамда аҳолининг шахсий хўжаликларида боқиб кўпайтирилмоқда.

1947—1959 йиллар мобайнида мамлакатимизнинг Европа қисмида гўшт ва тухуми учун боқиладиган товуқларнинг Ватанимизда етиштирилган зотлари ва зот группалари—Кучинский-юбилейный, загорский, московский, кумуш ранг адлерский ва бошқа зот группалари вужудга келтирилди. Бу хўжаликларга гўштдор паррандалар чет эллардан олиб келинган, улар гўшт ва тухуми учун боқиладиган (нью-гемпшир, род-айланд, плимутрок ва суссекс) зотлар билан чатиштириш натижасида ҳосил қилинган.



Чет эллардан бройлер кросслари олиб келинаётганлиги сабабли мазкур зот группаларидан бройлерлар етиштириш учун кенг куламда фойдаланилмаётир ва улар гуштдор линиялар билан рақобатлаша олмайди.

Бироқ мазкур парранда зотлари ва полуляциялари (зот группалари) генофондни бойитиш учун катта қимматга эга, шунингдек улар гушти учун боқиладиган паррандаларнинг янги, юқори маҳсулдор линиялари ва кроссларини вужудга келтириш учун бошланғич материал бўлиб хизмат қилади.

## **БРОЙЛЕРЛАР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Жўжаларни ўстириш ва парваришlash — энг муҳим процесслардан бири бўлиб, бройлерларнинг ўсиши ва гушт маҳсулдорлиги шу процессга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бройлерлар одатда қалин тушама устида ва батареяли катакларда ўстирилади.

Ўзбекистондаги паррандачилик хўжаликларидида улар қалин тушамалар устида бир хил ёшдаги паррандаларни ҳар бири 10—20 мингтадан йирик гуруҳларга ажратиб, барча сермеҳнат процесслар механизациялаштирилган катта габаритли паррандахоналарда ўстирилади. Паррандалар шу усулда боқилганда меҳнат кам сарфланади ва бройлерларнинг юқори сифатли бўлиши таъминланади.

Кенг габаритли жўжахоналарда озиқ тақсимлаш, сув бериш, бино ичини иситиш ва шамоллатиш ишлари механизациялаштирилган ҳамда автоматлаштирилган. Бундай бройлерхоналар «Бройлер-10, ва «Бройлер-20» типидидаги комплектлар билан ускуналанган.

Бройлерларни алмаштириб турилмайдиган қалин тушама устида ўстириш учун эни 12—24 м ва бўйи 72—84 м бўлган кенг габаритли паррандахоналардан фойдаланган маъқул.

Ишлаб чиқариш технологияси ҳар бир жўжахонада (бройлерлар 70 кунлик бўлганида гуштга топширилдиган тақдирда) йилига тўрт марта ва (60—63 кунлигида гуштга топширилганда) йилига беш марта бройлер ўстиришга мўлжалланган.

Бройлерлар гуштга топширилганидан уларнинг янги марта ўстиришга қўйилгунича орадан икки ҳафта санитария муддати ўтиши керак; ана шу муддат ичида

Ҳино бир суткалик жўжаларни қабул қилиш учун тайёрланади, барча, асбоб-ускуналар тозаланади, ювилади, дезинфекция қилинади. Шундан кейин оқланади, ҳул дезинфекция, дезинсекция ва дегатизация ўтказилади. Янги қуруқ тўшама ташиб келтирилади. Тайёр қилинган жўжахонани формальдегит буғлари билан дезинфекцияланади.

Бинонинг тагига етарли қалинликда қуруқ ва яхши сифатли тўшама солинган бўлиши бройлерларни муваффақиятли ўстиришнинг зарур шартидир. Тўшама арзон, топиллиши осон ва намни ўзига сингдирадиган бўлиши керак. Майдаланган маккажўхори зўғаталари билан қипиқ аралашмаси, майда ёғоч қириндиси ва шунинг каби қалин тўшама энг яхши материал ҳисобланади.

Йилнинг илиқ ва иссиқ фаслларида (ёз, куз) бутун ўстириш даврида ҳар бир жўжага 2—2,5 кг ва совуқ вақтда 3—3,5 кг тўшама сарфланади.

Тўшама тўшаб бўлинганидан кейин охурчалар ва сувдонлар ўз жойига қўйилиб, ҳар бир брудернинг атрофига ғов ўрнатилади, автоматика текшириб кўрилади, озиқ тақсимлаш линияси тартибга солинади.

Инкубаторийдан жўжаларни ўстириш учун қабул қилиб олиш ишларини оператор, инкубаторий ходимлари ва бройлер фабрикасининг бригадири бажарадилар. Жўжаларни қабул қилишдан камида уч кун олдин жўжахона бройлерларни жойлаштиришга батамом тайёр ҳолга келтирилади. Жўжаларни қабул қилиш олдидан оператор ҳар бир брудернинг ёнига ўн иккита баркаш — озиқ солинадиган олтита охурча (қутича) ва олтита вакуум суғорғич (сувдон), шунингдек минерал озиқлар солинадиган охурчалар ўрнатиб чиқади. Қути шаклидаги охурларга юпқа қилиб омукта ем солиб қўйилади.

Жўжаларни қабул қилишга бир сутка қолганда оператор брудерларнинг устки соябонларини охиригача туширади ва тўшамани иситиш учун брудерларни улаб қўяди, термостатни созлайди, улар тагидаги ҳароратни 34°С қилиб ўрнатади.

Жўжалар очиб чиққанидан кейин 10—12 соат ўтгач, улар яхши қуригандан сўнг қабул қилиб олинади. Ўстириш учун соғлом, оёғида яхши босиб турадиган, қорни юмшоқ, киндик ҳалқаси яхши битиб кетган, анал тешиги

2—742

17

270236 7

Сурхондарё вилояти  
ЎЗБЕКИСТОН

тоза бўлган жўжалар танлаб олинади. Ҳар бир брудер тагига 500 тадан жўжа жойлаштирилади.

Дастлабки етти-ўн кун мобайнида брудерлар теварагига (уларнинг четидан 60—70 см нарироққа), жўжалар брудер тагидан чиқиб тарқалиб кетмаслиги ва совқотиб нобуд бўлмаслиги учун фанердан ясалган ва баландлиги 35 см бўлган йиғма тўсиқлар ўрнатиб қўйилади. Бундай тўсиқ жўжаларни иссиқлик манбаи атрофида, озиқ ва сувга яқин жойда тутиб туради ҳамда совуқ ҳаво оқимларидан ҳимоя қилади. Жўжа боқувчи — оператор жўжаларнинг ҳолатини доимо кузатиб боради, уларнинг охурчалар теварагига ва брудернинг атрофи тўсиб қўйилган қисмидаги бутун майдончада бир текисда тақсимланиб жойланиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Бройлер ўстирила бошлаган дастлабки кунларда брудерларнинг козиреклари тушириб қўйилади, учинчи-бешинчи кун улар кўтариб қўйилади, еттинчи-ўнинчи кун эса барча брудерларнинг тўсиқлари олиб ташланади. Жўжалар ўсаборган сайин брудерлар устидаги соябонлар аста-секин кўтариб қўйила бошланади, 20 кундан кейин брудерларни ердан 50 см кўтариб қўйилади, 30-кун эса, жўжаларни парвариш қилишга халақит бермаслиги учун улар шип яқинига маҳкамланади ва ўчириб қўйилади. Кейинчалик жўжалар ўзини-ўзи иситади ва бройлерхоналарни иситиш системасидан исинади.

Жўжаларни брудерда ўстириш даврида оператор брудерлар ичини шамоллатиш учун уларнинг устидаги соябонини кунига тўрт марта кўтариб ва тушириб туради, чунки уларнинг тагида карбонат ангидрид ва бошқа зарарли газлар тўпланиб қолади. Кечқурун оператор ишдан кетиши олдидан охурчаларга қўшимча омухта ем солади ва вакуум сувдонларни сув билан тўлдириб қўяди. Тўсиқдан ташқарига чиқиб кетган ҳамма жўжаларни йиғиб олиб, брудерлар тагига жойлаштиради.

Еттинчи кун қутисимон охурчалар йиғиштириб олинади ва жўжалар новсимон охурчалар орқали овқатлана бошлайди, бундай охурчаларни озиқ тақсимлаш линиясига яқинроқ жойга суриб қўйилади.

10—14 кундан кейин вакуум сувдонлар новсимон сувдонларга алмаштирилади.

Жўжалар 15—20 кунлик бўлгунича уларга хизмат кўрсатиш ишлари қўлда бажарилади. 20 кунлигидан

бошлаб бройлер боқишнинг охиригача парваришлаш ишларининг ҳаммаси механизациялаштирилган.

20-кунга бориб барча охурча ва баркашлар йиғиштириб олинади ва жўжаларни фақат озиқ тақсимлагичлар орқали боқилади. Уларни бошқариш программалаштирилган, бундай озиқ тақсимлагичларни улаш (ишга тушириш) тезлигини эса, жўжаларнинг ўсишига қараб, оператор тартибга солиб туради. Паррандабоқар — операторнинг вазифаси керакли рациондаги омухта емининг ўз вақтида келтирилиши, омбор бункерининг омухта ем билан тўлдириб турилиши, тақсимлагич линияда доимо озиқ ва сувдонларда сув бўлиши устидан контроллик қилиб туришдан иборат. Новларнинг вертикал ва горизонтал юзаларда жойланишига алоҳида эътибор берилади. Новларнинг қийшиқ бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳаракатлантирувчи қайишларнинг, барча линиялардаги охурчаларнинг мустаҳкамлиги, озиқ тақсимлагич нов ичидаги озиқнинг сатҳи текшириб турилади (нов ичидаги озиқнинг сатҳи нов баландлигининг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак).

Жўжаларнинг ўсиши ва ривожланиши — уларни ўстириш технологиясига риоя қилинаётганидан далолат берувчи кўрсаткичдир. Бройлерларнинг ўсиши ва ривожланиши устидан назорат қилиб бориш мақсадида ҳар ҳафтада жўжаларнинг камида бир проценти тортиб кўрилади, бунинг учун улар жўжахонанинг турли жойларидан олинади. Тортиб кўриш натижалари эса, умуман жўжалар сонининг ўзгариши ва нобуд бўлиши кун сайин қайд қилиб бориладиган табелга ёзиб қўйилади.

### **БРОЙЛЕР ЎСТИРИШДА ЖЎЖАХОНАЛАРДА МИКРОИКЛИМ ҲОСИЛ ҚИЛИШ**

Бройлер ўстиришда оптимал температура — намлик режимини вужудга келтириш энг асосий гигиеник талаблардан бири ҳисобланади. Бу режим температура, намлик, ҳавонинг таркиби ва ёруғлик каби факторлар билан белгиланади.

Бройлер муайян шароитдагина нормал ўсади ва ривожланади. Шундай шароитни вужудга келтириш керакки, унда ана шу кўрсатилган факторларнинг ҳар бири жўжанинг эҳтиёжига мос бўлиб тушадиган ва бу факторларнинг ҳаммаси жўжа учун энг кўп қулайлик туғдирадиган бўлсин.

**Температура.** Жўжалар қабул қилиб олинаётган пайтда бино ичидаги температура камида 24—23°C; брудер тагида эса 34—33°C бўлиши керак. Кейин брудер тагидаги температуранини ҳафтада 3—4° пасайтириб борилади (3-жадвал).

3-жадвал

**Бройлерлар учун температура режими, С°**

Ёши, кун	Бино ичида	Брудернинг тушамадан 5 см баланддаги четида
1—7	24—23	34—32
8—14	23—22	32—29
15—21	22—21	29—25
22—30	21—20	25—21
31—63	20—18	—

Жўжахонадаги температуранини бройлерларнинг ўзини тутиши (ҳолатига) қараб кузатиб борилса ҳам бўлади. Энг яхши температура мавжуд бўлганда жўжалар ўзини яхши ҳис қилади, осойишта бўлади, пол сатҳида ва охурчалар ёнида бир текисда ёйилиб юради — уларнинг ҳолати энг яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Температура жуда кўтарилиб кетса, жўжалар ҳаддан ташқари исиб кетади, бу эса уларнинг ўсишини секинлаштиради ва пат билан қопланиш процессини ёмонлаштиради. Бундан ташқари, жўжалар брудер соябони тагида тўп-тўп бўлишиб, қаттиқ чийиллай бошлайди, тинчлигини йўқотади ва 1 кг вазн қўшилиши учун озиқ сарфини ортиб кетади. Об-ҳаво иссиқ пайтларда брудерни учуриб қўйиш керак. Об-ҳаво совуқ пайтларда эса брудер зоти тагида ҳароратни 25—23° атрофида сақлаб туриш учун иситиш давом эттирилади. Жўжалар бир ойлик бўлганда бино ичидаги ҳароратни 21—20°C сақлаб турилади.

Об-ҳаво исиб кетган даврда (36—38°) паррандахона ичидаги ҳаво етарлича салқин бўлиши учун кондиционерлар ва яхши вентиляция системаси бўлиши керак.

**Намлик.** Бройлерларнинг тез ўсиши ва пат билан қопланиши учун ҳавонинг намлиги анча юқори бўлиши керак. Бундан ташқари паррандахоналар ҳавосининг ортиқча намлиги вентиляция (шамоллатиш) ёрдамида чиқариб юборилади.

**Вентиляция** бино ичида нормал температура режими бўлишини таъминлайди, ёзда эса паррандаларни ортиқча исиб кетишдан сақлайди. Бундан ташқари вентиляция ёрдамида нам ҳолдаги карбонат ангидрид ва аммиак газлари чиқариб юборилади.

Жужалар ҳали ёш даврда иситгич атрофидаги кенг доирада оптимал температурани сақлаб туриш учун вентиляцияни чеклаб қўйиш керак. Агар бройлерлар иситгич атрофида бир текис ёйилиб юрмай, ҳар жой-ҳар жойда гуж бўла бошласа, вентиляция системасини текшириб кўриш керак. В. М. Селянскийнинг маълумотларига кўра, жужалар жойлашган зонада ҳавонинг ҳаракат тезлиги секундига 0,5 м дан ошмаслиги, оптимал тезлиги секундига 0,2—0,3 м бўлиши лозим. Бино ичидаги ҳавонинг алмашилиб туриши бройлерларни ўстириш натижаларига катта таъсир кўрсатади. Жужанинг 1 кг тирик вазни ҳисобига ҳайвонларнинг бошқа турларига нисбатан уч ҳисса кўпроқ ҳаво талаб қилинади. Ҳарорат жуда юқори бўладиган ёз даврида бино ичига бройлерларнинг ҳар килограмм тирик вазни ҳисобига соатига камида 5 м<sup>3</sup> ҳаво кириб туриши керак.

**Ёруғлик.** Бройлер ўстиришда ёруғлик режимини тўғри ўрнатиш катта аҳамиятга эга. Бу режим бузилса, жужалар организмнинг кўпгина функциялари сусайиб қолиши мумкин.

Илғор хўжаликларимизнинг ҳамда чет эл олимларининг тажрибасига асосланиб, жужаларни ёритишнинг қўйидаги режимини тавсия этиш мумкин: дастлабки уч ҳафта мобайнида ёруғ кун узунлиги 24 соат (кундузги ёритилиши ҳар квадрат метр ҳисобига 4 ватт, кечаси 2 ватт бўлиши керак).

Туртинчи ҳафтадан бошлаб ёруғ кун узунлиги кунига 30 минутдан қисқартирила боради, бешинчи ҳафтанинг охирида уни 17 соатга келтирилади, олтинчи ҳафтанинг бошидан ўстириш даврининг охиригача 16 соатдан оширилмайди (кундузги ёритилиш 2 ватт, тунги ёритилиш эса 1 ватт). Ҳаммаёқ равшан кўрина бошлаши билан электр чироқлар ўчириб қўйилади, гира-шира қоронғи тушиши билан улар ёқилади.

Электр чироқларни ёқиш ва ўчиришни тартибга солиш учун автомат қурилмалар қўлланилади. Лампочкаларни жужахонанинг бутун сатҳи, айниқса, охурчалар ва сувдонлар зонаси бир текисда ёритиладиган қилиб

осиб қўйилади. Жўжалар бир-бирини чуқилай бошлашига йўл қўймаслик учун улар 30 кунлик бўлган пайтда бошлаб қизил лампа билан ёритиш тавсия этилади.

Бройлер ўстиришда 1 м<sup>2</sup> пол сатҳига жўжаларни оптимал миқдорда жойлаштириш нормасига риоя қилиш зарур. Ҳар квадрат метр пол сатҳига 12—13 та жўжа жойлаштириш ана шундай оптимал норма ҳисобланади. Жўжаларни жойлаштириш зичлиги уларнинг гўштга топшириладиган пайтдаги тирик вазнига кўра жиҳатдан боғлиқдир. Бройлерлар нечоғлик йирик бўлса 1 м<sup>2</sup> полга шунча кам жўжа жойлаштирилади.

### КУРКА ЗОТЛАРИ ВА ЗОТ ГРУППАЛАРИ УСТИДАГИ НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари етиштириш юзасидан КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни бажаришда умуман паррандачиликни, хусусан куркачилик ва ўрдакчиликни ривожлантириш муҳим рол ўйнаши керак. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1964 йил сентябрдаёқ «Тухум ва парранда гўшти етиштиришни саноат асосида ташкил қилиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Бу қарор мамлакатда паррандачилик саноатини ривожлантиришга асос солди. Орадан икки йил ўтгач СССР Паррандачилик саноати шотландияда куркаларнинг ўзи 1225 минг тадан ортиб кетди. Саккизинчи беш йилликда эса давлат наслчилик заводлари, инкубатор станциялари, тухум ва гўшт етиштириш бўйича ихтисослашган паррандачилик фабрикалари, колхоз ва совхозларда товар маҳсулот етиштирадиган фермалар вужудга келтира бошланди.

Куркалар тирик вазнининг катталиги, кўпгина хўжалик хусусиятлари жиҳатидан бошқа хонаки паррандалардан устун туради. Айни вақтда курка гўшти юксак даражада тўйимлилиги, ўзинга хос таъми ва парҳезбон хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради.

Курка — энг қадимги хонакилаштирилган паррандалардан бири бўлиб, биринчи марта мексикаликлар томонидан қўлга ўргатилган, Европага эса XVI асрда олиб келинган. Кейинчалик табиий танлаш ва чатиштириш йўли билан бу парранданинг маҳаллий шароитда, ай

ниқса сермахсул бўлган хилма-хил зотлари етиштирилган. Ҳозирги вақтда СССР да куркаларнинг қуйидаги турлари тарқалган.

**Шимолий Кавказ куркалари.** Куркаларнинг бу зоти Ставрополь улкасининг Георгиевский районидаги хўжаликларда маҳаллий куркаларни кенг тушли бронзасимон эркак куркалар билан чатиштириш йўли билан вужудга келтирилган ва кейинчалик иккинчи бўгин куркалари ўз ичида урчитиб кўпайтирилган.

Куркалар ҳаётининг дастлабки кунларидан бошлаб жинсий жиҳатдан етилиш пайтигача ва асосий галанинг маҳсулот бериш даврида ҳам яйловлардан кенг фойдалана олиши туфайли тирик вазни анча юқори: етук ёшдаги урғочиси 6—7 кг, эркаклари — 12—13 кг бўлган ва йилига 60—70 дона тухум қиладиган ҳамда турли шароитга чидамли паррандаларни вужудга келтириш мумкин бўлди. Бундай паррандаларнинг кўкраги қалин, оёқлари бақувват ва панжалари узундир.

#### Шимолий Кавказ куркаларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Етук парранданинг тирик вазни, кг	урғочиси	66
	эркаги	12,3
180 кунлик ёш парранданинг тирик вазни, кг	урғочиси	5,5
	эркаги	7,5
Катта ёшдаги парранданинг сақланиши, %		98,5
Серпуштлиги, дона		67,7
Тухумининг вазни, грамм		88,6
Бир суткалик курка жўжаларининг вазни, грамм		60,0
Уруғланувчанлиги, %		96,1
Жўжа очиб чиқиши, %		81,0
Ёш куркаларнинг 180 кунлик бўлгунича сақланиши, %		89,7

Шимолий Кавказ куркаларининг олти ойлигидаги вазни бир суткалик пайтидагига нисбатан эркаклари гаҳминан 170 баравар ва урғочилари — 100 баравар ошади. Куркалар йилига 75 донагача, шароити яхши фермаларда эса 90 донагача тухум қилади.

Ҳаётининг 305—315 кунидан бошлаб, март ойида тухумга киради; сермахсул паррандалар эса анча эрта-роқ тухумга киради ва кўкламда энг кўп тухум беради. Бу катта аҳамиятга эга, чунки ёш куркаларни ўстириш учун беш-олти ой вақт сарфланади ва март-апрель



ойларида очирилган курка жўжалари кузгача тўла ривожланиб улгуради.

Бу хил куркалар асосан Ставрополь ва Краснодар ўлкаларидаги хўжаликларда, Украина ССРда, Грозний областида ва Ўзбекистонда тарқалган. Бу зотнинг насл ядроси Георгиевский районидаги «Обильненский» совхозда тўпланган.

**Оқ Шимолий Кавказ куркалари.** Бу зот Шимолий Кавказ бронза ранг куркаларни кенг кўкракли оқ урғочи куркалар билан чатиштириш йўли билан олинган. 1963 йилда Ўзбекистонга Ставрополь ўлкасининг Предгорний районидаги Ленин номли колхоздан 58 та кенг кўкракли оқ эркак курка олиб келинди, улар асли инглиз зотидан бўлиб, гўшти жиҳатидан жуда тез етилади ва интенсив усулда асраш ва боқишга яхши мослашган. Бу куркалар билан чатиштириш учун Шимолий Кавказ бронза ранг куркалар зотидан, тирик вазни 6,0—6,5 кг бўлган урғочи паррандалар танлаб олинди. Биринчи бугун дурагайлари тирик вазни, ривожланиши, яшовчанлиги, тез етилиши ва патларининг ранги жиҳатидан Шимолий Кавказ куркаларидан фарқ қилмасди.

Зотлараро (икки зотни) чатиштириш йўли билан олинган урғочи куркалар катакларда жуфтлаштириш учун янги бўгининг бир қисми оқ патли, териси ҳам оқ, оёқлари эса оч сариқ эди. Ана шу оқ урғочи куркалар Шимолий Кавказ оқ куркалари популяцияларини вужудга келтириш учун бошланғич материал хизматини ўтади.

Бу куркалар ўз ичида урчитилганида пати, териси ва оёқларининг ранги жиҳатидан ажралиш ҳодисаси кузатилмади. Кейинчалик бу куркаларни катакларда жуфтлаштириш йўли билан жуда тез кўпайиш хусусиятига эга бўлган эркак ва урғочи куркалар ажратиб олинди. Ана шу куркалар бошқа линияларнинг уруғбошиси бўлиб қолди.

Оқ куркалар интенсив усулда асраш шаронтига бронза ранг куркаларга нисбатан яхши мувофиқлашган. Шимолий Кавказ зотидан бўлган оқ ва бронза ранг куркалар бир хил озиқ бериб боқилганда оқ куркалар анча эртaroқ (120 кунлик чоғида) гўшт учун топширилиши мумкин, бунинг натижасида уларнинг 1 кг семирishi учун анча кам озиқ сарфланади. 120 кунлигида сўйилган оқ куркаларнинг нимталанган танаси

яхши кўринишга эга бўлади (пат қолдиқлари бўлмайди).

Оқ Шимолий Кавказ куркаларида курк бўлиш инстинкти деярли пайдо бўлмайди, шунинг учун улар йилига 130—135 дона тухум қилади. Оқ куркалар 240 кунлик бўлганида тирик вазни; урғочилариники 5,5—7 кг, эркаклариники 13—14 кг келади, тухумдан жўжа очиб чиқиши 83—85% га, ёш куркаларнинг яшовчанлиги 95% га боради.

1968 йилда Ставрополь ИПС (инкубацион паррандачилик станцияси)да ўтказилган конкурс синовларида 120 кунлик оқ куркаларнинг тирик вазни қуйидагича бўлди: эркаклари 5,580 кг, урғочилари 4,050 кг; 1 кг семириши учун 3,4 кг озиқ сарфланди. Тухумдан жўжа очиб чиқиши 80% ни, уларнинг яшовчанлиги 96% ни ташкил қилди.

1967—1968 йиллар мобайнида оқ куркалар яхши деб топилди ва мамлакатнинг жанубий қисмида кенг тарқалди. Бу куркалар Совет Иттифоқидаги 12 республика ва областларга, шу жумладан Ўзбекистон ССР га ҳам олиб келинди. Кенг тўшли бронза ранг куркалар — булар бронзасимон куркаларнинг кўкрак мускуллари кучли даражада ривожланган тур хилидир. Бу хил куркалар Америка ёввойи куркаларини инглиз қора (норфль) куркалари билан чатиштириб ҳосил қилинган. Булар жуда йирик паррандалар бўлиб, яйловда асрашга яхши мослашмаган.

Эркакларининг вазни 17—20 кг га ва урғочилариники 9—11 кг га боради. 1945 йилдан буён кенг тўшли куркалар СССР да ҳам урчитилмоқда ва асосан маҳаллий зот паррандалар билан чатиштириш учун фойдаланилмоқда. Улар Кабардин-Балкар АССР ва Украина ССР да кўпайтирилмоқда.

Кубан қора куркалари — селекция йўли билан зотчи яхшиланган маҳаллий паррандалардир. Улар Краснодар ўлкасининг Тихорецкий районидаги давлат наслчиллик станциясида урчитилмоқда. Қора куркалар танлаш ва ва тирик вазни, серпуштлиги, тез кўпайиш каби бошқа хусусиятларига қараб хиллаш йўли билан яхшиланмоқда. Танлаш ва хиллаш, шу билан бир вақтда боқиш ва асраш шароитини яхшилаш бу хил куркаларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини анча оширишга ёрдам бермоқда.

Бу куркаларнинг тирик вазни унча катта бўлмаса-да, гўштдорлик хусусиятлари яхши ривожланган, шароитга чидамли, яйловда асрашга мослашган, патлари қора. Ургочиларнинг ўртача тирик вазни 4,7 кг, энг юқори вазни 6,4 кг, эркаklarининг ўртача тирик вазни 9 кг, энг юқори вазни — 12 кг.

Тихорецкий давлат наслчилиқ станцияси зонасидаги хўжалиқларда куркаларнинг ўртача серпуштлиги 57 дона бўлиб, 50 донадан 74 донагача ўзгариб туради; энг кўпи билан бир йилда 121 дона тухум қилади. Нормал шароитда асраб боқилганда беш ойликка етмаган ёш куркаларнинг 88—92% и, катта ёшдаги паррандаларнинг эса 90% дан кўпроқ қисми сақланади.

Оқ Москва куркалари — Москва областидаги «Березки» совхозида маҳаллий оқ куркаларни оқ голланд куркалари ҳамда белтсвиль куркалари билан чатиштириб ҳосил қилинган, 1945 йилда АҚШдан олиб келинган, 1949 йилдан бошлаб эса ҳосил қилинган дурагайлар ўзинида урчитила бошланди. Киев областидаги Старинск паррандачилиқ фабрикасида Оқ Москва куркаларининг катта галаси бор. Бу зот гўштдорлик хусусиятлари билан ажралиб туради; бир яшар эркак куркаларнинг тирик вазни 12—13 кг, ургочилариники — 6—7 кг келади. Икки яшар эркаklarининг вазни 17 кг га, ургочилариники — 9 кг га боради.

Оқ Москва куркалари тез етилади, 275—280 кунлигидан бошлаб тухумга киради. Бу зот куркаларнинг 180 кунлигидан бошлаб тухум қила бошлаганлиги ҳам кузатишган.

Оқ Москва куркалари маҳаллий шароитга жуда яхши мослашганлиги, яхши яшовчан, ниҳоятда серпушт, тирик вазни катта ва тез кўпаювчанлиги билан ажралиб туради. Тухумларининг уруғланувчанлиги ўрта ҳисобда 88,7% га, инкубацияга қўйилган тухумлардан жўжа очиб чиқиши 80,7% га, уруғланган тухумлар сонига нисбатан эса 91,1% га тенг. Ургочи куркалар йилига ўрта ҳисобда 80—100 дона, энг кўпи билан 171 дона тухум беради.

Оқ Москва куркаларининг гўштдорлик формалари яхши ривожланган, тўши кенг, орқаси тўгри ва кенг, боши кичкина, енгил, суяклари кенг тўшли бронза ранг ва Шимолий Кавказ куркалариникига нисбатан анча ингичка, нозик. Тумшуги ҳамда оёқлари пушти (оч

қизғиш) рангда бўлиб, ёши катталашганда оч кул ранг тусга киради. Эркакларнинг кўкрагида бир тутам ипсимон қора патлари бўлади.

**Бронза ранг Москва куркалари** «Березки» совхозида маҳаллий куркалар зотини яхшилаш ишлари Улуғ Ватан урушидан олдин бошланган эди. Маҳаллий куркаларни бронза ранг курка зотлари билан чатиштириш натижасида бронза ранг Москва куркалари вужудга келтирилган. Дурагайлар бир неча йиллар давомида ўз ичида урчитиб ривожлантирилгандан кейин кенг тўшли бронза ранг куркалар билан чатиштирила бошланди.

1948 йилдан бошлаб дурагайлар ўз ичида урчитила бошланди. Ҳосил қилинган дурагайлар экстеръери, тирик вазни ва маҳсулдорлигига қараб танлаш, хиллаш йўли билан такомиллаштирилмоқда. Бир яшар эркак куркаларнинг ўртача тирик вазни 13—14 кг, урғочилариники 7—7,5 кг келади. Ўрта ҳисобда йилига 86,6 дона тухум қилади.

Бу зот группасидаги урғочи куркаларнинг гавдаси мустаҳкам тузилган, оёқлари бақувват ва кенг ўрнашган. Патлари қора ва тўқ бронза рангда товланиб туради.

Бундай куркалар Москва областидаги совхозларда ва мамлакатимизнинг бошқа районларида урчитилади.

**Ўзбекистон куркалари.** Ўзбекистон ССР да маҳаллий сариқ, бронза ранг ва кул ранг куркалар тарқалган. Улар Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда жуда кўп урчитилади.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, маҳаллий сариқ ва бронза ранг куркаларнинг тирик вазни бошқа зотлариникига нисбатан қарийб икки баравар кам, гавдаси узун ва хипча бўлади. Тўши юқорида баён қилинган зотлариникига нисбатан 15—23% тор. Кўкрак айланаси ўлчамларида айниқса катта тафовутлар кузатилади. Чунончи кенг тўшли бронза ранг куркаларнинг кўкрак айланаси 51,6 см, маҳаллий куркаларники эса — 41,6 см холос. Кўкрак тиги (тиғ суюғи) узунлигини ўлчаб кўрганда ҳам шундай нисбат кузатилади (кенг тўшли бронза ранг куркаларники 18,4 см, маҳаллий куркаларники — 14,0 см). Маълумки, кўкрак айланаси ва тиг узунлиги парранданинг гўштдорлик формаларини характерлайди. Маҳаллий куркаларнинг гўштдорлик хусусиятларини яхшилаш

мақсадида республикада бу куркаларни Шимолий Кавказ ва кенг кўракли зотларнинг эркаклари билан ча-тиштириш ва кейинчалик уч зот аралашмаси бўлган дурагайларни ўз ичида урчитиш ишлари олиб борилди.

1963 йилда тўрт ва олти ойлигида кўнгилдагидек гўштдор бўлган уч зот аралашмасидан дурагайлар ҳо-сил қилинди.

Уч зот аралашмаси бўлган (1/8 қисм маҳаллий, 3/8 қисм Шимолий Кавказ, 4/8 қисм кенг кўракли бронза ранг) дурагайларни ўз ичида урчитиш юзасидан 1964 йилда олиб борилган ишлар шунинг кўрсатдики, ҳосил қилинган белгиларни мустаҳкамлаш учун куркалар ўз ичида урчилганда уларнинг тирик вазни ва сифати пасаймас экан. Шунинг учун 1965 йилда ирсий белгилар-ни мустаҳкамлаш мақсадида куркаларни ўз ичида ур-читиш ишлари давом эттирилди ва бунда энг яхши куркалар қайта кўпайтириш учун танлаб олинди, но-мақбул хусусиятларга эга бўлган куркалар эса брак қи-линди.

Бронза ранг Ўзбекистон куркалари саккиз авлод да-вомида маълум йўналишда танлаш ва ёш паррандаларини боқиш учун зарур шароитни яратиб бериш йўли билан вужудга келтирилган. Куркаларнинг мазкур бирикти-рилган группаси қониқарли гўштдорлик хусусиятларига эга экани ва ёзги юқори ҳароратли шароитда яшашга яхши мосланганлиги билан ажралиб туради.

Бронза ранг Ўзбекистон куркаларининг гавдаси мус-таҳкам тузилган, танаси сал чўзиқчоқроқ гўж шаклда, тўши қалин ва кенг, аммо етарлича тўлиқ эмас. Оёқлари бақувват кенг ўрнашган, хийлагина узун, ўртача катта-ликдаги боши мутлақо патсиз, патлари бронза рангда.

Наслчиллик мавсуми бошланадиган пайтда, яъни тўққиз-ўн ойлик бўлганида тирик вазни энг катта миқ-дорда: урғочилари 5,9 кг ва эркаклари 10,8 кг га етади.

1966 йилдан бошлаб бронза ранг Ўзбекистон кур-калари устида наслчиллик ишлари Ўзбекистон Чорвачи-лик илмий текшириш институтининг «Красний водопад» тажриба базасидаги куркачилик фермасида олиб борил-ди. Бунда наслчиллик ишларига ялпи селекция методи асос қилиб олинди. паррандалар бир қанча секцияларга ажратилган бостирма тагида айрим группаларга ажра-тиб сақланди ва ҳар бир грушпага муайян миқдорда эркак паррандалар қўшиб қўйилди. Паррандаларнинг

маҳсулдорлиги контрол катаклар ёрдамида ҳисобга олиб борилди.

1967 йилда куркаларни катакларда чатиштириш ташкил қилинди. Энг серпушт куркаларни танлаб олиш ва улардан янги бугин олиш, маҳсулдорлик хусусиятларининг наслдан-наслга ўтишини яқка тартибда ҳисобга олиш асосида ўрганиб чиқиш мақсадида тажриба учун 15 та катак ташкил қилинди. Селекция группасидаги паррандаларнинг репродукция давридаги (олти ой) ур-тача серпуштлиги турли йилларда анча юқори бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

Бронза ранг Ўзбекистон куркаларининг серпуштлиги, дона

Ой	Й и л л а р		
	1967	1968	1969
Февраль	5,74	13,65	—
Март	17,10	13,83	14,42
Апрель	17,74	14,76	16,68
Май	16,50	16,35	17,18
Июнь	13,40	14,42	15,18
Июль	2,40	9,56	12,25
Август	—	—	6,39
Ж а м и	62,88	82,57	82,63

Ҳозирги вақтда бутун галанинг серпуштлигини ошириш учун катта имкониятлар бор. Насл олиш мавсумида 90—133 дона тухум қиладиган рекордчи куркаларнинг мавжудлиги сўзимизнинг исботи бўла олади. Танлаш ва хиллаш йўли билан ана шу белгини мустақамлаш ва юқори даражада серпушт линияни вужудга келтириш мумкин.

Куркалар тухумининг турли йиллардаги вазни 80,71—81,83 грамм атрофида ўзгариб туради.

Курка болалари тирик вазнининг турли йилларда орта бориши уларни тирик вазни ва тез ўсишига қараб олиб борилган танлаш билан боғлиқ. Булар эса гуштдор паррандачилик селекциясида етакчи белгилар ҳисобланади (5-жадвал)

## Бронза ранг Ўзбекистон куркаларининг тирик вазни, грамм

Еши, кун	1965 й.		1969 й.		1970 й.	
	0	0	0	0	0	0
120	3638	2793	4234	3232	4672	3300
180	7099	4192	7772	4790	7510	4761

Куркалар галасини ўстириш даврида жуда интенсив равишда ўсадиган айрим индивидлар учраб туради. Масалан, беш-олти ойлик бир неча эркак курка кунига 85—95 граммдан, яна биттаси эса 115 граммдан ўсди, урғочиларининг вазнига 40—60 граммдан қўшилиб борди.

Селекция жараёнида куркаларнинг гўштдорлик хусусиятлари бирмунча яхшиланди, чунончи олинадиган гўшт миқдори териси билан бирга 5,9% кўпайди.

Кенг тўшли оқ инглиз куркаси — 1964 йил майда Москвадаги қишлоқ хўжалик виставкасида Буюк Британиядаги юқори маҳсулдор куркалар етиштирадиган «Бернад Маттюз Лимитед», «Бритиш Юнайтед Тяркейз Лимитед» ва «Нейтровит» каби етакчи фирмалар қатнашди.

1965 йил май ойида Самарқанд областининг Ғаллаорол паррандачилик фабрикасига Краснодар ўлкасидаги «Майкоп» наслдор паррандачилик совхозидан кенг тўшли оқ инглиз куркаларининг 15300 дона наслдор тухумлари олиб келинди. Аспирант С. А. Қимнинг маълумотларига кўра, курка жўжаларнинг тирик вазни ой сайин қуйидагича ўсди (6-жадвал).

## Курка жўжаларининг тирик вазни, грамм

Еши, ой	Жинси		Ўрта ҳисобда
	эркаги	урғочиси	
1	362	362	362
2	1360	1360	1360
3	2794	2794	2794
4	5537	3869	4704
5	6786	4608	5276
6	8042	5154	6393
8	10260	5680	7970

Жадвал маълумотларида қўриниб турганидек, кенг тўшли оқ инглиз куркалари (эркаклари) ниҳоятда тез етилади ва гўштдор бўлади. Улар тўрт ойлик чоғидаёқ яхши товар сифатига эга бўлган гўшт беради.

### КУРАКЧИЛИКДАГИ НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Куркачиликда олиб бориладиган наслчилик ишлари куркалар организмнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ. Енгил вазнли курка зотлари куркалар 180—200 кунлик бўлганда, оғир вазнли курка зотлари эса 230—250 кунлик бўлганда жинсий жиҳатдан етилади.

Тухумга кирган даврида одатда битта урғочи курка ўрта ҳисобда 70—80 дона тухум қилади. Босим тухум қилиш даври беш-олти ой давом этади, шундан кейин-туллаш даври бошланади. Катта ёшдаги (туллаб чиққан) куркалар ёш куркаларга нисбатан 30—40% кам тухум қилади.

Селекция группаси тахминан 90% ёш куркалар ва 10% катта ёшдаги куркалардан иборат қилиб тўлдирилади. Линия ичида чатиштиришда насл группасидаги ҳар бир она группадан 16—20 тадан жўжа танлаб олинади. Белгиларнинг мужассамланишини текширишда ҳар бир она куркадан саккиз — ўнта жўжа ва эркак курканинг камида 60 та янги бўғини баҳолаб чиқилади.

Бир линия устида наслчилик ишлари олиб бориш учун наслчилик заводида камида 20 та селекция каттак бўлиши керак. Катакларда куркалар икки усулда чатиштирилади: линияни кўпайтириш ва ота-оналарига (олдинги авлодларига) ўхшаш формаларни вужудга келтириш учун линиялар ичида чатиштириш ҳамда линиялар, авлодлар ва айрим индивид хусусиятларини ўзида мужассамлаштирганлигини текшириш учун линиялараро чатиштириш, ҳам оталик, ҳам оналик формаларга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган линиялар вужудга келтирилиши керак. Ёш куркалар биринчи марта 120 кунлик бўлган пайтда танланади ва тез ўсиши, гавдасининг гўштдорлик формалари, яшовчанлиги, экстеръери, пат билан қопланиши ва сарфланган озиқнинг ўрни қопланиши жиҳатидан баҳоланади (7-жадвал).

Куркалар 180—200 кунлик бўлганида насл учун она куркаларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари (серпуштли-



## Бронза ранг Ўзбекистон куркаларининг тирик вазни, грамм

Ёши, кун	1965 й.		1969 й.		1970 й.	
	0	0	0	0	0	0
120	3638	2793	4234	3232	4672	3300
180	7099	4192	7772	4790	7510	4761

Куркалар галасини ўстириш даврида жуда интенсив равишда ўсадиган айрим индивидлар учраб туради. Масалан, беш-олти ойлик бир неча эркак курка кунига 85—95 граммдан, яна биттаси эса 115 граммдан ўсди, урғочиларининг вазнига 40—60 граммдан қўшилиб борди.

Селекция жараёнида куркаларнинг гўштдорлик хусусиятлари бирмунча яхшиланди, чунончи олинадиган гўшт миқдори териси билан бирга 5,9% кўпайди.

Кенг тўшли оқ инглиз куркаси — 1964 йил майда Москвадаги қишлоқ хўжалик виставкасида Буюк Британиядаги юқори маҳсулдор куркалар етиштирадиган «Бернад Маттюз Лимитед», «Бритиш Юнайтед Тяркейз Лимитед» ва «Нейтровит» каби етакчи фирмалар қатнашди.

1965 йил май ойида Самарқанд областининг Ғаллаорол паррандачилик фабрикасида Краснодар ўлкасидаги «Майкоп» наслдор паррандачилик совхозидан кенг тўшли оқ инглиз куркаларининг 15300 дона наслдор тухумлари олиб келинди. Аспирант С. А. Қимнинг маълумотларига кўра, курка жўжаларнинг тирик вазни ой сайин қуйидагича ўсди (6-жадвал).

## Курка жўжаларининг тирик вазни, грамм

Ёши, ой	Жинси		Ўрта ҳисобда
	эркаги	урғочиси	
1	362	362	362
2	1360	1360	1360
3	2794	2794	2794
4	5537	3869	4704
5	6786	4608	5276
6	8042	5154	6393
8	10260	5680	7970

Жадвал маълумотларида қўриниб турганидек, кенг тушли оқ инглиз куркалари (эркаклари) ниҳоятда тез етилади ва гўштдор бўлади. Улар тўрт ойлик чоғидаёқ яхши товар сифатига эга бўлган гўшт беради.

### КУРАКЧИЛИКДАГИ НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Куркачиликда олиб бориладиган наслчилик ишлари куркалар организмнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ. Енгил вазнли курка зотлари куркалар 180—200 кунлик бўлганда, оғир вазнли курка зотлари эса 230—250 кунлик бўлганда жинсий жиҳатдан етилади.

Тухумга кирган даврида одатда битта урғочи курка ўрта ҳисобда 70—80 дона тухум қилади. Босим тухум қилиш даври беш-олти ой давом этади, шундан кейин-туллаш даври бошланади. Катта ёшдаги (туллаб чиққан) куркалар ёш куркаларга нисбатан 30—40% кам тухум қилади.

Селекция группаси тахминан 90% ёш куркалар ва 10% катта ёшдаги куркалардан иборат қилиб тўлдирилади. Линия ичида чатиштиришда насл группасидаги ҳар бир она группадан 16—20 тадан жўжа танлаб олинади. Белгиларнинг мужассамланишини текширишда ҳар бир она куркадан саккиз — унта жўжа ва эркак курканинг камида 60 та янги бўғини баҳолаб чиқилади.

Бир линия устида наслчилик ишлари олиб бориш учун наслчилик заводида камида 20 та селекция катак бўлиши керак. Катакларда куркалар икки усулда чатиштирилади: линияни кўпайтириш ва ота-оналарига (олдинги авлодларига) ўхшаш формаларни вужудга келтириш учун линиялар ичида чатиштириш ҳамда линиялар, авлодлар ва айрим индивид хусусиятларини ўзида мужассамлаштирганлигини текшириш учун линиялараро чатиштириш, ҳам оталик, ҳам оналик формаларга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган линиялар вужудга келтирилиши керак. Ёш куркалар биринчи марта 120 кунлик бўлган пайтда танланади ва тез ўсиши, гавдасининг гўштдорлик формалари, яшовчанлиги, экстеръери, пат билан қопланиши ва сарфланган озиқнинг ўрни қопланиши жиҳатидан баҳоланади (7-жадвал).

Куркалар 180—200 кунлик бўлганида насл учун она куркаларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари (серпуштли-

## Куркаларнинг маҳсулдорлиги бўйича классини аниқлашдаги минимал талаблар

Кўрсаткичлар	Кенг тушли оқ куркалар		Кенг тушли бронза ранг куркалар		Шимолий Кавказ ва Москва ва бронза ранг ва оқ куркалари		Тихорецк ҳорра куркалари	
	элита	I класс	элита	I класс	элита	I класс	элита	I класс
	II класс		II класс		II класс		II класс	
120 кунлик куркаларнинг тирик вазни, кг	4,3	3,8	4,3	3,8	4,0	3,5	3,8	3,3
урғочилари	5,3	4,8	5,3	4,8	5,0	4,5	4,8	4,0
эркаклари	40	35	40	35	35	30	35	25
Тухум қила бошлаган дастлабки икки ойдаги серпуштлиги	90	80	90	80	80	70	70	60
Бариинчи йилнинг биринчи циклдаги серпуштлиги								

## Асосий маълумотлар

Кўшимча маълумотлар	I класс		II класс		I класс		II класс	
	элита	I класс	элита	II класс	элита	I класс	элита	II класс
	II класс		II класс		II класс		II класс	
65	62	60	67	65	70	67	65	65
87	84	82	90	87	90	87	85	85

Бостирилган тухумлардан жўжа очиб чиқиш, %  
Куркаларнинг 120 кунлик бўлгунича сўқланиб қолиши

ги ва жўжа очиб чиқиш проценти), баҳоланаётган урғочи куркаларнинг 120 кунлик пайтдаги тирик вазни ва сақланиб қолиши каби белгиларига қараб охирги марта танланади, шу билан бирга ота-оналарининг худди шу ёшдаги тирик вазни ҳам ҳисобга олинади.

Танлаб олинган паррандаларнинг серпуштлиги икки ойгача якка тартибда ҳисобга олиб борилади. Сўнгра улар бошқа кўрсаткичлари (120 кунлик тирик вазни ва бут сақланиши, тухумидан жўжа очиб чиқиш проценти, тухум қила бошлаган дастлабки 60 кундаги серпуштлиги) бўйича баҳоланади.

Тез ўсиши ва серпуштлиги жиҳатидан энг яхши деб топилган паррандалар насл ядросига ўтказилади ва у ерда уларни серпуштлиги ҳамда наслининг сифати жиҳатидан синаш давом эттирилади.

Икки яшар паррандалар баҳоланаётган урғочи куркаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига (120 кунлик тирик вазни ва бут сақланиши, тухумидан жўжа очиб чиқиш проценти, биринчи йилнинг биринчи цикл тухум қилиш давридаги серпуштлиги) қараб баҳоланади ва улар берган янги авлоднинг 120 кунлик тирик вазни ҳам ҳисобга олинади.

Наслчилик инларида эркак ва урғочи куркалар 1 : 10 нисбатда олинади. Куркачиликда паррандалар линияларини янада такомиллаштириш мақсадида инларда селекциялашдан ташқари оила-группали селекция қўлланилади. Бундай группаларга дастлабки қони яқин эркак куркалар хиллаб олиниб, улар ёнига тегишли миқдорда шу линиядан бўлган урғочи (макиён) куркалар қўшиб қўйилади (50 та дан 150 тагача). Бунда ҳужаликда шу линиянинг машҳур уруғбошиларидан олинган тула ака-ука эркак куркаларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади.

Группалардаги куркаларнинг серпуштлиги якка тартибда ҳисобга олиб борилади.

**Сунъий уруғлантириш.** Куркачиликда сунъий уруғлантириш кенг қўлланилади. Бу усул энг қимматли насл берадиган куркалардан яхши фойдаланиш имконини беради, тухумларнинг уруғланувчанлигини ва жўжа очиб чиқишини оширади, шунингдек макиёнларнинг шикастланишини кескин камайтиради. Сунъий уруғлантиришда эркак куркаларнинг макиёнларга нисбати 1 : 30—50 ни ташкил қилади.

Курчаларнинг махсулдорлиги бўйича классини аниқлашдаги минимал талаблар

Кўрсаткичлар	Кенг тушли оқ курчалар		Кенг тушли бронза ранг курчалар		Шимолий Қазақ ва Москва ва бронза ранг ва оқ курчалари		Тихорецк қорғоқ курчалари	
	элитта	I класс	элитта	I класс	элитта	I класс	элитта	I класс
		II класс		II класс		II класс		II класс

Асосий маълумотлар

120 кунлик курчаларнинг тирик вазни, кг	4,3	3,8	3,5	4,3	3,5	4,0	3,2	3,8	3,3	3,0
урғочилари	5,3	4,8	4,5	5,3	4,5	5,0	4,2	4,8	4,3	4,0
эркаклари	40	35	30	40	30	35	25	35	25	20
Тухум қила бошлаган ластлабки икки ой-даги серпуштаги	90	80	70	90	80	80	60	70	60	50
Биринчи йилнинг биринчи циклдаги серпуштаги										

Қўшимча маълумотлар

Бостирилган тухумлардан жўжа очиб чиқиш, %	65	62	60	67	65	70	65	70	67	65
Курчаларнинг 120 кунлик бўлгунича свқ-ланиб қолиши	87	84	82	90	87	90	85	90	87	85

ги ва жўжа очиб чиқиш проценти), баҳоланаётган урғочи куркаларнинг 120 кунлик пайтдаги тирик вазни ва сақланиб қолиши каби белгиларига қараб охирги марта танланади, шу билан бирга ота-оналарининг худди шу ёшдаги тирик вазни ҳам ҳисобга олинади.

Танлаб олинган паррандаларнинг серпуштлиги икки ойгача якка тартибда ҳисобга олиб борилади. Сўнгра улар бошқа кўрсаткичлари (120 кунлик тирик вазни ва бут сақланиши, тухумидан жўжа очиб чиқиш проценти, тухум қила бошлаган дастлабки 60 кундаги серпуштлиги) бўйича баҳоланади.

Тез ўсиши ва серпуштлиги жиҳатидан энг яхши деб топилган паррандалар насл ядросига ўтказилади ва у ерда уларни серпуштлиги ҳамда наслининг сифати жиҳатидан синаш давом эттирилади.

Икки яшар паррандалар баҳоланаётган урғочи куркаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига (120 кунлик тирик вазни ва бут сақланиши, тухумидан жўжа очиб чиқиш проценти, биринчи йилнинг биринчи цикл тухум қилиш давридаги серпуштлиги) қараб баҳоланади ва улар берган янги авлоднинг 120 кунлик тирик вазни ҳам ҳисобга олинади.

Наслчилик инларида эркак ва урғочи куркалар 1 : 10 нисбатда олинади. Куркачиликда паррандалар линияларини янада такомиллаштириш мақсадида инларда селекциялашдан ташқари оила-группали селекция қўлланилади. Бундай группаларга дастлабки қони яқин эркак куркалар хиллаб олиниб, улар ёнига тегишли миқдорда шу линиядан бўлган урғочи (макиён) куркалар қўшиб қўйилади (50 та дан 150 тагача). Бунда ҳужаликда шу линиянинг машҳур уруғбошиларидан олинган тўла ака-ука эркак куркаларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади.

Группалардаги куркаларнинг серпуштлиги якка тартибда ҳисобга олиб борилади.

**Сунъий уруғлантириш.** Куркачиликда сунъий уруғлантириш кенг қўлланилади. Бу усул энг қимматли насл берадиган куркалардан яхши фойдаланиш имконини беради, тухумларнинг уруғланувчанлигини ва жўжа очиб чиқишини оширади, шунингдек макиёнларнинг шикастланишини кескин камайтиради. Сунъий уруғлантиришда эркак куркаларнинг макиёнларга нисбати 1 : 30—50 ни ташкил қилади.

Эякулят (бир марта ажралиб чиққан сперма) миқдори ва сифати сперма олиш усулига боғлиқ.

### ЭРКАК КУРКАЛАРДАН АСКАНИЯ УСУЛИДА СПЕРМА ОЛИШ ТЕХНИКАСИ

Эркак куркани табиий равишда қўзғатиш (илиқтириш) учун макиён куркадан фойдаланилади. Бунинг учун ургочи (макиён) куркани тухумсимон чуқурча ичидаги махсус станокка маҳкамлаб қўйилади. Станокнинг устига ярим доира шаклидаги тўрсимон шчит ёпиб қўйилган бўлади. Бу шчит эркак куркалар ургочисини босишга интилганда уни шикастланишдан сақлашга мўлжалланган. Станокнинг асоси 90×100 см ва баландлиги 100 см бўлган столдан иборат, унинг устида тухумсимон чуқурча бор (бўйи 30 см, эни 22 см, баландлиги 12 см). Ярим доира шаклидаги тўрсимон шчитнинг (бўйи ва эни 25 см, баландлиги 12 см) олдинги қисмида ёғочдан ясалган ўсиғи бўлиб, ургочи куркани шу ёғоч ўсиқча ёрдамида чуқурча ичига маҳкам жойлаштириб қўйилади.

Сперма олиш учун эркак курка станок устига қўйилади. Ургочи куркани кўриши билан у жушқинланади ва ургочисини босишга интилади. Шу пайтда эркак курканинг қорни ёки клоакаси атрофдаги юмшоқ қисми астагина силанса курка тез жушқинланади. Копуляция (қўшилиш) органи пайдо бўлгандан кейин техник қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан ана цитанни тез-тез эза бошлайди, унг қўли билан эса тоқ ва қуруқ пробиркани (баландлиги 4—5 см, диаметри 1,5 см) ёки шишадан ясалган сперма идишини жинсий органга тўғрилайди, курканинг чиқарган спермаси цитан идиш ичига тушади.

### ТАБИЙ УСУЛДА ЖУФТЛАШДА ЭРКАК КУРКАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНИКАСИ

Табиий усулда жуфтлашда макиён куркаларни камроқ шикастланишини кўзлаб, шу группага биркитил қўйилган куркалардан навбатма-навбат фойдаланиш ҳар куни эрталаб ана шу биркитилган эркак куркаларнинг ярминигина макиёнлар ёнига бир неча соат қўшиб қўйиш ва шундан кейин уларни ажратиб олиб алоҳида

сақлаш лозим. Шундагина макиён куркалар камроқ шикастланади ва куркаларни табақалаштирилган тартибда боқиш мумкин бўлади.

Эркак куркаларнинг ўзига хос хусусияти ва тухумларни уруғлантириш қобилияти юқори даражада бўлиши катта аҳамиятга эга. Ҳатто энг яхши галаларда ҳам тухумларнинг уруғланганлик даражасини «Т» линияси бўйича 85—88% дан ошириб бўлмайди. Уруғланганлик белгисини муайян даражада тутиб туриш қийин, чунки эркак куркалар макиёнларига нисбатан икки-уч ой эртарақ туллай бошлайди. Агар эркакларнинг туллаши 20—30% га етса тухумларнинг уруғланганлик даражаси кескин — 50—55% гача пасайиб кетади. Ёруғ куннинг узун бўлиши ҳам уруғланишнинг пасайиб кетишига олиб келувчи сабаблардан биридир.

Қулай шароитда асралган тақдирда эркак куркалар тўрт-беш ой давомида яхши насл бериши мумкин. Шунинг учун анча ёш (икки-уч ойлик) эркак куркалар резервига эга бўлиш лозим ва улар чекланган ёруғ кун шароитида сақланиши керак. С. Ж. Марсден ва Ж. Х. Мартин (АҚШ) резерв эркак куркалар учун ёруғ кун узунлиги 8—9 соат бўлиши керак деб таклиф қилдилар.

Урчитишда фойдаланиладиган эркак куркалар уруғининг сифати (эякулят ҳажми, концентрацияси, сперматазоидларнинг ҳаракатчанлиги ва яшовчанлиги) жиҳатидан синаб кўрилиши лозим.

Урғочи куркаларнинг курк бўлиш инстинкти йўқ эканига қараб танлаб олиниши керак. Тухум қилишнинг биринчи цикли тугагандан кейин одатда куркаларда тухум босишга мойиллик пайдо бўлади. Куркаларда ана шундай мойиллик пайдо бўлиши биланоқ дарҳол унга қарши кураш чоралари кўрилса, улар тухум қилишдан тўхтамайди. Шунинг учун тухум қилиш даврида паррандабоқарлар инларни тез-тез текшириб туришлари, тухум қилгам куркалар тагидан тухумини йиғиштириб олишлари керак.

Куркаларнинг тухум қилишларини кўпайтириш учун курк бўлиш инстинктини тўхтатиб қўйишнинг гормонал методини қўлланиш (прогестерон инъекциялари ёрдамида) тавсия этилади. Курк бўла бошлаган куркаларга прогестерон 30 микрограммдан икки марта (кунора) инъекция қилинса, орадан бир кун ўтгач, куркаларнинг



90 процентиди куркланиш инстинкти йўқолиб кетади. 18 кундан кейин улар қайтадан тухумга киради.

### ОТА-ОНА ФОРМАДАГИ КУРКАЛАР ГАЛАСИНИ АСРАШ

Ирсият тўғрисидаги генетик билимларга асосланиб, паррандаларнинг маҳсулдорлигини оширишнинг амалий вазифалари икки йўл билан амалга оширилади: биринчидан, кўнгилдагидек генотипларни, яъни паррандаларнинг янги, юқори маҳсулдор зот ва линияларини вужудга келтириш; иккинчидан, организмнинг индивидуал ривожланишини бoшқариш методларини ишлаб чиқиш.

Паррандаларнинг генетик имкониятларидан энг кўп фойдаланиш учун тегишли боқиш ва асраш шароитини вужудга келтириш лозим, чунки теваракдаги муҳитнинг ноқулай бўлиши яширин ирсий имкониятларни бўғиб қўяди ва тухум ҳамда гўшт маҳсулдорлиги камайишига олиб келади.

Ота-она формадаги куркалар солярийлари бўлган паррандахоналарда, эркаклари урғочиларидан ажратилиб, алоҳида бино ёки секцияларда асралади. Биноларнинг ичи қуруқ, ёруғ ва шамол яхши юришиб турадиган бўлиши керак. Паррандахона ва солярийларнинг поли қаттиқ қопламали бўлиши лозим. Солярий ёки яйратиш майдончаларининг атрофи 2,0—2,5 м баландликдаги тўр билан тўсиб қўйилади. Бундай майдончанинг ҳар бир паррандахонага 0,4 м<sup>2</sup> дан тўғри келиши кўзда тутилади. Куркаларнинг паррандахонадан солярийга чиқиши учун баландлиги 60 см ва эни 50 см бўлган туйнуклар қўйилади. Туйнукнинг пастки четига баландлиги 20 см бўлган тахтача қоқиб қўйилади. Ҳар бир туйнукка 100—150 та, полнинг ҳар квадрат метрига 1,5 курка тўғри келиши лозим. Паррандахона тўсиқлар ёрдамида ҳар бирига 500 тадан курка сиғадиган секцияларга ажратилган бўлиши керак.

Паррандалар қуруқ аралаш ем билан боқилади, ҳар бир куркага тўғри келадиган озиқлантириш майдончаси 8 см, суғориш майдончаси 4 см бўлиши лозим. Цилиндрсимон охурчалар қўлланилганда озиқлантириш майдончаси 25% қисқаради.

Парранда тезаги сидириш механизмлари ёрдамида мунтазам равишда тозалаб турилади. Қўноқларни тезак

тўпланадиган мосламалар устига ўрнатилади, бунда ҳар бир куркага 35—40 см узунликдаги қўноқ тўғри келадиган бўлиши лозим. Қўноқлар ўртасидаги оралиқ 50 см, қўноқларнинг эни — 60 см. Қўноқларнинг тик қирралари пастга қараган конус шаклида рандаланади, тепа томондаги четлари эса юмалоқ шаклда бўлади. Тезак йиғиладиган қутининг баландлиги 20—25 см.

Оддий ипларни бино ичига тўрт-беш куркага биттадан тўғри келадиган қилиб ўрнатилади. Куркалар тухуми қўлда йиғиштириб олинади.

Температура ва намлик режими паррандалар соғлиғига, уларнинг кўпайиш хусусиятларига таъсир этувчи муҳим фактор ҳисобланади. Шунинг учун бино ичида оптимал микроқлим вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилади. Йилнинг совуқ фаслида паррандахона ичидаги ҳарорат  $+12-16^{\circ}\text{C}$  атрофида тутиб турилиши ва ҳавонинг нисбий намлиги 60—70% чамасида бўлиши шарт.

Ташқаридаги ҳарорат юқори бўлганда вентиляторларнинг максимал даражада ишлашини ва ташқи ҳарорат паст бўлган вақтларда уларнинг минимал даражада ишлашини таъминлаш учун вентиляция системаси кенг диапазонда бошқариладиган бўлиши лозим.

Йилнинг совуқ фаслида секундига 0,3 м тезликда шамол эсиб турганида бино ичидаги ҳавода қўйидаги миқдорда заҳарли газлар бўлишига йўл қўйилади: аммиак — 0,01 мл/л, водородсульфид — 0,005 мл/л, карбонат ангидрид — 0,18—0,20% ҳажмда.

Куркалар етти ойликдан ошганидан кейин ёруғ кун узунлигини аста-секин ҳафтасига 1,5 соатдан 14 соатга етгунча узайтира борилади. Эркак куркаларни ургочиларга нисбатан уч ҳафта эртарақ қўшимча равишда ёритишга киришилади ва шу тариқа ёруғ кун узунлигини сунъий йўл билан 14 соатга етказилади. Бино полини ёритиш интенсивлиги тахминан 15 люкс деб қабул қилинган. Бунга эса ёритгичларни ва лампалар қувватини полнинг ҳар квадрат метрига камида 4 ватт тўғри келадиган қилиб бир текисда жойлаштириш йўли билан эришилади. Ёруғ кун узунлиги битта паррандахонага мўлжалланган УПУС-1, бир нечта паррандахонага мўлжалланган УПУС-2 типидagi махсус қурилмалар ёки 2-РВМ типидagi вақт релеси ёрдамида, берилган про-

грамма асосида автомат равишда тўғрилаб (бошқариб) турилади.

Америкалик куркашунос олимлар Харпер ва Паркер (1960 й.) куз-қишда очирилган куркалар жуда серпушт бўлиб чиқиши мумкин, деб таъкидлайдилар. Бунинг учун куркалар ёруғ кун узунлиги тобора ортиб борадиган табиий шароитда уларнинг тухумга кириш пайтини кечиктирадиган махсус режим вужудга келтирилиши керак. АҚШ да шу мақсадда 22—24 ҳафталик ёш куркалар уч-тўрт ҳафтагача ёруғ кун узунлиги қисқартирилган (9 соат) шароитда сақланади. Сўнгра улар ёруғ кун узун бўлган шароитга кўчирилади. Мана шундай ёруғлик экспозициясига дучор қилинган куркалар доимо узун ёруғ кунли шароитда асралган куркаларга нисбатан икки-уч барабар сергўшт бўлиб чиқади.

### КУРКАЛАРНИ АСРАШ ВА БОҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тез етилиши жиҳатидан куркалар гўштдор ҳайвонлар ўртасида олдинги ўринлардан бирида туради. Масалан, ҳаётининг дастлабки икки ойи мобайнида эркак курка жўжасининг вазни 26 барабар ортади. 90—100 кунлик куркачалар 4 кг дан ортиқ гўшт беради. Хўжаликларда олиб борилган тажрибанинг кўрсатишича, курка болаларини интенсив усулда боқиш ва она куркалар галасини икки марта тўлдириш йўли билан 10 та она курка ва битта эркак куркадан бир йилда 2500 кг дан ортиқ гўшт олиш мумкин, бу эса хонаки паррандаларнинг бошқа турлари ва гўшт маҳсулотидан анча кўпдир. Шу билан бир вақтда урғочи ва эркак куркалар вазнига 1 кг қўшилиши учун 4—6 кг, яъни товуқ, ўрдак ва ғозлардагига нисбатан камроқ қуруқ озиқ сарф бўлади.

Тошкент областидаги «Химик» ва Сирдарё областидаги Тимирязев номли совхозларда ихтисослаштирилган куркачилик фермалари ташкил қилингандан кейин Ўзбекистонда саноат асосига кўчирилган паррандачилик ривожлана бошлади. 1967 йил майда Ставрополь ўлкасидаги Обильненский давлат наслчилик совхозидан Шимолий Кавказ, бронза ранг ва оқ зотлардан бўлган 6 минг иқлимга яхши мослаша оладиган ва сермаҳсул курка жўжалари олиб келинди.

Дастлабки пайтларда хўжалик маълум қийинчиликларга дуч келди. Наслдор паррандалар буғ билан иситиладиган эски бузоқхонага жойлаштирилди. 30 кундан кейин эса полига қалин тушама тушалган бостирмалар тагида боқила бошлади.

Ҳозир бу ер батамом механизациялаштирилган бешта паррандахонадан иборат ҳақиқий паррандачилик шаҳарчасига айланган, унда ҳар бирига 2500 та курка сиғадиган ургочи куркахоналар, универсал — 50 типидagi учта инкубаторга мўлжалланган инкубаторий, механизмлар билан яхши таъминланган турли цехлар бор.

Батарейли цехда иккита зал бўлиб, бири курка жўжаларини бир суткаликдан 20 кунлик бўлгунича КБЭ катакларида ўстиришга мўлжалланган. Битта катакка 1350 та, бутун залга эса 6750 та жўжа сиғади. Иккинчи зал 20 кунликдан 45 кунликкача бўлган куркачаларга ажратилган бўлиб, унда КБЭМ-2Д типидagi саккизта катак қурилган, ҳар бир катакка 768 курка боласи сиғади. Батарея цехи ва паррандахоналарни қуришда маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, мураккаб қурилиш конструкцияларидан, масалан, типовой лойиҳаларда кўзда тутилган темир-бетондан воз кечилди. Янги бинолар харсанг тошли бетон пойдевор устига гишт деворли ва металл устунлар (трубалар) дан иборат каркасли қилиб қурилган бўлиб, тоши асбоцемент чиқиндилар қўшиб ишланган шифер билан ёпилган. Бунинг эвазига анчагина маблағ тежалди. Иншоотларни қуришда автокранлар ва плита ташийдиган махсус машиналар ишлатилмади, ишчи кучи ҳам кам сарфланди ва натижада улар 20 минг сўм арзонга тушди.

Бундан ташқари, еттита енгил типдagi ярим очиқ бостирма ҳам қурилган. Уларнинг ҳар бири 10×72 м катталиқда бўлиб, атрофи симтўр билан ўралган ёйилтириш майдончалари бор. Куркачалар бир ойлик бўлгандан кейин ана шундай бостирмалар тагида ўстирила бошлайди. Шундай қилиб, барча сермеҳнат ишлар — овқат солиш ва сув бериш, бино ичини супуриб-сидириш, тухумларни йиғиштириб олиш, озиқ аралашмалари тайёрлаш ва бошқа ишлар механизмлар ёрдамида бажарилади, фермада эса йил бўйи парранда ўстирилади.

Ҳозирги вақтда «Химик» совхози Ўзбекистон ва қардош республикалардagi хўжаликларга, шунингдек чет мамлакатларга ҳам наслдор курка тухумлари етказиб

берувчи йирик хўжаликдир. Масалан, 1972 йилда Арманистон, Қозоғистон ва Афғонистондаги фермаларга 300 минг дона тухум сотилди.

Совхозда куркачилик хўжалигини янада юксалтириш истиқболлари катта (8-жадвал).

8-жадвал

Совхознинг куркачиликни ривожлантириш юзасидан туққизинчи беш йиллик план топшириқлари

Курсаткичлар	Йиллар				
	1971 й	1972 й	1973 й	1974 й	1975 й
Тухум етиштириш, минг дона	80	50	80	80	100
Паррандалар сонини кўпайтириш минг бош	80	80	100	120	150
Гушт етиштириш, т	170	240	330	400	516

Юқорида айтиб ўтилганидек, курка энг йирик, тез ўсадиган, урчиш коэффициенти юқори бўлган паррандалардан ҳисобланади. Бир яшар эркак куркаларнинг вазни 15—16 кг, айримлариники 18—20 кг га боради, шу ёшдаги ургочи куркаларнинг вазни эса 10—11 кг га етади. Шимолий Кавказ зот бройлер куркалар 100—120 кунлик бўлганида сўйилганида 4—4,5 кг келади ва сўйилган вазни шунинг 80% ини ташкил қилади.

Интенсив усулда ўстирилган ва паррандалар галаси йилига икки мартадан тўлдириб турилган тақдирда ўнта она курка билан битта эркак курканинг авлодларидан тирик вазнда 2,5 тоннадан ортиқ гушт олиш мумкин.

Совхозда куркалар галасини ўстиришнинг ўзига хос технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга мамлакатдаги илғор хўжаликларнинг бой тажрибаси, совет олимларининг тадқиқотлари асос қилиб олинган. Бу технология ёш куркаларни интенсив усулда асраш, Ўрта Осиёнинг табиий-иқлим шароитига мувофиқ келадиган юқори самарали рационлар асосида боқишни кўзда тутди.

Куркаларни ўстириш технологияси уч асосий қисмдан ташкил топади: тухумларни очирини, ёш куркаларни ўстириш ва ота-она курка галаларини тўлдириш.

**Жўжа очирини.** Тухумлар жўжа очирини (инкубацияга) қўйилгунича шамол яхши юришадиган, ҳавонинг ҳарорати 16—18°C ва намлиги 50—55% бўлган махсус

бинода кўпи билан беш кун сақланади. Юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида инкубацияга қўйиш олдидан тухумларга ультрабинафша нурлар таъсир эттирилади.

Инкубацияга қўйиш учун вазни шу зот учун ўртача ҳисобланган (бизнинг шароитимизда 75—80 грамм) тухумлар танлаб олинади. Тажрибанинг кўрсатишича, сариқ моддаси оч-сарғиш рангда бўлган тухумлардан айниқса яшовчан ва бақувват курка жўжалари очиб чиқади. Рационига кўп миқдорда кўкат озиқ, қизил сабзи ва каротин ҳамда ксантофиллга бой, бошқа озиқлар аралаштирилган куркалар ана шундай тухум беради.

Курка жўжалари очиб чиққунича 27,5—28 сутка вақт ўтади. Инкубация даврининг узунлиги тухумнинг вазнига, курканинг зотига, инкубацияга қадар тухумнинг қанча вақт сақланганига ва ташқи муҳитнинг баъзи бир факторларига боғлиқдир. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, она куркалар галасини тўғри боқиш ва асраш йўли билан тўла қимматли тухум олишга эришилади.

Инкубация даврида ҳаво ҳарорати ва намлигининг тўғри режимларини сақлаш барча технология усулларига пухта риоя қилиш лозим. Чунончи, инкубаторий ичидаги ҳароратни 18—22° атрофида сақлаб турилади, инкубаторнинг ичида эса дастлабки 12 кун мобайнида ҳарорат 37,7—37,8°, кейинчалик, инкубация даврининг охиригача 37,5—37,4° бўлиши керак. Ҳавонинг намлиги эса худди шу даврларда 54—56% ва 50—52%; 25 кундан кейин эса — 65% бўлиши лозим.

Ривожланаётган эмбрионлар кўп миқдорда карбонат ангидрид ажратиб чиқаради, унинг концентрацияси энг охирги даражадан (1,5%) кам бўлиши керак. Шунинг учун намлик режимини қаттиқ назорат қилиб бориш, донмо тоза ҳаво келиб туришини таъминлаш ва инкубациянинг сўнгги даврларида унинг миқдорини ошириш зарур. Шу мақсадда инкубатордаги ҳаво киритадиган туйнукларнинг қопқоқлари дастлабки пайтларда 25—30 мл ҳаво кирадиган қилиб очиб қўйилади. Устки қопқоқлар эса дастлаб 5—6 мл, кейинчалик 15 мл кўтариб қўйилади.

Инкубациянинг технология режимига риоя қилиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ҳавонинг ортиқча исиб кетиши одатда эмбрионларнинг нобуд бўлишига, етарлича исимаслиги эса уларнинг ўсишдан орқада қолиши-

га олиб келади. Бундай эмбрионларнинг жўжаси кеч очиб чиқади ва заиф бўлади. Тухумларни айлантириб туриш тартиби, вентиляция режими, инкубаторни озода тутишнинг санитария қоидалари бузилган тақдирда ҳам эмбрионлар нобуд бўлиши мумкин.

Совхозда тухумларни йил бўйи инкубация қилиш (очириш) қабул қилинган. Бу эса она куркалар галасини йилига икки марта — март-апрель ва август-сентябрда тўлдириб туриш имонини беради.

### КУРКАЧАЛАРНИ ИНТЕНСИВ УСУЛЛАРДА УСТИРИШ

Саноат асосида ташкил этилган паррандачиликда ёш паррандаларни ўстиришга жуда катта эътибор берилади ва бунда куркачалар организмнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Улар товуқ жўжаларига нисбатан анча нозик, температура ўзгаришларидан ғоят таъсирланувчан бўлиб, овқатни яхши емай қўяди, кўпинча ғуж бўлиб олади, анча қўрқоқ ва тез шамоллайди.

Ўштор ва наслдор курка болаларини ўстиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Паррандалар ҳаётининг турли давларида уларни асраш ва боқиш усуллари ана шу йўналишларга қараб белгиланади.

Совхоз мутахассислари маҳаллий шароитда курка ўшти етиштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиққанлар. Тажрибанинг кўрсатишича, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимида бройлер куркачаларни интенсив усулда ўстириш айниқса мақбулдир. Бу система паррандаларни бошқариладиган микроиқлимли биноларда очиққа чиқармай асраб, баланслаштирилган омухта емлар билан боқишни ва ишлаб чиқариш процессларини юқори даражада механизациялаштиришни кўзда тутади; курка ўшти етиштиришнинг интенсив усуллари бройлер куркачаларни ўстириш муддатини қисқартириш ва уларни 80—90 кунлик бўлганида ўшт учун сўйиш имконини беради.

Катакларда ўстирилганда охурчалар, айниқса дастлабки кунларда яхши ёритилади, чунки курка болалари очиб чиққандан сўнг тўрт-беш кун ўтгандан кейингина уларнинг кўриши нормал ҳолга келади. Курка болалари ерда ётган буюмлардан кўра ўз кўзлари баландлигида жойлашган буюмларни яхшироқ кўради, шунинг учун овқатни охурчалар ичига ўрнатилган қўйилмалар усти-

га солинади. Ҳаётининг олтинчи-еттинчи кунига бориб қўйилмалар олиб ташланади, энди куркачалар охурчадан фойдалана олади, охурчанинг ичи эса  $\frac{2}{3}$  ҳажми миқдорда тўлдириб қўйилади.

Курка болалари қўйидаги усулда асралганда энг яхши кўрсаткичларга эришилади: кўклам — ёзда, улар бир суткалик пайтидан бир ойлик бўлгунича КБ-1 ва КБ-2 типидagi батареяли катакларда, 31 кунликдан 120 кунлик бўлгунича — атрофи ўроғлиқ яйратиш майдончалари бўлган енгил типдаги бостирма — паррандахоналарда асралади; куз-қишда эса бир суткаликдан бир ойлик бўлгунича КБ-1 ва КБ-2 типидagi батареяли катакларда асралади, шундан кейин 30 кунлик муддат билан акклиматизаторларга (иқлимлаштириш хоналари-га) кўчирилади, 61—120 кунлик бўлгунича — атрофи ўралган майдончалари бўлган бостирма тагида асралади.

Бунда 1 м<sup>2</sup> полга қўйидаги миқдорда парранда тўғри келиши керак. КБ-1 типидagi катакларда: биринчи ўн кунлик — ҳар катакда 15 та, иккинчи ўн кунлик — ҳар катакда саккизта; КБ-2Д типидagi катакларда — 20—30 кунлик бўлгунича (ҳар катакда олтитадан); акклиматизаторларда — 2 ойликкача (олтита); бостирмалар тагида эса 60—120 кунлик бўлгунича (тўртта).

Фақат муайян мавсумлардагина курка гушти етиштирадиган ва курка болаларини жадал усулда боқиш учун керакли базага эга бўлмаган колхоз ва совхозларга эса Шимолий Кавказ ва Ўзбекистон линияларидан бўлган бронза ранг курка зот группалари бройлерларини яйловларда ўстириш тавсия этилади.

Курка болаларини ўстиришда улар организмнинг баъзи бир хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Товуқ жўжаларига нисбатан нозикроқ бўлган, температура-нинг кўтарилиб ва пасайиб туришидан тез таъсирлан-диган курка болалари тез-тез гуж бўлиб олади, овқатни яхши емай қўяди, улар жўжаларга нисбатан анча қўр-қоқ ва тез-тез шамоллаб туради.

Ҳаётининг дастлабки ҳафтасида курка болаларининг организми терморегуляцияга яхши мослашмаган бўлади, шунинг учун тева-рак муҳитда улар учун керакли температура сунъий йўл билан вужудга келтирилади. Дастлабки кунларда ҳароратни 32—35°C атрофида сақлаб турилади. Кейинчалик соябон тагида (ёки катаклар-



га олиб келади. Бундай эмбрионларнинг жўжаси кеч очиб чиқади ва заиф бўлади. Тухумларни айлантириб туриш тартиби, вентиляция режими, инкубаторни озода тутишнинг санитария қоидалари бузилган тақдирда ҳам эмбрионлар нобуд бўлиши мумкин.

Совхозда тухумларни йил бўйи инкубация қилиш (очириш) қабул қилинган. Бу эса она куркалар галасини йнлига икки марта — март-апрель ва август-сентябрда тулдириб туриш имонини беради.

### КУРКАЧАЛАРНИ ИНТЕНСИВ УСУЛЛАРДА УСТИРИШ

Саноат асосида ташкил этилган паррандачиликда ёш паррандаларни ўстиришга жуда катта эътибор берилади ва бунда куркачалар организмнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Улар товуқ жўжаларига нисбатан анча нозик, температура ўзгаришларидан гоят таъсирланувчан бўлиб, овқатни яхши емай қўяди, кўпинча ғуж бўлиб олади, анча қўрқоқ ва тез шамоллайди.

Гўштдор ва наслдор курка болаларини ўстиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Паррандалар ҳаётининг турли даврларида уларни асраш ва боқиш усуллари ана шу йўналишларга қараб белгиланади.

Совхоз мутахассислари маҳаллий шароитда курка гўшти етиштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиққанлар. Тажрибанинг кўрсатишича, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимида бройлер куркачаларни интенсив усулда ўстириш айниқса мақбулдир. Бу система паррандаларни бошқариладиган микронқлимли биноларда очиққа чиқармай асраб, баланслаштирилган омухта емлар билан боқишни ва ишлаб чиқариш процессларини юқори даражада механизациялаштиришни кўзда тутаяди; курка гўшти етиштиришнинг интенсив усуллари бройлер куркачаларни ўстириш муддатини қисқартириш ва уларни 80—90 кунлик бўлганида гўшт учун сўйиш имконини беради.

Катакларда ўстирилганда охурчалар, айниқса дастлабки кунларда яхши ёритилади, чунки курка болаларни очиб чиққандан сўнг тўрт-беш кун ўтгандан кейингина уларнинг кўриши нормал ҳолга келади. Курка болалари ерда ётган буюмлардан кўра ўз кўзлари баландлигида жойлашган буюмларни яхшироқ кўради, шунинг учун овқатни охурчалар ичига ўрнатилган қўйилмалар усти-

га солинади. Ҳаётининг олтинчи-еттинчи кунига бориб қўйилмалар олиб ташланади, энди куркачалар охурчадан фойдалана олади, охурчанинг ичи эса  $\frac{2}{3}$  ҳажми миқдорда тўлдириб қўйилади.

Курка болалари қуйидаги усулда асралганда энг яхши кўрсаткичларга эришилади: кўклам — ёзда, улар бир суткалик пайтидан бир ойлик бўлгунича КБ-1 ва КБ-2 типидagi батареяли катакларда, 31 кунликдан 120 кунлик бўлгунича — атрофи ўроғлиқ яйратиш майдончалари бўлган енгил типдаги бостирма — паррандахоналарда асралади; куз-қишда эса бир суткаликдан бир ойлик бўлгунича КБ-1 ва КБ-2 типидagi батареяли катакларда асралади, шундан кейин 30 кунлик муддат билан акклиматизаторларга (иқлимлаштириш хоналарига) кўчирилади, 61—120 кунлик бўлгунича — атрофи ўралган майдончалари бўлган бостирма тагида асралади.

Бунда 1 м<sup>2</sup> полга қуйидаги миқдорда парранда тўғри келиши керак. КБ-1 типидagi катакларда: биринчи ўн кунлик — ҳар катакда 15 та, иккинчи ўн кунлик — ҳар катакда саккизта; КБ-2Д типидagi катакларда — 20—30 кунлик бўлгунича (ҳар катакда олтитадан); акклиматизаторларда — 2 ойликкача (олтита); бостирмалар тагида эса 60—120 кунлик бўлгунича (тўртта).

Фақат муайян мавсумлардагина курка гўшти етиштирадиган ва курка болаларини жадал усулда боқиш учун керакли базага эга бўлмаган колхоз ва совхозларга эса Шимолий Кавказ ва Ўзбекистон линияларидан бўлган бронза ранг курка зот гуруҳлари бройлерларини яйловларда ўстириш тавсия этилади.

Курка болаларини ўстиришда улар организмнинг баъзи бир хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Товуқ жўжаларига нисбатан нозикроқ бўлган, температуранинг кўтарилиб ва пасайиб туришидан тез таъсирландиган курка болалари тез-тез гуж бўлиб олади, овқатни яхши емай қўяди, улар жўжаларга нисбатан анча қурқоқ ва тез-тез шамоллаб туради.

Ҳаётининг дастлабки ҳафтасида курка болаларининг организми терморегуляцияга яхши мослашмаган бўлади, шунинг учун теварак муҳитда улар учун керакли температура сунъий йўл билан вужудга келтирилади. Дастлабки кунларда ҳароратни 32—35°C атрофида сақлаб турилади. Кейинчалик соябон тагида (ёки катаклар-

да) ҳароратни ҳафта сайн 2—3° пасайтирила боради. Узоқ муддат давомида олиб борилган тадқиқотлар совхоз мутахассисларига 30 кунликдан кичик курка болалари учун энг қулай температура режимларини аниқлаш имконини берди (9-жадвал).

9-жадвал

Бино ичидаги ҳавонинг ҳарорати ва намлиги

Куркачаларнинг ёши, кун	Ҳавонинг ҳарорати, °С	Нисбий намлиги, %
1—3	35—32	74—72
4—5	32—30	72—70
6—10	30—27	70—64
11—15	27—29	64—62
16—20	24—22	62—60

Ёзда сунъий шамоллатиш (вентиляция) йўли билан, қишда эса иситиш системалари ёрдамида бинолар ичидаги ҳарорат нормал ҳолда сақланади. Шу билан бирга дастлабки икки ҳафта мобайнида ёруглик режимини суткасига 17—20 соатга етказилади ва кейинчалик уни 14—15 соатгача камайтириш тавсия этилади.

Ўстиришнинг ҳар қандай даврида ҳам ёш куркалари жойлаштириш зичлиги уларнинг ҳолатига катта таъсир кўрсатади: агар курка болалари жуда зич жойлашса, улар кам ҳаракат қилади, секин ўсади, кўпроқ нобуд бўлади; жуда сийрак жойлаштирилса,— ишлаб чиқариш майдонларидан самарасиз фойдаланилади. 1 кунликдан 30 кунликкача бўлган курка болаларининг қалин тўшама устидаги нормал зичлиги 1 м<sup>2</sup> га 12 тани, 31 кунликдан 90 кунликкача бештани ва 91 кунликдан 120 кунликкача тўрттани ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда кўпгина хўжаликларда курка болалари 20—25 кунлик бўлгунча катакларда ўстирилиб, кейинчалик қалин тўшама устига ёки тахтачали пол устига кўчирилади.

Курка болаларини қалин тўшама устида ўстириш учун паррандахоналарнинг поли қаттиқ қопламали (цементланган) бўлиши керак. Бино ичини ҳар бирга 500 тадан курка боласи сигадиган катакларга ажратилади.

Тахтачали полни, хизмат хоналаридан ташқари, паррандахонанинг бутун бўйи ва энига қараб яхлит қили-

нади ва монтаж қилиш ҳамда демонтаж (булакларга ажратиш) осон бўлсин деб алоҳида рамалардан ясалади. Тахтачалар оралиги 3 см бўлиши керак. Тахтачаларнинг ён деворларида тезак осилиб қолмаслиги учун уларни пастга қараган конуссимон қилиб ишланади. Тезакни тахтачали пол тагига ўрнатилган скрепер қурилмаси ёрдамида тозалаб турилади ёки паррандалар гуштвага топширилгандан кейин поллар демонтаж қилиниб, тезакни тозалаб олинади. Биринчи усул арзонга тушади, чунки бунда полларни ҳар сафар демонтаж қилиш ва қайтадан монтаж қилиш талаб этилмайди. Бундан ташқари, тезакнинг ҳар куни скрепер қурилмаси ёрдамида тозалаб турилиши туфайли паррандахона ичидаги микроқлим яхшиланади. Баъзан йўналтирувчи скрепер қурилмаларда сўрувчи вентиляцияни қудуқлар қилинади ва уларни вентиляторларга туташтириб қўйилади.

Бино ичида пол сатҳидаги ҳаво температурасини 21—20°C атрофида сақлаб турилади, унинг оптимал нисбий намлиги эса 60—70% бўлиши керак. 1 кг тирик вазн ҳисобига йилнинг совуқ фаслида ҳар соатда турли иқлимли районларда 1,0 м<sup>3</sup> дан 2,24 м<sup>3</sup> гача (ташқи ҳавонинг ҳисобланган температураси — 10° дан —40°C гача), ёз даврида эса 4,6 м<sup>3</sup> дан 5,0 м<sup>3</sup> гача совуқ ҳаво келиб туриши керак.

Қишда ташқаридаги ҳаво билан бино ичидаги ҳавонинг температураси жуда катта фарқ қилганида ташқаридан келувчи ҳавони калориферлари бўлган махсус қурилмалар ёрдамида керакли температурага қадар иситилади, бундан ташқари, мазкур қурилмалар ҳавони намлантириб ҳам беради. Бу хил қурилмаларда ҳавонинг температураси ва намлигини тўғрилаб турадиган авторегуляторлар қўлланилади. Бинолар ичида ҳаво оқимининг оптимал тезлиги совуқ даврда секундига 0,2—0,3 бўлиши ва йилнинг илиқ даврда секундига 1,2 м дан ошмаслиги керак.

Паррандалар қуруқ озиқ билан боқилганда куркаларнинг овқатланиш майдончаси 20 кунлигидан бошлаб ҳар бирига 4—8 см ва сув ичиш майдончаси 2 см ни ташкил қилиши керак. Курка боқишда энг яхшиси механик равишда тўлдириб туриладиган бункер типидagi охурчаларни қўлланиш керак. Охурчаларнинг полдан баландлигини куркачаларнинг ўсишига қараб мослаштириб турилади. Озиқнинг сочилиб ётишига йўл қўймаслик

учун охурчалар баландлигини куркачаларнинг елкаси баравар қилиб ўрнатилади. Агар цилиндр шаклидаги бункер охурчалардан фойдаланилса, у ҳолда паррандаларнинг овқатланиш фронтини 25% камайтириш мумкин. 20 кунликдан катта куркачаларни суғориш учун косача типдаги П-4 маркали (сувнинг сатҳи автомат равишда тўғрилаб туриладиган) автопоилкалар ёки ҚМП-18/72 типдаги оқар сувли поилкалар қўлланилади. Поилкаларда ҳам уларнинг полдан баландлигини тўғрилаб турадиган қурилмалар бўлиб, куркалар ўса борган сайин поилкалар баландлигини паррандаларнинг бўйни баравар қилиб тўғрилаб борилади.

Куркалар бино ичида қалин тўшама устида боқилганда 21 кунликдан 120 ойлик бўлгунича ҳар бир паррандага 4 кг тўшама талаб қилинади, паррандахонанинг қуруқ поли устига ҳар квадрат метрга 0,5—1,0 кг тўғри келадиган қалинликда оҳак кукуни сепиб чиқилади. Тўшама материал камида 5 см қалинликда тўшалари. Кейинчалик ўстириш даврида тўшама ифлосланган сайин яна уч-тўрт марта тўшама солиниб, қалинлигини 15 см га етказилади. Кўпинча тўшамани бир йўла 15 см қалинликда солинади. Охурчалар ва сувдонлар атрофидаги тўшаманинг устки қатламини ҳар куни юмшатиб турилади. Бутун паррандахонадаги тўшаманинг устки қатламини ойига атиги бир марта юмшатиб чиқилади, бу тадбир уни қатқалоқланишдан сақлайди. Паррандаларнинг ҳар бир гуруҳи топширилгандан кейин тўшама батамом янгиланади.

Курка ўстиришнинг кўрсатиб ўтилган системаларидан ташқари уларни бир кунликдан 120 кунлик бўлгунича қалин тўшама устида ўстириб, дастлабки даврда электр брудерлардан фойдаланиш усули ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда. Курка гўшти етиштиришнинг энг мақсадга мувофиқ технологиясини танлаб олиш учун Ўзбекистонда курка болаларини гўшт учун ўстириш юзасидан хилма-хил тажриба ишлари олиб борилди.

Бу ишлар ҳар группага 150 тадан қилиб ажратилган, июлда очирилган Шимолий Кавказ зот курка болалари устида олиб борилди.

Қўклам-ёз даврида курка ўстиришнинг дастлабки 30 куни улар катакларда ўстирилганда энг яхши шароит таъминланади. Катакда боқилган курка болалари энг

яшовчан бўлади (90% сақланиб қолади) ва тез ўсади. Улар акклиматизаторга ўтказилгандан кейин ўсиш тезлиги бошқа группаларга нисбатан бирмунча секинлашди, бироқ кейинчалик, 61 кунликдан 120 кунлик бўлгунча I группадаги курка болалари қолганларидан кўра тезроқ ўсди.

30 кун мобайнида бошқа группалар билан бирга акклиматизаторда ўстирилган II группадаги курка болаларини ўстириш шароити эътиборга сазовордир. Мазкур давр ичида бу куркачаларнинг ўсиш кўрсаткичи ҳаммадан паст бўлди. 31 кундан бошлаб бостирма тагига кўчирилгандан кейин II группадаги курка болаларининг ўсиши кескин тезлашади ва 60 кунлигида улар бошқа группалардаги куркачалардан ўзиб кетди. Худди шунингдек, I, III ва V группаларни икки ойлик бўлганида бостирма тагига кўчириш ҳам уларнинг ўсишига самарали таъсир кўрсатди. Бостирма тагида ўстирилган куркачаларнинг IV группадаги (акклиматизатордаги) куркачалардан афзаллиги яққол намоён бўлди, зеро ўстириш даврининг охирида (90 кунлик пайтида) I, II ва III группадаги куркачаларнинг ўртача тирик вазни IV группанинг шу кўрсаткичидан анча ортиқ бўлди. V группадаги куркачалар IV группадаги куркачаларга нисбатан унча сезиларли афзалликка эга бўлмади (10-жадвал).

Турлича усулда асралган курка болаларини ўстириш натижалари тирик вазни, сақланиши ва 1 кг вазни қўшилиши учун озиқ сарфланиши жиҳатдан таққослаб кўриш шундан далолат берадики, уларнинг ҳаммасида ҳам юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таъминланади ва шу билан бирга катакда асраш системаси бирмунча афзалроқдир.

#### **ОНА КУРКАЛАР ГАЛАСИНИ ТЎЛДИРИШ ВА АСРАШ**

Куркачилик билан шуғулланувчи хўжаликлар куркаларни кўпайтириш ва она куркалар галасини муттасил тўлдириб туриш тўғрисида йил бўйи гамхўрлик қилишлари керак. «Химик» совхозида ремонтбоп ёш куркаларни ўстиришнинг ўзига хос хусусиятлари вужудга келган.

Кўкламда (март-апрель) очирилган куркачалар бир ойлик бўлгунча батареяли катакларда ёки иситилган

Куркачаларни акклиматизаторга нисбатан бостирма  
остида ўстиришнинг афзаллиги

Группа	Ўстириш усули	Жойланиш зичлиги
I	1 кунликдан 30 кунликкача КБЭ-1 катакларда	1 кундан 10 кунгача ҳар м <sup>2</sup> да 15 та, 10 кундан 20 кунгача саккизта
	31-кундан бошлаб акклиматизаторда	1 м <sup>2</sup> да олти
II	61 кундан 120 кунгача бостирма остида	1 м <sup>2</sup> да тўртта
	1 кунликдан 30 кунликкача акклиматизаторда	1 кундан 10 кунгача 1 м <sup>2</sup> да 11 кундан 30 кунгача саккизта
III	31 кунликдан 120 кунликкача бостирма остида, ёйилтириш чекланган	1 м <sup>2</sup> да тўртта
	1 кунликдан 60 кунликкача акклиматизаторда	1 м <sup>2</sup> да олти
IV	61 кундан 120 кунгача бостирма остида, ёйилтириш чекланган	1 м <sup>2</sup> да тўртта
	1 кунликдан 120 кунликкача акклиматизаторда	1 м <sup>2</sup> да олти
V	1 кунликдан 60 кунликкача акклиматизаторда	1 м <sup>2</sup> да олти
	61 кунликдан 120 кунгача бостирма остида	1 м <sup>2</sup> да тўртта

хоналарда ўстирилади. Сўнгра улар енгил бостирмалар тагига кўчирилиб, олти ойлик бўлгунича, яъни она куркалар галасига қўшилгунча шу ерда сақланади. Бундай бостирмаларнинг фақат доимо шамол эсиб турадиган томонигина шифер тўсилган бўлиб, бу уларни шамоллаш ва бошқа касалликлардан муҳофаза қилади.

Бир ойлик куркачаларни бостирма остига кўчиришдан бир неча кун олдинроқ бостирманинг цемент поли устига 10 см қалинликда майда сомон ёки ёғоч қипиқдан иборат тўшама солинади. Тўшама ифлослангач, унинг устига яна янгиси солинади. Майдончалар паррандалардан бўшаган пайтда бино ичи бир марта йиғиштириб чиқилади. Тезак аралаш тўшамадан далаларда ўғит сифатида фойдаланилади.

Бундан ташқари, бактериал ва моғорлаш процесслари натижасида тўшамада ҳосил бўладиган витаминлар

(В<sub>12</sub>, рибофлавин ва бошқалар) тухумларнинг биологик ва инкубацион хусусиятларига таъсир этади.

Кузда очирилган (сентябрь-октябрь) ёш куркалар батареяли катакларда бир ой боқилгандан кейин акклиматизаторларга кўчирилади ва об-ҳаво шароитига қараб, икки-уч ойлик бўлгунча ўша ерда сақланади. Шундан кейингина очиқ типдаги бостирмалар тагига жойлаштирилади.

Ёйилтириш майдончаларнинг бошидан охиригача соя солиб турадиган соябонлар бўлиб, улар тагига цилиндрсимон охурчалар жойлаштирилган. Шу туфайли ёзда паррандаларнинг кўп қисмини ҳатто тунги пайтларда ҳам майдончаларда қолдириш мумкин бўлади.

Совхозда ёш куркаларга мўлжалланган ишлаб чиқариш бинолари мавжудлиги ҳисобга олиниб, курка болаларини асрашнинг икки варианты қабул қилинган.

1. Бир суткалик курка жўжалари батареяли цехга қабул қилиб олиниб, 30—40 кунлик бўлгунча шу ерда сақланади, сўнгра тахтача полли иситиладиган хоналарга (акклиматизаторларга) кўчирилиб, 90 кунлик бўлгунча ўша ерда асралади, шундан кейин семиртириш учун бостирмалар тагига жойлаштирилади.

2. Бир суткалик курка жўжалари поли иситиладиган ва электр брудерлари бўлган брудергаузга қабул қилиниб, 60 кунлик бўлгунча шу ерда сақланади, шундан кейин чекланган сахли майдончалари бўлган бостирмалар тагига кўчирилади.

Кўклам-ёз даврида бир ойлик куркачалар иккала вариантда ҳам иситиладиган бинолардан акклиматизаторларга эмас, балки тўғридан-тўғри бостирмалар тагига ўтказилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, курка болаларини полда асрашга мўлжалланган ҳамма биноларда, шу жумладан тахтача полли акклиматизаторларда ҳам кичик (чекланган) сахли ёйилтириш майдончалари бўлиб, куркачалар улардан ёғингарчилик ва совуқ бўлиб турган қиш кунларидан ташқари ҳамма фаслларда фойдаланади.

Ёш паррандалар 60—90 кунлик бўлганида сортировка қилиниб, нимжон ёки шикастланган куркачалар брак қилинади. Сўнгра чалани пол сахнига қараб тақсимланади ва алоҳида сақланади. Уч ойликкача бўлган куркачалар 1 м<sup>2</sup> полга беш-олтитадан, олти ойликкача бўлганлари эса учтадан жойлаштирилади.



Оқ эркак куркачалар билан бронза ранг урғочи куркачалар одатда тўрт ойлик бўлганида сўйилади, бронза ранг куркачаларнинг эркаклари одатда беш ойлик бўлганча сақланади (11-жадвал).

11-жадвал

«Химик» совхозининг куркачилик бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	1968	1969	1970	1971	1972
Давлатга топширилган гушт, ц	—	597	1044	1426	1492
Битта курканинг уртача тоншириш вазни, кг	—	2,8	4,04	4,1	4,25
Она куркалар галасининг серпуштлиги, дона	43	51	54	64,6	73,3
Реализация қилинган наслдор тухумлар, минг дона	7	78	70	198,5	233,2
1 ц вазн қўшилишининг таннари, сўм, тўйин	129,80	127,21	157,72	153,84	188,79
Махсулотни реализация қилишдан олинган фойда, сум	—	45 264	46 797	51 100	65 400

Куркачалар олги ойлик бўлганида яна қайта сортровка қилинади. Бунда урғочиларининг вазни 4—4,5 кг ва эркаклариники 7,5—8,0 кг келиши керак. Танлаб олинган наслдор ёш куркалар ҳар бири 2500 та куркага мўлжалланган урғочи (она) куркахоналарга жойлаштирилади.

Она куркалар галасини тўлдиришда уларнинг тахминан 70% и ёш куркаларга алмаштирилади, бу эса уларнинг серпушт бўлишини таъминлайди.

Она куркалар соғлом, юқори махсулдор бўлиши керак. «Химик» совхозининг тажрибасида ота-она галаларини асрашнинг икки хил системаси вужудга келган. Биринчиси — яйловлардан фойдаланиб, ёйилтириб (яйлов) боқиш ва иккинчиси, солярийлари, катаклари, озик ва сув бериб турадиган, тухумни йиғиштирадиган ва ичини тозалайдиган замонавий механизмлари бўлган биноларда интенсив усулда боқиш.

Олдинроқда айтиб ўтганимиздек, хўжаликда асосан Шимолий Кавказ зот куркачаларнинг Обильненский давлат наслдор паррандачилик заводидан келтирилган о

ва бронза ранг популяциялари урчитилади. Аммо шу билан бирга маҳаллий куркалар галаси ҳам бор. Ҳар иккаласида ҳам галадаги куркалар структураси қуйидаги нисбатда сақланади: катта (икки яшар) куркалар — 30% ни ва ёш куркалар 70% ни ташкил қилади. Уруғининг сифати текширилган эркак куркалар эса урғочи куркалар орасига 1 : 8 нисбатда қўшиб қўйилади.

Она куркалар боқиладиган бинонинг иккала томонида (паррандахонанинг катталигига қараб) ёйилтириш майдончалари бўлиб, у ерга донли минерал аралашмалар солиб қўйиладиган цилиндрсимон автомат охурчалар ҳамда кўкат озик ва шағал солиб қўйиладиган махсус ёғоч охурлар ўрнатилган. Майдончаларнинг бошидан охиригача оқар сувли сугоргичлар ва қўноқлар ўтказилган.

Куркаларнинг куркланиш инстинкти уларнинг серпуштлигига салбий таъсир кўрсатади, бу инстинкт одатда урғочи куркалар 10—15 дон тухум қилгандан кейин бошланади. Шунинг учун ёз ва кўкламда паррандабоқарлар урғочи куркаларни офтобда кўп туришига йўл қўймасликлари, инларни тез-тез текшириб туришлари ва тухум қилиб бўлган куркаларни жойидан ҳайдаб чиқаришлари лозим. Куркланиш инстинкти жуда кучайиб кетган паррандалар галадан ажратиб, инлари бўлмаган алоҳида хонага кўчирилади, кечаси ёйилтириш майдончаларида қолдирилади. Бу тадбирлар куркаларнинг оналик сезгисини анча сўндиради.

Кейинги вақтларда совхозда куркланиш инстинктини сўндиришнинг яна бир усули — гормонал усул қўлланилади: бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, клиник белгиларига қараб ажратиб олинган «куркуллаб» турувчи куркаларнинг мускули орасига прогестерон препарати юборилади. Бунинг учун кун оралатиб икки марта эмланади. Препарат дозаси — 30 миллиграмм. Тажрибанинг кўрсатишича, шу усулда дориланган куркаларнинг 90% дан кўпроғи эртаси кунигаёқ тухум босиш одатини тарк қилади ва ярим ойдан кейин қайтадан тухумга киради.

Маълумки, куркаларнинг тухум қилиш даври олти ой давом этади. Бинобарин, ёш куркалардан фақат улар 14 ойлик бўлгунича фойдаланилади, шундан кейин улар семиртириб боқилади ва сўйиб гўштга топширилади.

**Ветеринария — профилактика тадбирлари.** Ихтисослаштирилган куркачилик хўжаликларида паррандаларнинг катта-катта галалари кичик майдонларга жойлаштириб боқилади, шундай жойларда паррандаларнинг бут сақланиши ва маҳсулдорлигини юқори даражада бўлиши учун ветеринария-санитария талабларига қаттиқ риоя қилиш ва турли-туман касалликларга қарши профилактика ишларини ўз вақтида ўтказиб туриш муҳим аҳамиятга эга.

Куркалар боқиш рационининг бузилиши уларни асрашдаги зоогигиена шароитига нисбатан ниҳоятда сезгир, турли юқумли ва юқумсиз касалликларга берилувчандир. Иссиқ иқлим шароитида туберкулез, тиф, паратиф, ўлат, турли хил протозоа, гижжа ва паразитар касалликлар тез-тез учраб туради. Масалан курка болалари ҳаётининг дастлабки ойларида гистомоноз, кокцидиоз, шунингдек аспергиллез ва молочница деб аталувчи протозоа касалликларига айниқса тез берилади, баъзан бу касалликлар галанинг 40% часини қийратади.

Бироқ меҳнат яхши ташкил қилиниб, уларни боқишда тўғри рацион ва режимларга риоя қилинса, малакали зоотехника раҳбарлиги йўлга қўйилса, ветеринария тадбирлари усталик билан ва ўз вақтида ўтказилса жуда катта парранда галаларини ҳам унча кўп нобуд қилмай ўстириш мумкин бўлади. Масалан, «Химик» совхозда ёш куркаларнинг бут сақланиши 92—95% ни ташкил қилади.

Соғлом она куркалар галасини тузиш иши она куркалар галасини хиллашдан бошланади. Галани икки мартадан бутлаш урғочи куркаларда асосан ҳаётининг иккинчи йилида кузатиладиган туберкулез касаллигининг пайдо бўлиши ва тарқалишининг кўпроқ олдини олади. Уч ойлик ремонтбоп куркачаларда протозоа ва бактериал касалликлари бор-йўқлиги текшириб кўрилади, паррандаларни асосий она куркалар галасига кўчириш пайтида эса туберкулез, пуллороз касалликлари бор-йўқлиги текширилади, шунингдек чечакка қарши эмланади.

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон деган қоида бор. Паррандаларни ялпи равишда боқишда бу нарса айниқса катта аҳамиятга эга.

Бизнинг хўжалигимизда профилактика ишлари қуйи-

даги тарзда йўлга қўйилган. Фермага фақат дарвозахона орқали кириш мумкин. Чет кишилар фақат жуда зарур ҳоллардагина бош ветеринария врачининг рухсати билан қўйилади ва улар албатта халат ва махсус оёқ кийимида бўлишлари керак. Полга, худди паррандахоналарга кира-веришдаги каби дизенфекцияловчи суюқликлар шимдрилган ўзига хос гиламчалар тўшаб қўйилган.

Транспорт эса ферма ичига фақат бўйи 9 м, эни 4 м ва чуқурлиги 35—40 см келадиган бетон ванна (ҳовузча) орқали ўтиши мумкин, бу ҳовузча 3% ли ўювчи натрий эритмаси ёки таркибида 3% ли актив хлор сақловчи хлорли оҳак билан мунтазам равишда тўлдириб турилади.

Паррандаларнинг янги гуруҳини жойлаштиришдан олдин паррандахоналар, бостирмалар, батареяли бинолар, ускуналар ва асбоб-анжомлар яхшилаб тозаланади ҳамда 30% ли ўювчи натрий эритмаси билан дезинфекция қилинади. Она куркалар боқиладиган биноларда ва бостирмалар тагида тўшамани доимо диққат билан кузатиб бориш лозим. У нам ва моғорлаган бўлмаслиги керак, акс ҳолда куркаларнинг нафас йўли аспергиллез билан касалланиши мумкин. Инкубаторларда ҳам цикл тугагандан кейин ҳаммаёқ тозалаб чиқилади ва тегишли дезинфекция ўтказилади. Қоидага кўра уларнинг девор ва шифтлари йилига бир марта, дезинфекциядан кейин 20% ли янги ўчирилган оҳак эритмаси билан оқланиши керак.

Парранда касалликларига қарши ўтказиладиган профилактика тадбирларидан энг муҳимлари қуйидагилардир. Улат касаллигининг олдини олиш учун ёш паррандалар 20 кунлик бўлганида «Ла-сота» вакцинаси билан интренозал усулда бир-икки томчи дозада дориланади. Икки ойлигидан бошлаб паррандаларнинг мускули ичига 1 миллиграммдан, тўрт-олти ойлигида эса 2 миллиграммдан «Н» штаммининг вакцинаси юборилади.

Фуразолидон препарати паррандаларни ошқозон касалликларидан (пуллороз) яхши ҳимоя қилади. Бу препаратни уч-беш кунлик куркачаларнинг овқатига ҳар 1000 тасига 2—3 граммдан тўғри келадиган миқдорда қўшиб едирилади. Зарурият сезилган тақдирда тўрт кундан кейин бу курс такрорланади ва препарат дозаси 3—4 граммга оширилади. Она куркалар галасини тўлди-

риш олдидан ва паррандалар ёппасига тухумга кирган даврда улар пуллороз касаллиги юзасидан вақт-вақти билан текшириб турилади. Ижобий ёки шубҳали реакция берган ургочи ва эркак куркалар дарҳол ветеринария санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда сўйиб юбориш учун ажратиб олинади.

Олти-етти кунлик куркачаларни «Нью-дуссереси» штаммининг тирик эмбриони билан инструкцияга мувофиқ вакциналаш тавсия этилади. Аскардозга қарши профилактик дегельминтизациялаш учун катта ёшли куркаларга 5 граммдан пиперазин ва бир граммдан фенотиазин, ёш куркаларга эса худда шу препаратларни 0,2 ва 0,5 граммдан берилади.

Ана шу барча қоидаларга қаттиқ риоя қилиш, юқорида айтиб ўтилган ветеринария — профилактика тадбирларини ўз вақтида ўтказиш — паррандаларни энг кўп сақлаб қолишнинг негизи, гўштдор ва серпушт курка галалари маҳсулдорлигини оширишнинг гарови ҳисобланади.

#### **МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ**

Паррандачилик фермаси ходимларининг меҳнатини ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш системаси, уларнинг ўз ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан манфаатдорлиги масалаларининг аҳамияти каттадир.

Куркачилик фермасида меҳнат ихтисослаштирилган бригада ва цехлар принципи асосида ташкил қилинган. Бригада ва цехларга ҳамда айрим паррандабоқарларга тухум олиш ва гўшт етиштириш (вазн қўшилиши), ёш паррандаларни омон сақлаш, озиқ сарфлаш ва маҳсулот таннархи юзасидан йиллик, квартал ва ойлик план топшириқлари белгилаб қўйилади.

Паррандабоқарлар ва бошқа ишчиларнинг меҳнатига олинган маҳсулотга қараб ҳақ тўланади. Она куркаларга қаровчи паррандабоқарга 1200 та курка биркитиб қўйилади. Боқувдаги ҳар бир ўртача ойлик курка учун 4 тийин тўланади. Биринчи майгача йиғиштириб олинган ҳар 1000 дона тухум учун паррандабоқарга 15 сўм 84 тийин, май ойидан бошлаб, тухум қилиш мавсумининг охиригача 19 сўм 80 тийин тўланади.

Квартал мобайнида паррандаларни планда белгиланган нормалар даражасида сақлаганлик учун парранда-

боқарга 10 сўм миқдорида ҳақ тўланади. Ҳар бир курканинг ўртача серпуштлиги 70—80 дона тухумни ташкил қилган тақдирда паррандабоқарларга бир йўла 20 сўм, тухум сони 81 донадан 90 донага етганида — 40 сўм ва 90 донадан ортиқ тухум олинганда — бир йўла 60 сўм миқдорида мукофот берилади.

Ҳар бир курка йилига ферма бўйича 70 донадан кам тухум қилгани ҳолда ўзига биркитилган паррандаларнинг маҳсулдорлигини анча оширишга эришган паррандабоқарга, куркаларнинг серпуштлигини олдинги йилдагига нисбатан 30% оширганлиги учун бир йўла 15 сўм, 50% оширганлиги учун — 20 сўм, 75% оширганлиги учун — 30 сўм ва икки барабар оширганлиги учун — бир йўла 40 сўм мукофот берилади.

Ёш паррандалар полда боқилган тақдирда ҳар бир ўртача ойлик парранда учун паррандабоқарга (парвартишлаганлик учун) 3 тийин, катакларда боқилганда — 2 тийин ҳақ тўланади. Бир кунликдан 60 кунликкача бўлган ёш паррандалар вазнига бир центнер қўшилганлиги учун 13 сўм 85 тийин, 61 кунликдан 150 кунлик бўлгунича — 4 сўм 20 тийин тўланади.

Бундан ташқари, ёш паррандаларни 60 кунлик бўлгунича омон сақлаш юзасидан бутун совхоз учун белгиланган нормадан ортиқроқ сақлаганлик учун паррандабоқарга бир ой давомида ортиқча сақланган ҳар бир парранда ҳисобига ой сайин 50 тийин, 61 кунликдан 150 кунлик бўлгунича сақлаганлик учун 60 тийин тўланади. Бир кунликдан 60 кунлик бўлгунича омон сақлаш нормаси — 85%, 61 кунликдан 150 кунлик бўлгунича сақлаш нормаси эса — 95% га тенг.

Курка болаларининг омон сақлаш юзасидан совхоз учун белгиланган план ошириб бажарилганлиги учун паррандабоқарга, бутун ўстириш даври учун бир йўла 15 сўм миқдорида мукофот берилади. Бундан ташқари, маҳсулот етиштириш юзасидан белгиланган йиллик план ошириб бажарилган тақдирда пландан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг 30% и миқдорида, давлатга топшириш нархлари асосида, мукофот берилади. Бевосита озиқ сарфларини ва бошқа харажатларни камайтирганлик учун олинган тежалманинг 50% и миқдорида мукофот берилади.

## ЎРДАКЛАРНИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ИНТЕНСИВ УСТИРИШ

Ўрдак — қимматли уй паррандаси. Бу парранда жуда яхши парҳезбоп гўшт бериши билан бир вақтда гастрономия хусусиятларига ҳам эга ва бу жиҳатдан у товуқ ҳамда куркалардан фарқ қилади.

Ўрдакчилик — гўшт етиштириладиган паррандачиликнинг энг тезкор (эрта етиладиган) тармоқларидан бирidir; аммо узоқ вақтлардан буён ўрдакларни урчитиш кўпайтириш учун албатта табiiй ёки сунъiiй сув ҳавзалари бўлиши шарт деб ҳисоблаб келинди.

Тўққизинчи беш йиллик план юзасидан КПСС XXIV съездининг директиваларида ўрдак гўшти етиштиришнинг анча кўпайтиришга қаратилган конкрет вазифалар белгилаб берилди. Мамлакатда паррандаларни янгича ўстириш йўллари ва усулларини зўр бериб излашга киришилди. Ўрдакларни сув ҳавзаларидан ташқарида боқиш ва кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилди. «Химик» совхозининг коллективи паррандачилик соҳасидаги барча илғор ва прогрессив ишларни ўрганиб чиқиб, РСФСР, Украина ва бошқа қардош республикалардаги илғор хўжаликлар тажрибасини ўз хўжалигида қўлланишга аҳд қилди.

1971 йилда СССР га Англиядан «Черри-Велли» фирмасининг сермахсул ўрдак зотлари олиб келинди. Совхоз ҳам ўз ўрдаклари галасини шу фонд ҳисобидан тўлдирди. Хўжалик ўрдак ўстириш билан 1970 йилдан эътиборан шуғуллана бошлаган эди. Аввалига Пекин ўрдаклари урчитила бошланди. Аммо ўрдакларнинг бу зоти унчалик фойдали бўлиб чиқмади. 55—60 кунлик ўрдакчаларнинг тирик вазни 1,2—2 кг га боради. «Черри-Велли» фирмасининг ўрдаклари эса 50 кунлигидаёқ бундан бир ярим барабар ортиқроқ тош босади (3—3,6 кг).

Ҳозирги вақтда «Химик» совхозида «Черри-Велли» фирмасининг ўрдакларидан иборат беш мингта она ўрдаклар галаси бор. Бундай гала тухум қиладиган ўрдаклар сонини кўпайтириш ва инкубаторлар ёрдамида гўшт учун парранда урчитиш, шунингдек Ўзбекистон ССРдаги колхоз ва совхозларни наслдор тухум билан таъминлашга имкон беради. 1973 йилнинг биринчи кварталидagina

совхоз «Узптицепром» орқали мана шу сермахсул зог ўрдаклар тухумидан 30 минг дона реализация қилди.

Англиядан келтирилган ўрдаклар катта истиқболга эга. Биринчидан, улар учун катта сув ҳавзалари бўлиши шарт эмас, ўрдакларнинг чўмилиб туриши учун цементланган кичик ҳовузлар бўлса бас.

Иккинчидан, унча кўп озиқ истеъмол қилмагани ҳолда тез ўсади. Чунончи, хўжаликда ўрдаклар вазнига 1 кг қўшилиши учун ўрта ҳисобда 2,7 кг, битта ўрдакни ўстириш учун эса 8,9 кг дан 9,6 кг гача озиқ сарфланади. Яна бир характерли томони шундаки, ўрдакларни ўстириш учун бошқа парранда турларини ўстиришга нисбатан умуман камроқ озиқ сарфланади, вазн қўшилишининг таннари эса ҳаммадан арзонга тушади (12-жадвал).

12-жадвал

Парранда гўшти етиштиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Гўшт тури	1 ц вазн қўшилиши учун меҳнат сарфи, киши кўни	1 ц вазн қўшилиши учун озиқ сарфи, озиқ бирлиги	1 ц вазн қўшилишининг таннари, сўм, тийин
Ўрдак гўшти	1,8	7,0	103 - 21
Курка гўшти	4,4	9,7	173 - 59
Товуқ гўшти	5,5	10,0	212 - 32

Хўжаликни рационал бошқариш учун совхоз ўрдаклар галасининг қуйидаги группаларга бўлинишига риоя қилади: 1) бир кунликдан 30 кунликкача бўлган ўрдак болалари; 2) 31 кунликдан 60 кунликкача бўлган ўрдак болалари; 3) ремонтбоп ёш ўрдаклар; 4) она ўрдаклар галаси.

Мазкур группаларнинг ҳар бири ўз характерли хусусиятига эга бўлиб, турлича парваришлаш, турлича асраш ва боқишни талаб этади.

Ёш ўрдакларни ўстириш энг масъулиятли даврлардан бири ҳисобланади. Ўрдакчаларнинг бақувват ва яшовчан бўлиши учун инкубаторга қўйиладиган тухумлар ўрдаклар тухум қилиб бўлгач, узоғи билан бир соат ичида йнғиштириб олинади ва кўпи билан бир-икки кун салқин жойда сақланади. Инкубаторийга келган тухум-



лар лотокларга тахланиб, махсус аравачаларга солинади-да инкубация шкафларига жойлаштирилади. Бу шкафларда ўзгармас режим сақлаб турилади.

1 кундан 26 кунгача (охирги куни ҳам ҳисобда) ҳарорат 36,6—37,5°C; ҳавонинг нисбий намлиги 54—57%; намланган термометрнинг кўрсаткичи 29,5—39,5°C бўлиши керак.

Жўжа очиб чиқадиган инкубаторда температура 37,3—37,4°C га; нисбий намлик 71—74% га ва намланган термометрнинг кўрсаткичи 33,3—35,0°C га етади.

Тухумлардан бир текисда жўжа очиб чиқиши учун инкубатордаги лотокларни ҳар соатда айлантриб турилади. Шундай қилинганда эмбрионнинг нормал ривожланиши учун энг қулай шароит яратилади.

Инкубация даври 27,5—28 сутка давом этади. Бу тафовут тухумларнинг вазни ҳар хил эканига боғлиқ. Оналик линиясига хос тухумларнинг вазни 95—100 грамм, оталик линиясига хос тухумларники эса 100—105 грамм келади.

Очиб чиққан ўрдакчалар иситиладиган хоналарда, қиринди ва қипиқли тўшама устида асралади. Шу билан бирга дастлабки беш кун давомида бино ичидаги ҳавонинг ҳарорати 29,5°C бўлиши керак. 1 м<sup>2</sup> жойга 12 та, уч ҳафталик бўлганидан кейин эса тўрттадан жойлаштирилади. Катта бўлиб (етилиб) қолган ўрдак болалари одатда ёзги лагерларга ёки енгил бостирмалар остига кўчирилади. Сўйишга мўлжалланган ёш ўрдаклар 49 кунлик бўлганида гўшт комбинатига топширилади.

Галани ремонт қилиш (айирбошлаш) учун қолдирилган ёш ўрдаклар алоҳида эътибор билан парвариш қилиниши керак. Галани одатда апрель-май ва ноябрь-декабрь ойларида очирилган ёш ўрдаклар ҳисобига тўлдирилади. Йилнинг турли ойларида очирилган ўрдакларнинг маҳсулдорлиги ҳисобга олиниб, ана шундай муддатлар ўрнатилган.

9—11 ойлик ўрдаклар ремонт учун айниқса маъқул ва мувофиқ материал беради. Уларнинг тухумидан очирилган ўрдакчалар орасидан энг бақувват, ҳаракатчан ва серпатлари танлаб олинади. Улар 50 кунлик бўлганида иккинчи марта брак қилинади. Вазни 2,1—2,2 кг га етган урғочи ўрдаклар ва 2,3—2,4 кг келадиган эркак ўрдаклар танлаб олинади. Ўрдаклар 120 ёки 150 кунлик бўл-

ганида яна бир марта саралаш ўтказилади. Бунда вазни 3 кг га етган урғочи ва 3,5 кг га етган эркак ўрдаклар ота-она галасига қўшилади.

Ремонтбоп ёш ўрдаклар етти ҳафталикдан 28 ҳафталик бўлгунича махсус режим асосида ўстирилади ва боқилади. Бундай ўрдакчалар 1—49 кунлигида ҳар квадрат метр майдонга олтига, 50—190 кунлик бўлганида эса учтадан жойлаштирилиши керак. Шунингдек, урғочи ўрдакчалар экаклари билан албатта бирга ўстирилади ва ўсиши чеклаб қўйилади, бунга эса озиқ беришни камайтириш йўли билан эришилади. Омухта емларнинг суткалик рациона таркибидаги протеин миқдори 13% га тўғри келадиган даражада камайтирилади. 21 ҳафта ичида (етти ҳафталигидан бошлаб) ўрдакнинг вазнига кўпи билан 0,5 кг қўшилиши керак. Акс ҳолда, ўрдакнинг ортиқча семириши кейинчалик у тухумга кирганда унинг маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ремонтбоп ёш ўрдакларни ўстиришда асосан қисқартирилган ёруғ кун қўлланилади. Ёритиш вақтининг узунлиги биринчи ҳафтадаги 23 соатдан олтинчи ҳафтага борганда суткасига 8 соатгача қисқаради ва бир ойгача шу даражада тутиб турилади. Шундан кейин ёритишни ҳар етти кунда 30 минутга узайтирилади ва 30 ҳафтага борганда 17 соатга етказилади. Бундай режим қўшимча сунъий ёритиш воситасида бошқариб борилади.

Кўпайтириш учун олиб қолинадиган ўрдакчалар олти ойлик бўлганида бонитировка қилинади ва шундан кейин асосий галага ўтказилади.

Ота-она ўрдаклар галаси ремонтбоп ёш ўрдаклар ҳисобига йнлига бир неча марта тўлдириб турилиши керак. Бундай ўрдакчаларга нисбатан қўйиладиган асосий талаб шундан иборатки, ҳар бир тухумга кирган ўрдак бир йилда 150 дона биологик қимматли тухум бериши керак. Катта ўрдаклар 800—1200 та паррандага мўлжалланган ва ҳар бирига 50—100 та ўрдак сиғадиган катта биноларда сақланади. Жойланиш зичлиги 1 м<sup>2</sup>га 1,8 тадан ошмаслиги керак. Ота-она ўрдаклар галасида урғочи ва эркак ўрдаклар 4 : 1 нисбатда бўлиши керак.

Ўрдаклар босим тухум қила бошлаган даврда ёруғ кун узунлигини сунъий ёритиш ҳисобига 17 соатга етказиш керак. Ҳар бир секциянинг полига тухум қиладиган 4ч-тўртта ўрдакка биттадан ин ўрнатилади. Инларнинг

катталиги қуйидагича бўлади: эни — 0,3 м, бўйи — 0,4 м, баландлиги 0,4 м, остоначасининг баландлиги 0,1 м.

Биооларнинг тагига солинадиган тушама сифатида ёғоч қириндиси ёки қипиқ ишлатилади. Вентиляция ва иситиш системалари ёрдамида керакли температура режими сақлаб турилади.

Ёш группалари турлича бўлган ургочи ўрдаклар автомат охурлар ёрдамида тула қимматли донатор омухта ем билан боқилади. Шу билан бирга ҳамма паррандахопаларда автомат охурлар сувдонлардан камида 4 м нарига жойлаштирилган.

Озиқ гранулалари (доналари) нинг йириклиги ва омухта емнинг таркиби ўрдакларнинг ёшига ҳамда организмнинг физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Ота-она ўрдаклар галаси билан ремонтбоп ёш ўрдакларга мўлжалланган омухта ем рецепти протеин миқдори, алмашинув энергияси ва таркибидагивитаминлар ҳамда минерал тузлар жиҳатидан фарқ қилади.

Она ўрдаклар галасига озиқ чекланмаган миқдорда берилади, шу билан бирга ўрдакларни сув ҳавзасидан ташқарида ўстиришда уларни қуруқ озиқ билан боқиш тавсия этади. Бундай ҳолда битта паррандабоқар 3 минг тагача ўрдакка қарашини мумкин. Бундан ташқари, қуруқ омухта емни паррандаларга йилнинг ҳар қандай фаслида, фақат бино ичидагина эмас, очиқ майдонларда ҳам едирила берса бўлади, бунда улар тўйимлилик хусусиятларини йўқотмайди ва музлаб ҳам қолмайди. Шунинг айтиб ўтиш муҳимки, сувдонлар ўрдаклар бошини бутунлай сув ичига суқа оладиган қилиб қурилган бўлиши лозим.

Паррандачиликнинг бошқа турларидаги каби ўрдакчиликда банд бўлган одамлар меҳнатига ҳам маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўланади. Ўрдакчиликда бутун ўрдаклар галаси группаларга ажратилган ва ишлар нормалаштирилган бўлиб, у қуйидагича конкрет кўрinishга эга.

**Катта ёшли ўрдаклар.** Бригада: нагрузка нормаси 5500 та. Ҳар бир тухумга кирган ўрдак 150 дона тухум бериши (умуман бутун галадан 610.000 дона олиниши) керак. 1000 дона тухумни (96% яхши сифатли) йиғиб олиб, складга топширганлик учун 1 сўм 21 тиғин ҳақ ёзилади.

Паррандабоқарнинг хизмат кўрсатиш нормаси 2 мингта, шундан 400 таси эркак ўрдаклар. Ҳар бир тухум қиладиган ўрдак ҳисобига йилга 150 донадан тухум топширилиши керак; йиғиб олинган 1000 дона тухум учун 4 сўм 85 тийин ёзилади.

**Ёш ўрдаклар.** Паррандабоқар 18—20 кунлигида 1800 та ўрдакчага қарайди. У ана шу ўрдакчаларнинг камида 93% ини омон сақлаб қолиши ва ҳар бир ўрдакчанинг вазни кунига ўрта ҳисобда 16 граммдан орта боришига эришмоғи керак. Бир центнер вазни қўшилганлик учун 15 сўм 97 тийин, 100 та ўрдакча учун эса 5 сўм 54 тийин ҳақ тўланади. 21 кунликдан 55 кунликкача бўлган ўрдакчаларга хизмат кўрсатиш нормаси — 2 мингта. Паррандабоқар шундан камида 95% ини сақлаб қолиши ва ҳар бир ўрдакча вазнининг кунига камида 36 грамм ортишига эришмоғи керак.

Бир центнер вазни қўшилганлиги учун 8 сўм 49 тийин ва ҳар 100 та ўрдакча учун 4 сўм 89 тийин тўланади.

Ремонтбоп ёш ўрдакларга хизмат кўрсатиш нормаси — 55 кунликдан 180 кунлик бўлгунича — 2500 та. Паррандабоқар галанинг камида 98% ини сақлаб қолиши ва ҳар бир ўрдакнинг вазни кунига камида 8 граммдан орта боришига эришуви керак. Бир центнер вазни қўшилганлиги учун 34 сўм 56 тийин ва ҳар 100 та ўрдак учун 4 сўм 39 тийин тўланади.

Электриклар, слесарлар ва ўрдаклар галасига хизмат кўрсатувчи бошқа ишчилар меҳнатига тариф ставкаси асосида ҳақ тўланади, шу билан бирга прогрессив мукофот системаси ҳам қўлланилади.

Ўрдакчиликда ишловчи бригадаларга ишлаб чиқариш даражасини бундан олдинги икки-уч йилда эришилган даражадан оширганлик учун, ана шу оширилган даражасининг ҳар бир проценти учун ўртача ойлик иш ҳақининг 5% и миқдорида; маҳсулот етиштириш планини ошириб бажарганлик учун — пландан ташқари маҳсулот қийматининг 30% и миқдорида; маҳсулот бирлиги етиштиришга кетадиган бевосита сарфларни камайтирганлик ёки маҳсулот таннарини планда белгиланганига нисбатан камайтирганлик учун — олинган тежалма суммасининг 50% и миқдорида қўшимча ҳақ тўланади, шунингдек социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришганлик учун мукофотлар тўланади.

## ГУШТДОР ПАРРАНДАЛАРНИ БОҚИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги замон ихтисослаштирилган паррандачилик фермаларида паррандаларнинг маҳсулдорлиги уларнинг қандай озиқ билан боқилишига батамом боғлиқдир. Шунинг учун парранда боқишни ташкил этувчи мутахассис — зоотехник паррандалар рационидаги озиқ моддаларни нормалаштиришни, табиий озиқ воситаларининг сзиқлик қимматини ва уларнинг бир-бирининг ўрнини боса олишини (бу баланслаштирилган озиқ аралашмасини ҳосил қилиш имконини беради) мукамал билиши хўжаликка келган омухта емларни баҳолай олиши, шунингдек зарур бўлган тақдирда, паррандалар маҳсулдорлигининг пасайиш сабабларини аниқлаш учун ана шу емларни ёки айрим ингредиентларни анализ қилиб баҳо бера оладиган бўлиши лозим.

### ОЗИҚЛАНТИРИШНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ

Гўштдор паррандаларни тўла қимматли озиқ билан боқиш озиқнинг тўйимлилик даражасини баҳолаш ва рационларни аралаш озиқнинг вазн бирлигидаги алмашинув энергияси, хом протеин, витаминлар, макро ва микроэлементлар миқдорига қараб нормаллаштиришга асосланади (ВНИТИП ва ТСХА нормалари, 1967 й.). Мамлакатимизда нормаллаштиришнинг бу системаси 1964 йилда ВНИТИП ва ТСХА томонидан (И. Т. Маслиев, С. И. Сметнев) биргаликда таклиф қилинган бўлиб, ўша пайтдан буён муттасил аниқлаштириб ва такомиллаштириб келинмоқда. Чунончи, парранда боқиш мутахассисларининг 1971 йилда Симферополда чақирилган совети озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжни фақат баланслаштирилган аралаш озиқлар таркибидаги шу моддаларнинг процент ҳисобидаги миқдорига қараб эмас, шунингдек ҳар бир паррандага суткасига қанча тўғри келишига қараб ҳам контрол қилиш тўғрисида қарор қабул қилди, бу эса юқори температурали шароитда жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки, бундай шароитда паррандалар овқатни кам ейди, демак аралаш озиқ бирлигидаги озиқ моддалар миқдорини ошириш зарур бўлади.

Қуйидаги 13-жадвалда гўштдор паррандаларни боқишнинг ҳар 100 грамм аралаш озиғига тўғри келадиган

## Еш ва катта паррандаларни боқиш нормалари

Паррандалар тури ва ёши	100 грамм озқ- даги алмашинув энергияси	Хом протеин, %	ЭПО*	Хом клетчатка, %	Кальций %	Фосфор, %	Натрий, %
Гуштдор линиядаги ёш товуқлар							
1—30 кунлик	285	19	135	4,5	1—1,2	0,7	0,3
31—90 "	275	17	162	5,0	1—1,2	0,7	0,4
91—150 "	250	14	179	6,8	1,3—1,4	0,7	0,4
Гуштдор линиядаги товуқлар	275	15	183	5,6	2,6—2,8	0,8	0,4
Бройлерлар							
1—30 кунлик	295	21	140	3,4	1,0	0,8	0,4
31—63 "	310	19	163	4,0	0,8	0,6	0,4
Гуштга боқиладиган урдакчалар							
1—25 кунлик	270	18	153	5,0	1,2	0,8	0,4
21—55 "	295	16	183	5,7	1,2	0,8	0,4
Ремонтбоп урдаклар**							
56—150 кунлик	260	15	173	7,10	1,5	0,8	0,4
Катта ёшдаги урдак- лар	265	16	165	6,7	2,5	0,8	0,4
Курка болалари							
1—30 кунлик	280	28	100	3,4	1,7	0,8	0,4
31—60 "	285	24	118	3,4	1,7	0,8	0,4
61—90 "	285	22	130	4,5	1,7	0,8	0,4
91—120 "	290	20	145	5,7	1,5	0,8	0,4
Ремонтбоп куркача- лар							
121—180 кунлик	270	14,5	186	7,10	1,5	0,8	0,4
Гуштбоп куркачалар ургочилари	285	15	190	5,7	1,5	0,8	0,4
эркаклари,							
121—150 кунлик	290	18	160	5,7	1,7	0,8	0,4
Катта ёшли куркалар	280	16	175	5,7	2,5—1,5	0,8	0,5
Гуштга боқиладиган гозчалар							
1—20 кунлик	280	20	156	5,7	1,2	0,8	0,4
21—60 "	290	16	180	5,7	1,2	0,8	0,4
Катта ёшли гозлар	250	14	178	8,10	2,1	0,8	0,25

Э с л а т м а \* ЭПО-энергия — протеин нисбатан жадвалда келтирилган миқдорлардан кўпи билан 5—7 бирликка ўзгариши мумкин;

\*\* 56 кунликка етмаган ремонтбоп урдакчалар гуштдор урдакчалар учун белгиланган нормалар асосида боқилади.

алмашинув энергияси (ккал), хом протеин ва минерал моддалар (%) ҳисобидаги нормалари келтирилган.

Озиқ ва рационларнинг энергетик қиймати алмашинув энергияси кўрсаткичлари асосида баҳоланади ва бу кўрсаткич модда алмашилиш жараёнида организм томонидан фойдаланилган озиқ энергиясининг миқдори билан белгиланади (озиқ билан ўзлаштирилган жами энергия, шу вақт ичида чиқарилган тезак энергияси минус).

Паррандалар учун дон маккажўхори, буғдой, арпа, сули, тарик, кепак, ун гарди, дон чиқиндилари ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари асосий энергия манбаи ҳисобланади. Антиоксидантлар билан стабиллаштирилган хашаки ёғ ҳам катта энергияга эга бўлган озиқлар жумласига киради.

Фақат оксидланмаган ва пероксидлар миқдори 0,03% дан кам, қислоталар миқдори эса 30% дан ошмайдиган ёғларнигина паррандалар рациониди ишлатиш мумкин.

Ўсаётган ёш паррандалар устида ўтказилган тажрибаларда шу нарса аниқландики, барча озиқ моддалари жиҳатидан баланслаштирилган буғдой-арпа рационлари маҳсулдорликка кўрсатувчи таъсирга кўра, таркибида кўп миқдорда маккажўхори сақловчи рационлардан қолишмайди. Айниқса, уларга ферментли препаратлар (оризин, субтилизин ва бошқалар) қўшилса жуда яхши натижа беради.

Ҳайвонот маҳсулотларидан иборат озиқлар: балиқ уни, гўштсуяк уни, сут ишлаб чиқариш чиқиндилари, қуруқ оқсил концентрати, ипак қурти ғумбакчалари; ўсимлик маҳсулотларидан иборат озиқлар: соя, чигит ва ерён-гоқ кукун кунжараси, нўхат уни протеинга бой манбалар ҳисобланади.

Муайян озиқ турларидан рацион ёки омухта ем тузишда паррандаларни аминокислоталар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда озиқни хиллашнинг аҳамияти муҳимдир (14-жадвал). Ўсувчи ёш гўштдор паррандалар рациониди кўпинча етишмайдиган метионин билан лизин препаратларини Волга (метионин) ва Ливан (14% ли хашаки лизин) биопрепарат заводлари ишлаб чиқаради. Гўштдор паррандалар рациониди ўсимлик оқсилларининг улуши кўпайиб, ҳайвонот маҳсулотидан иборат оқсилли озиқлар миқдори камайиб кетса лизин ва метионин моддаларининг албатта етишмаслиги кузатилади.

## Аминокислоталар нормалари (қуруқ рационга нисбатан % ҳисобида)

Паррандалар тури ва ёши	Аргинин	Лизин	Гистидин	Метионин + цистин	Шу жумладан		Триптофан
					метионин	цистин	
Жўжалар (1—60 кунлик)	1,0	1,00	0,35	0,75	0,45	0,30	0,20
Ёш товуқлар (61—140 кунлик)	0,75	0,75	0,30	0,60	0,35	0,25	0,15
Ремонтбоп ёш товуқлар	0,80	0,75	0,30	0,60	0,35	0,25	0,15
Бройлерлар (1—30 кунлик)	1,20	1,10	0,34	0,70	0,40	0,30	0,20
Бройлерлар (31—63 кунлик)	0,85	0,90	0,30	0,60	0,35	0,25	0,18
Серпушт товуқлар	0,80	0,80	0,22	0,57	0,32	0,25	0,15
Ўрдакчалар (1—20 кунлик)	1,00	1,0	0,40	0,70	0,45	0,25	0,20
Ўрдакчалар (21—55 кунлик)	0,75	0,75	0,30	0,60	0,40	0,2	0,18
Катта ёшли ўрдаклар	0,87	0,64	0,29	0,52	0,26	0,26	0,17
Куркачалар (1—30 кунлик)	1,50	1,50	0,60	1,00	0,52	0,48	0,30
Куркачалар (31—90 кунлик)	1,35	1,47	0,49	0,85	0,44	0,41	0,25
Куркачалар (91—120 кунлик)	1,10	1,03	0,38	0,69	0,36	0,33	0,21
Қатта куркалар	0,75	0,50	0,22	0,70	0,28	0,22	0,15
Ғозчалар (1—60 кунлик)	1,00	1,00	1,00	0,70	0,45	0,25	0,20
Катта ёшли ғозлар	0,94	0,72	0,38	0,53	0,29	0,24	0,20

Э с л а т м а: Ремонтбоп ёш ўрдаклар учун аминокислоталар нормалари 21—65 кунлик ўрдакларнинг нормалари билан бир хил.

Шунинг учун рационларни аминокислоталар миқдори жиҳатидан баланслаштириш зарур, шу мақсадда зарур тақдирда бу моддаларнинг синтетик турлари қўшилади. Чиганоқ, бўр, оҳак, фторсизлаштирилган, фосфат, ба-лиқ уни ва гўшт-суяк уни минерал озиклар манбаи ҳисобланади.



Бу моддалар қатъий нормаллаштирилган ҳолда омухта емларга қўшилади, лекин уларни «ўз ҳолича» едиришга асло йўл қўйилмайди, чунки шағал етишмаган тақдирда паррандалар чиганоқларни ортиқча еб қўйиши мумкин.

Омухта емларга микроминерал қўшимчалар қуйидаги нормалар асосида қўшилади (бир тоннасига грамм ҳисобида) марганец — ёш паррандаларга — 55 грамм, катта ёшли паррандага — 50—70 грамм; рух 50 ва 50—60 грамм; мис ёш куркаларга — 3,5 грамм, катта ёшли куркаларга — 4,0 грамм, бошқа парранда турларига — 2,5 грамм; темир: ёш паррандаларга — 60—70 грамм, катта ёшли паррандага — 40 грамм; кобальт — 0,1 ва 0,6 грамм; молибден; ҳамма турдаги паррандаларга — 2,0 грамм; 60—150 кунлик ёш паррандалар учун унинг дозаси 50% камайтирилади.

Элементларнинг тузлари таркибидаги соф элементларнинг ўзини ҳисоблашда қуйидаги коэффицентлардан фойдаланиш лозим: марганец (II) оксиди учун — 1,58; марганец оксиди учун — 1,42; рух сульфат учун (сувсиз) — 2,5; марганец сульфат (гидрати) учун — 4,39; марганец (II) оксиди учун — 1,29; мис сульфат (гидрати) учун — 3,93; калий йодит учун — 1,31; темир (II) сульфид (гидрати) учун — 4,93; темир (II) сульфид (сувсиз) учун — 3,04; кобальт ангидрид учун — 2,02.

Ҳар тонна (бир миллион интернационал бирлик) омухта емга асосий витаминлар ва антибиотикларни қўшиш нормалари қуйидагича: витамин А: наслдор товуқлар, куркалар ва ўрдакларга — 15; жўжалар ва ўрдакчаларга — 10; куркачаларга — 20; витамин Д<sup>3</sup>: катта ёшли ўрдакларга, товуқларга, ремонтбоп жўжалар ва ўрдакчаларга, шунингдек бройлерларга — 1,0 граммдан; эркак ва урғочи куркачаларга — 1,5 грамм; витамин Е: товуқлар, ремонтбоп жўжалар ва бройлерларга — 10 грамм; урғочи куркаларга — 20, бир кунликдан 60 кунликкача бўлган эркак куркачаларга 15 грамм, 60 кундан ошганидан кейин — 10; витамин В<sub>1</sub>: барча парранда турлари ва ёш группаларга — 2 грамм; витамин В<sub>2</sub>: куркаларга, ўрдакларга, курка жўжаларига — 5 грамм; товуқлар, ўрдаклар, урғочи ва эркак куркачаларга, жўжалар, ўрдакчалар ва бройлерларга — 4 грамм; витамин РР: товуқларга — 25 грамм, урғочи куркалар-

га — 20 грамм, ўрдакларга — 15 грамм, ремонтбоп жўжалар, ўрдакчалар ва бройлерларга — 30 грамм, эркак куркачаларга — 60 грамм.

Ҳамма турдаги паррандаларга мўлжалланган омухта эмга ўстириш даврининг охиригача ҳар тоннасига 20 грамм антибиотиклар қўшилади, ғоз болалари бундан мустасно, улар фақат 20 кунлик бўлгунича антибиотик олиб туради. Антиоксидантларни барча турдаги паррандалар учун ҳар тоннасига 150 граммдан қўшилади. Кокцидиостатларни эса бир кунликдан 30 кунликкача бўлган жўжалар, ғозчалар ва бройлерларнинг ҳамда бир кунликдан 60 кунликкача бўлган эркак куркачаларнинг озигига қўшилади.

### ОЗИҚЛАР ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ ТЕХНИКАСИ

Маккажўхори, арпа, оқжўхори, буғдой, тарик, сули, жавдар ва бошқа асосий донли емлар рационининг 70--80% ини ташкил қилади. Донли озиқлар таркибида 40—75% углевод, шу жумладан 70% гача крахмал бўлади, шунинг учун улар асосий энергия манбаи бўлиб хизмат қилади.

Маккажўхори — қимматли озиқбоп экин бўлиб, дони жуда яхши энергия манбаидир, яъни ундан озиқ сифатида фойдаланилганда юксак озиқлик қимматига эга. Маккажўхори донида крахмал ва ёғ кўп бўлади ва бу кўрсаткичлар жиҳатидан у бошқа озиқбоп экинлардан устун туради, шунингдек унинг таркибида озроқ клетчатка ҳам мавжуд.

Маккажўхори юқори даражада тўйимли, паррандалар уни ёқтириб ейиши ва яхши ўзлаштирилиши билан бир қаторда унинг бир қанча салбий томонлари ҳам бор. Унинг донида озгина (8—10%) биологик жиҳатдан тўла қимматли бўлмаган оқсил — зеин ва глютелин бўлиб, уларнинг таркибида лизин ва триптофан етишмайди.

Донининг химиявий таркиби навига, ўстириш агротехникасига, етиштирилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитига ҳамда сақланиш шароитига қараб ғоят хилма-хил бўлади. Ўзбекистоннинг суғориладиган зонасидаги деярли барча чорвачилик хўжаликларида маккажўхори етиштирилади. Гуштдор ёш паррандаларнинг лизинга эҳтиёжи катта бўлганлиги сабабли таркибида лизин

моддаси кўп бўлган Флаури-2, Синтетик-А каби маккажўхори навларини ўстириш ва улардан озиқ сифатида фойдаланишнинг аҳамияти катта. Бу навлар маҳсулот бирлиги учун камроқ озиқ сарфланишига ёрдам беради.

Мамлакатимизнинг қурғоқчилик ва чала қурғоқчилик районларида озиқ учун ўстириладиган бошоқли ўсимликлар орасида **оқжўхори** ўсимлиги муҳим ўрин тутди. Бу ўсимлик қимматли хусусиятга эга — сувдан тежаб фойдаланади, тупроқ ва ҳавонинг қурғоқчилигига яхши бардош беради, гармселлардан зарарланмайди.

Оқжўхорининг дони химиявий таркибига кўра маккажўхорига яқин бўлиб, ёғ миқдори жиҳатидан ундан орқанда туради, протеин миқдори жиҳатидан эса ундан 1,5—2% ортиқдир. Унинг донида 70% крахмал, 12% оқсил ва 3,5% ёғ бор.

Озиқбоп экинлар орасида арпа катта ўрин тутди. Унинг дони крахмал ва оқсилга бой.

Бугдой мамлакатимизнинг асосий донли экини бўлиб, паррандачиликнинг озиқ балансида ҳам салмоғи катта. Кейинги йилларда моллар рационидида фойдаланиладиган, овқатга яроқсиз бугдой билан бир қаторда таркибидида кўп миқдорда протеин мавжуд озиқбоп (хашаки) бугдой навлари ҳам селекциялаштирилмоқда ва экиб ўстирилмоқда.

Ўзбекистон Чорвачилик илмий тадқиқот институти химия лабораториясининг кўпгина маълумотларига кўра,

15-жадвал

Асосий донли экинлар ва кукун кунжаранинг химиявий таркиби

Озиқ турлари	Сув	Хом протеин	Оқсил	ЎФ	БЭВ	Клетчатка	Кул
Маккажўхори	5,17	10,07	8,75	5,33	77,37	4,39	1,67
Оқжўхори	8,68	10,82	10,37	4,19	72,31	2,38	1,62
Арпа	7,53	10,26	9,85	2,25	69,07	6,37	4,52
Сули	7,54	12,74	10,99	5,47	59,02	10,81	4,42
Бугдой	6,72	11,76	11,53	3,36	20,7	3,75	2,34
Кукун кунжара	5,93	39,43	36,72	2,74	1,86	13,64	6,40

асосий донли экинлар донидаги озиқ моддаларнинг миқдори уларнинг навига, ўстириш агротехикасига, ўғит солиш нормаларига қараб ўзгаради (15-жадвал).

Илмий муассасалар эълон қилган маълумотларнинг кўрсатишича Ўзбекистон ва бошқа республикалардаги суғориладиган ерларда ўстирилган асосий озиқбоп экинларнинг дони таркибидаги озиқ моддалар миқдори мамлакатнинг марказий районларида ўстирилган шу хил ўсимликлар донидагидан анча кўпдир.

### **ЎСИМЛИҚ МАҲСУЛОТИ БЎЛГАН ОҚСИЛЛИ ОЗИҚЛАР**

Соя кукун кунжараси соя уруғини мой олиш учун қайта ишлашда ҳосил бўладиган бу кукун кунжара паррандалар учун тайёрланадиган омухта емларнинг асосий оқсилли таркибий қисми ҳисобланади, чунки унинг протеин таркибида 6,3% лизин бўлади. Наша, кунгабоқар, ерёнғоқ, маккажўхори ва канақунжут кунжарасида лизин кам (3,0—3,5%); чигит ва рапс кунжараларида эса бирмунча кўпроқдир (4,3—4,4%).

СССРнинг омухта ем саноатида ишлатиладиган соя кунжараси таркибида камида 42,5% протеин, кўпи билан 8% ёғ, намлиги 10% дан ошмайдиган 1,5% кул бўлиши керак.

**Ерёнғоқ кукун кунжараси**, эзиб ёғи олинган ерёнғоқ турпидан тайёрланган кунжара таркибида протеин жуда кўп ва клетчатка кам бўлганлиги туфайли барча ҳайвонлар ва паррандалар учун қимматли сероқсил концентрат ҳисобланади. Ерёнғоқ кукун кунжарасининг протеинлари таркибидаги метионин, изолейцин, лизин ва валин миқдори етарли эмас, шунинг учун рационларга балиқ уни, ўсувчи ёш паррандалар рационига эса аминокислоталар препаратлари, метионин ва лизин қўшилиши керак.

**Чигит кукун кунжараси** — ёғи эзиб олинган чигит қолдигидан тайёрланадиган бу кунжаранинг таркибида камида 40% протеин ва 0,01% дан кўпроқ госсипол бўлиши керак. Таркибидаги алмаштириб бўлмайдиган аминокислота — лизиннинг миқдори жиҳатидан чигит кунжараси соя кунжарасидан орқада туради, метионин миқдори жиҳатидан эса ундан афзалроқдир, шунинг учун рационлар ва омухта емларда кунжаранинг ана шу икки турини бирга қўшиб ишлатилса, улар маҳсулдорликка

энг яхши таъсир кўрсатади. Бироқ гўштдор жўжалар, куркача ва ўрдакчаларни ўстиришда (ЎзЧПТИ, ВНТИП тажрибалари) ўсимлик оқсилли манбаи сифатида фақат чигит кунжараси ишлатилган рационларда ижобий натижалар олинди. Ҳайвонот маҳсулотидан иборат озиқлар миқдори кам бўлган рационларга чигит кунжараси аралаштирилганда унинг таркибидаги лизиннинг миқдорини албатта текшириб кўриш ва шу аминокислотанинг синтетик препаратларини қўшиш зарур. Чигит кунжараси аралаштирилган рационларнинг озиқ моддаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун аввал клетчатка госсиполи миқдорининг йўл қўйиладиган охири нормаларини ГОСТга мувофиқ текшириб кўриш зарур, шунингдек Андижон ёғ экстракциялаш заводи чиқараётган кам пўчоқ ва серпротеин кукун кунжаралар ҳам энг мақбул ҳисобланади.

#### **ХАЙВОНОТ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ИБОРАТ ОЗИҚЛАР**

**Сут ва сут маҳсулотлари** (сузма, ёғи олинган сут, айрон, зардоб) — жуда қимматли, ёш паррандалар ҳаётининг дастлабки кунларида бошқа хил ҳайвонот озиғи бўлмаган тақдирда тенги йўқ оқсилли озиқлардир.

**Тухум.** Ёш паррандаларни ўстиришнинг дастлабки кунларида қаттиқ пиширилиб, майдаланган ҳолда ҳар бир паррандага 1,5—2 граммдан берилади.

**Гўшт чиқиндилари.** Қайнатилган ҳолда товуқларга 20—25 граммдан, ўрдакларга 25—30 грамм ва куркаларга 30—35 граммдан бериш мумкин.

**Гўшт, гўшт-суяк, қон уни** — ҳамма турдаги паррандалар рациониди ишлатилади, таркибида 30% дан 53% гача протеин бўлади.

**Балиқ уни.** Қимматли сероқсил озиқ. Мўйноқдаги балиқ консервалаш заводи ишлаб чиқаради, таркибида 40% дан ортиқ ҳазм бўладиган протеин бор.

**Ипак қурти ғумбаклари.** Ёш ва катта паррандалар уни ёқтириб ейди. Ёш паррандаларни ўстиришда уларнинг ҳазм бўладиган протеинга эҳтиёжи (озиқ учун кетадиган жами харажатларнинг 8% часи) ипак қурти ғумбаклари ҳисобига тўла қондирилади. Семиртириб боқиш даврида паррандаларга ипак қурти ғумбаклари едирилса, гўштда ўзига хос там пайдо бўлади. Шунинг учун

паррандаларни сўйишга ўн беш кун қолганда уларни ра-  
циондан чиқариб ташлаш керак.

**Қўзилар териси учун сўйилганда чиқадиған қоракўл-  
чилик чиқиндилари** (ширдон сузмаси, қўзиларнинг ейиш-  
га яроқсиз ички органлари ва нимталари). Ҳамма турда-  
ги паррандаларга янгилигича ва қуритилган ҳолда еди-  
риш мумкин. Курка болалари ва катта куркалар янчилган  
дон аралаштирилган ширдон сузмасини (янгилигича)  
ёқтириб ейди, ички органлари ва нимталарини эса мясо-  
рубкада майдалаб бериш керак. Гўшт чиқиндилари оф-  
тобда қуритилгандан кейин универсал дробилкада май-  
даланади ва донли емларга 5—8% и миқдориди аралаш-  
тириб курка болаларига берилади.

### СЕРСУВ ВА СЕРВИТАМИН ОЗИҚЛАР

**Янги кўкатлар.** Таркибида каротиндан ташқари тўла  
қимматли оқсил ва минерал моддалар бор. Беда каро-  
тинга бой (бир граммида 70—150 м кг), шунингдек мак-  
кажўхори ва оқжўхорининг кўк баргларида, кўпгина ил-  
дизмевали ўсимликлар палагида ҳам каротин кўп. Пиёз  
эса бактерицид хоссаларга ҳам эга бўлганлиги сабабли  
курка болалари учун ҳаётининг биринчи ҳафтасида ай-  
ниқса фойдалидир.

**Сабзи** — каротинга жуда ҳам бой (бир граммида  
70—100 м кг). Паррандаларга уни янгилигича ва қури-  
тилган ҳолда едириш мумкин. Етук паррандаларга, ўр-  
дакчалар ва куркачаларга янги сабзини донли емларнинг  
20—30% и миқдориди, жўжаларга эса — 15—20% и  
миқдориди едирилади. Сабзи сақлаб қўйилганда тарки-  
бидаги каротин миқдори кучли даражада камаяди, шу-  
нинг учун уни омухта силослар таркибида 10—15% гача  
аралаштириш мумкин.

**Қовоқ ва помидор** — қимматли сервитамин озиқ бў-  
либ, паррандаларга сабзи билан тенг миқдорда едири-  
лади.

**Силос** — каротин манбаи бўлиб, овқатнинг яхши ҳазм  
қилинишига ёрдам беради. Паррандалар учун маккажў-  
хори ва оқжўхорига, беда, дуккакли дон ўсимликлари  
кўкатиға сабзи, қовоқ, қанд лавлаги қўшиб, омухта си-  
лос тайёрланади. Универсал дробилкада майдаланган  
бундай силосни товуқларга 25—40 граммдан, куркалар-

га 60—80 грамм, ўрдакларга 30—50 грамм ва ғозларга 100—150 граммдан бериш мумкин.

Сервитамин ўт унини универсал дробилкаларда дук-какли дон, беда, маккажўхори, оқжўхори ўсимликларининг кўкатида, шунингдек махсус АВМ-0,4 агрегатларида силосдан тайёрласа бўлади. Сунъий йўл билан қуритилиб, ана шундай агрегатларда тайёрланган пичан уни таркибида каротин кўп бўлади: бир грамм беда унида — 100—180 мкг; бир грамм маккажўхори силос унида — 50—140 мкг.

Сервитамин пичан унини жўжалар ва куркачаларга концентрат емларнинг 3—5% и миқдориди, катта паррандаларга эса — 10% и миқдориди едирилади.

### ПАРРАНДА БОҚИШ ТЕХНИКАСИ

Мехнат сарфини камайтириш мақсадида паррандалар юқори даражада тўйимли қуруқ аралашмалар ёки донлар билан боқилади. Дон етиштирадиган хўжаликларда концентрат қуруқ омухта емлар билан бирга бутун (майдаланмаган) дон ҳам едириш мақсадга мувофиқдир.

Паррандалар ҳар қандай усулда боқилганда ҳам махсус охурчаларда доимо етарли миқдорда янчилган чиганоқ кукуни, бўр ёки оҳак тош, эски ўчирилган оҳак ва майда шағал, сувдонлар доимо сувга тўла бўлиши лозим. Паррандачилик фабрикаларида паррандаларни суғориш ва хўжалик эҳтиёжлари учун ҳар бир парранда ҳисобига суткасига тахминан қуйидаги миқдорда сув сарфланади: товуқлар, куркалар — 1 л; ўрдак ва ғозлар — 1,25 л; беш ойликка етмаган жўжалар ва куркачалар — 0,5 л; икки ойликка етмаган ўрдакча ва ғозчалар — 0,75—1 л.

**Ёш ва етук паррандаларни боқиш.** Ёш гўштдор паррандалар юқори ўсиш энергиясига эга ва бу энергия улар тўла қимматли озиқлар билан боқилган тақдирда намоён бўлади. Гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган паррандачиликда ёш паррандаларга бир суткалигидаёқ барча озиқ моддалари жиҳатидан баланслаштирилган қуруқ омухта емларни чекланмаган миқдорда едириш ҳамма жойда қабул қилинган усул ҳисобланади. Бундай омухта емларни хўжаликларнинг ўзида етиштирилган озиқларга оқсилли, минерал ва сервитамин компонентлар қўшиш йўли билан тайёрлаш мумкин (16-жадвал).

Гуштдор линиядаги наслдор жужа товуқлар  
учун тула рационли омухта емлар рецептлари<sup>1</sup>

Ингредиентлар	ПК-24	ПК-3-3	ПК-4-3
	Ёши кун ҳисобида		
	1—30	31—90	91—18
1	2	3	4
<i>Миқдори, %</i>			
Маккажухори	35,7	32	—
Бурғдой	20	20	20
Арпа	12*	21	52,2
Кунгабоқар кунжараси	16,5	11	2,0
Гидролиз ачитқилари	3	3	2,5
Балиқ уни (59,4% протени)	1	1	—
Гушт-суяк уни (44,4%)	7	5	1,5
Ўт уни	3	3,6	6
Суяк уни	—	0,7	2,7
Чиганоқ, бўр	1,5	2,2	2,6
Туз	0,3	0,5	0,5
Ж а м и	100	100	100

*100 грамм таркибида, %*

Алмашинув энергияси ккал	291	282	253
Хом протеин	20,0	7,1	13,7
Энергия-протеин нисбати	145	161	184
Хом ёғ	4,7	4,0	2,5
Хом клетчатка	4,5	4,7	7,0
Кальций	1,2	1,4	1,8
Фосфор	0,7	0,7	0,8
Натрий	0,4	0,4	0,3
Лизин, миллиграмм	816	693	596
Метионин+цистин, миллиграмм	638	483	400
Триптофан, миллиграмм	240	203	186

*Ҳар тоннасига қушимча, грамм*

Стабиллаштирилган, қуруқ витамин			
А, млн. интернационал бирлик	10	10	10
Дз минг интернационал бирлик	1	1	1
Е	10	10	—
К	2	2	2



	1	2	3	4
V <sub>1</sub>		1	1	1
V <sub>2</sub>		4	4	4
V <sub>3</sub>		10	10	10
V <sub>4</sub>		1000	1000	1000
V <sub>5</sub>		20	20	20
V <sub>6</sub>		3	3	3
V <sub>c</sub>		0,5	0,5	0,5
V <sub>2</sub> миллиграмм		12	12	12
C		50	50	50
Лизин		1000	800	600
Метионин		1600	2200	1600
Кокцидиостатлар		125	125	—
Антибиотиклар		20	20	20
Антиоксидантлар		150	150	150
Марганец сульфат		20 <sup>1</sup>	200	200
Гемир сульфат		100	100	100
Рух сульфат		40	40	40
Мис сульфат		10	10	10
Кобальт карбонат		8	8	8
Калий иодит		5	5	5

\*Қосиқсиз

<sup>1</sup> Омухта ем рецептларини СССР ҚХМ ва СССР Тайёрлаш министрлиги тасдиқлаган.

Ҳар йили 27,8 минг центнер гушт етиштираётган Берзовский бройлер паррандачилик фабрикасининг мутахассислари қуйидаги рационларни тавсия қиладилар.

Бир кунликдан беш кунликкача бўлган жўжаларга таркиби тахминан қуйидагича бўлган омухта ем едирилади: маккажўхори 32%; бугдой — 35%; соя кукун кунжараси — 20%, ёғи олинган қуруқ сут — 13%. Уларнинг таркибида 308 ккал алмашинув энергияси, 20,5% хом протеин, 1064 миллиграмм лизин, 247 миллиграмм триптофан, 245,5 миллиграмм цистин, 335,5 миллиграмм метионин бўлади. Бир тонна аралаш озиққа қуйидаги миқдорда витаминлар қўшилади: А—10 млн. интернационал бирлик; Д<sub>3</sub>—1 млн. интернационал бирлик; В<sub>1</sub>—2 грамм, В<sub>2</sub>—4 грамм, В<sub>3</sub>—10 грамм. В<sub>12</sub> витамини биомассаси — 60 грамм.

Беш кунликдан ўн кунликкача бўлган бройлерларнинг рационини 87,5% омухта ем ва 12,5% ёғи олинган қуруқ судан иборат бўлиб, уларга таркибида ҳар 100 граммда 305 ккал алмашинув энергияси 20,7% хом протеин сақловчи аралаш озиқ бериб турилади.

10—30 кунлик жўжаларга таркиби қуйидагича ара-  
лаш озиқ берилади: омухта ем ПК-5—1 (17-жадвал) —  
95%; қуруқ сут — 2%, гидролиз ачитқиси — 2%, техника  
ёғи — 1%. Таркибида шундай аралаш озиқнинг 100

17-жадвал

Бройлерлар учун мўлжалланган тўла қимматли  
омухта ем рецептлари

Ингредиентлар	Ёши, кун ҳисобиди				
	1—30		31—56		31—70
	ПК5-1	ПК5-2	ПК6-1	ПК6-2	ПК6-3

Миқдори, %

Маккажухори	40	40	40	40	—
Буғдой	—	16	14	—	45
Арпа	20	11	12	27	19,8
Кунгабоқар кунжараси (кукуни)	19	14	14	14	6
Соя кунжараси (кукуни)	—	—	—	—	14
Гидролиз ачитқиси	5	5	4	4	3
Балиқ уни	10	7	4	4	5
Гушт-суяк уни	—	—	3	3	—
Ёғи олинган қуруқ сут	2	3	—	—	—
ут уни	3	3	3	3	—
Бўр, чиғаноқ	0,75	0,7	0,5	0,75	0,7
Ош тузи	0,25	0,3	0,5	0,25	0,5
Техника ёғи	—	—	5	4	6

100 граммдаги миқдори, %

Алмашинув энергияси, ккал	29,7	293	321	311,3	312
Хом протеин	22,4	21,6	19,6	18,6	19,5
Энергия-протеин нисбати	130	135	163	167,0	159
Хом ёғ	2,78	3	7	7,06	7,8
Хом клетчатка	4,60	5	4,04	5	4,28
Кальций	1,21	1,0	0,8	0,94	0,85
Фосфор	1,04	0,8	0,7	0,74	0,8
Натрий	0,5	0,5	0,5	0,4	0,5
Лизин, миллиграмм	1356	991	854	962	1033
Метионин—цистин, миллиграмм	788	713	641	607	668
Триптофан, миллиграмм	276	244	226	227,3	263

1 т га қушимчи, грамм

Стабилаштирилган витамин А, млн. интернационал бирлик	10	7	10	10	10
Д <sub>3</sub> млн. интернационал бирлик	1	1	2	2	2
Е <sub>1</sub> минг интернационал бирлик	10	5	10	10	10
К	2	2	2	2	2

17-жадвалнинг давоми

Ингредиентлар	Ёши, кун ҳисобида				
	1—30		1—56		31—70
	ПК5-1	ПК5-2	ПК6-1	ПК6-2	ПК6-3
V <sub>2</sub>	4	4	4	4	4
V <sub>1</sub>	2	2	2	2	2
V <sub>3</sub>	10	10	10	10	10
V <sub>5</sub>	30	30	30	30	30
V <sub>4</sub>	1000	1000	1000	1000	1000
V <sub>6</sub>	3	3	3	3	3
V <sub>c</sub>	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
V <sub>12</sub>	12	12	12	12	12
C	50	50	50	50	50
Метионин	1085	1520	1430	1370	890
Кокцидиастатлар	125	125	125	125	125
Антибиотиклар	20	20	20	20	20
Марганец сульфат	200	200	200	200	200
Бнтиоксидантлар	150	150	150	—	—
Темир сульфат	100	100	100	100	100
Рух сульфат	40	4)	40	40	40
Мис сульфат	10	10	10	10	10
Кобальт карбонат	8	8	8	8	8
Калий йодит	3	3	3	3	3

да 305 ккал алмашинув энергияси, 20,1% хом протеин бўлади.

Семиртириб боқиш даврининг сўнги босқичида бройлерларга 94% ПК-6-1 омухта ем (17-жадвал), 3% гўшт-суяк уни, 3% техника ёғидан иборат бўлиб, ҳар 100 грамда 315 ккал алмашинув энергияси, 19% хом протеин, 1661 миллиграмм кальций, 894 миллиграмм фосфор, 328 миллиграмм натрий, 930,6 миллиграмм лизин, 212 миллиграмм цистин ва 297,4 миллиграмм метионин сақлайдиган озиқ берилади.

Андижондаги бройлер фабрикасида 63 кунлик бройлерларнинг ўртача тирик вазни 1367 грамм келди. Бундай бройлерлар бир кунликдан 30 кунлик бўлгунича таркиби қуйидагича омухта емлар билан боқилди: маккажўхори — 40%, буғдой — 17%, арпа—11%, кукун кунжара—15%, қуруқ сут — 3%, балиқ уни 5%, гидролиз ачитқиси—9%. Бундай омухта емнинг ҳар 100 граммида 21,5% хом протеин ва 299 ккал алмашинув энергияси бор. 31 кунликдан 60 кунликкача бўлган бройлерларга едирилган омухта ем қуйидагиларни ўз ичига олади:

Курка жужаларига мулжалланган тула қимматли омухта ем  
рецептлари

Ингredientлар	ПК п-1	ПК п-2	ПК 13-1	ПК-14-1
	Еши кун ҳисобида			
	1-14	15с-60	61э-120	121-180

Миқдори, %

Маккажухори	18	26,3	29	—
Буғдой	—	—	—	15
Арпа	3	10	7	52,4
Тариқ	5	—	—	3
Сули	—	—	—	8
Нухат	10	10	15	—
Буғдой кепаги	—	—	—	3
Кунгабоқар кунжараси	20	19	25	3
Гидролиз ачитқиси	15	12	13,5	1,6
Балиқ уни	7	7	—	2
Гушт-суяк уни	7	10,5	—	2
Ёғи олинган қуруқ сут	10	—	—	—
Беда уни	3	3	5	5
Суяк уни	0,9	1	3	1,5
Фторсиз фосфат	—	—	2	—
Бур	—	—	—	2,7
Ош тузи	0,1	0,2	0,5	0,8
Техника ёғи	1	1	—	—
Ж а м и	100	100	100	100

100 граммдаги миқдори, %

Алмашинув энергияси, ккал	267	279	268	250
Хом протеин	28,3	28,2	24	14,6
Энергия-протеин нисбати	94	94	111	172
Хом ёғ	6,2	6,3	4,2	3
Хом клетчатка	4,5	4,7	6,4	6,3
Кальций	1,7	1,9	1,9	1,6
Фосфор	1,4	1,5	1,2	0,8
Натрий	0,6	0,6	0,5	0,5
Лизин, миллиграмм	1540	1540	1150	620
Метионин + цистин, миллиграмм	930	920	770	460
Триптофан, миллиграмм	420	320	290	190

1	2	3	4	5
<i>1 т га қушимча, грамм</i>				
Стабиллаштирилган витамин А <sub>1</sub> млн. инт. бирлик	10			
Дз млн. инт. бирлик	1,5			
Е <sub>1</sub> минг инт. бирлик	15			
К	2			
В <sub>1</sub>	2			
В <sub>2</sub>	4			
В <sub>3</sub>	10			
В <sub>4</sub>	1000			
В <sub>5</sub>	30			
В <sub>12</sub> миллиграмм	12			
Марганец сульфат	100			
Рух сульфат	10			
Мис сульфат	10			
Кобальт карбонат	8			
Калий йодит	3			

маккажўхори — 62%, бугдой—10%, кукун кунжара — 6,5%, гидролиз ачитқиси — 5%, ут уни — 5%, гўшт-суяк уни—6,0%, туз—0,5%. 100 грамм ана шундай омухта ем 19,4% хомпротеин ва 310 ккал алмашинув энергиясига эга.

Хўжаликда бошқа тармоқларнинг чиқиндилари ёғи олиб ачитилган сут, майдаланган кўк беда, пиширилган тухум, майдаланган сабзи ва аралаш силос, қайнатилган қийма ва бошқалар мавжуд бўлса, бу озиқ ингредиентлари намланган аралашмалар ҳолида ҳамда аралаш озиқлар шаклида қўлланилади.

Лекин ёзда, ҳавонинг ҳарорати кўтарилиб кетганида айниган озиқлардан фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди, чунки улар паррандаларда овқат ҳазм бўлишининг бузилишига олиб келиши мумкин. Энг яхши озиқ аралашмалари ҳам оҳурчаларда ачиб қолади, шунинг учун уларни бевосита едириш олдидан, паррандалар 30 минут ичида деярли батамом еб битирадиган миқдорда тайёрланади. Парранда боқишнинг мана шундай системаси қўлланилганда ўстиришнинг дастлабки даврида жўжаларга кунига камида беш-олти марта, курка жўжаларига эса саккиз марта овқат солиниши керак. (18—19-жадваллар).

Курка жужалари, катта ёшдаги ургочи куркалар учун  
мўлжалланган омухта ем рецептлари (УзЧИТИ)

Ингредиентлар	1-30		31-90		91-180		Катта ёш- ли кур- калар	
	рецепт номерлари							
	1	2	1а	2а	1б	2б	1	2
<i>Миқдори, %</i>								
Маккажухори	16,0	—	23,0	—	36,5	—	40	—
Арпа	—	32	12,0	35	24,0	35	—	—
Бугдой	25,5	16	13,0	20	—	24	19	—
Бугдой кепаги	—	—	9,0	—	6,0	—	—	—
Кукун кунжара	20,0	18	20,0	18	15,0	18	18	—
Балиқ уни	11,0	10	5,0	5	4,0	2,3	2	—
Гушт-суяк уни	1,0	7	5,0	3	4,0	2	—	—
Гидролиз ачитқиси	10,0	10	4,0	5	3,0	3,3	2	—
Беда уни	5,0	5	3,0	10	3,0	12	12	—
Техника ёғи	1,0	—	1,6	—	1,5	—	—	—
Суяк уни	—	—	1,0	—	—	—	—	—
Трикальцийфосфат	—	—	—	—	—	—	4,2	—
Бур	1,5	2	3,0	3,6	2,5	2,8	2,0	—
Туз	—	—	0,4	0,4	0,5	0,6	0,8	—

*100 граммдаги миқдори, %*

Алмашинув энергияси, ккал	287	257	276	250	284	251	268,9
Хом протейн	28	28	22	22,6	19	20,6	17,8
Кальций, миллиграмм	2488	2384	2355	2267	1716	1673	2429
Фосфор миллиграмм	1664	1471	1230	957	889	744	1148
Лизин, миллиграмм	1671	1544	1102	1096	931	910	744
Метионин, миллиграмм	521	474	361	343	319	289	261
Цистин, миллиграмм	418	—	320	—	271	—	249

*1 т га қўшимча*

Лизин	—	—	600	—	1000	—	—
Метионин	—	600	600	—	—	200	—

Ўрдак жўжаларига мўлжалланган тўла рационли омухта  
ем рецептлари (УПИТИ маълумотлари асосида)

Ингредиентлар	ПК 21—1	ПК 22—1
	Ёши кун ҳисобида	
	1—30	31—60
<i>Миқдори, %</i>		
Маккажухори	16,3	40,3
Буғдой	—	30,0
Арпа	45,0	10,0
Тариқ	15,0	—
Кунгабоқар кунжараси (кукуни) 42,0%	7,0	3,0
Гидролиз ачитқиси	2,0	2,0
Балиқ уни (59,4%)	8,0	5,0
Гўшт-суяк уни (44,4%)	1,0	4,0
Ўт уни	4,0	3,0
Чиганоқ, бур	1,0	1,9
Ош тузи	0,2	0,3

*100 граммдаги миқдори, %*

Алмашинув энергияси, ккал	274,2	297,3
Хом протеин	14,38	16,9
Энергия-протеин нисбати	148	176
Хом ёғ	3,3	3,5
Хом клетчатка	5,0	3,4
Кальций	1,4	1,5
Фосфор	0,9	0,9
Натрий	0,4	0,4
Лизин, миллиграмм	953	830
Метионин+цистин, миллиграмм	649	555
Триптофан, миллиграмм	222	183

*1 т га қўшимча, грамм*

Метионин	210	350
Стабиллаштирилган витамин А, млн, интернационал бирлик	10	10
Д <sub>3</sub> млн. интернационал бирлик	0,4	
Е <sub>1</sub> минг. интернационал бирлик	5	
К	5	
В <sub>2</sub>	5	
В <sub>3</sub>	10	

Ж Қавс ичида озиқлар таркибидаги хом протеин миқдори кўрсатилган.

## 1 т га қушимча, грамм

1	2	3
V <sub>6</sub>	1400	
V <sub>6</sub> (PP)	55	
V <sub>6</sub>	3	
V <sub>c</sub>	0,5	
V <sub>12</sub> , миллиграмм	10	
Антибиотиклар	20	
Антиоксидантлар	150	
Марганец сульфат	170	
Темир сульфат	100	
Рух сульфат	125	
Мис сульфат	10	
Кобальт карбонат	8	
Калий йодит	7	

Ҳамма турдаги ремонтбоп паррандаларни ўстиришда таркибида клетчаткаси кўп, кам калорияли ва кам протеинли рационлар қўлланилади. Бундай рационлар паррандаларнинг умумий ривожланишини ва, хусусан овқат ҳазм қилиш органларининг ривожланишини яхшилашга ёрдам беради, шунингдек жинсий етилишни тўхтатиб туради. Бу усулда боқилганда паррандалар 10—15 кун кейинроқ тухумга киради. Лекин бунинг эвазига майда ностандарт тухумлар сони анча камаяди. Ёш паррандаларнинг нормал ривожланиши, тез ўсиши ва яшовчанлиги уларнинг охурча ва сувдонлар билан таъминланганлигига ҳам боғлиқ бўлади, улардан қанча керак бўлиши эса паррандаларнинг қандай (намланган ёки қуруқ озиқ билан) боқилишига боғлиқ бўлиб, озиқлантириш майдонининг узунлигига қараб ҳисоблаб чиқарилади. Барча охурчаларнинг умумий узунлиги озиқлантириш майдони деб аталади.

Паррандалар пол устида боқилганда битта товуққа ва ремонтбоп ёш паррандага (қуруқ озиқ бериб боқишда) 4—5 см, узунликдаги охурча тўғри келади, нам (сувли) типда боқишда 10—15 см, куркаларга, 8—20 см ва ўрдакларга эса, боқиш типига қараб 2 ва 15 см узунликдаги охурча тўғри келади. Бройлер жўжаларга — қуруқ ва намланган озиқ бериб боқишда — 5 см, курка бола-



Гуштдор товуқларга мулжалланган тула рационли омухта  
ем рецептлари

Ост 8—3—70

ВНИТИП

УНИИП

Ингредиентлар	ПК 1—14	ПК 1—15	ПК 1—16	ПК1—17
	7—10 ойлик	11—15 ойлик	15 ойлик- дан катта	7—18 ойлик
<b>Миқдори, %</b>				
Нўхат	—	—	—	3
Сули	—	—	—	6
Тариқ	—	—	—	2
Маккажухори	20	21,4	15	—
Бугдой	30	35	35	31
Арпа	22	20	32	34
Кунгабоқар кунжараси ку- куни	8	4	—	—
Кунга боқар кунжараси	—	—	—	8
Гидролиз ачитқиси	4	3	3	2
Балиқ уни (61,5% протени)	4	5	3,1	2
Гушт-суяк уни	—	—	—	3
Ўт уни	5	5	4	2
Суяк уни	2	1,4	1,7	2,2
Чиганоқ, бур	4,7	4,7	5,6	4
Ош тузи	0,3	0,4	0,6	0,8
Жами	100	100	100	100

## 100 граммдаги миқдори, %

Алмашинув энергияси, ккал	275,5	271,2	261	250
Хом протеин	17,6	16,2	14,0	15,6
Энергопротеин нисбати	156	167	186	129
Хом ёғ	2,53	2,49	2,33	3,1
Хом клетчатка	5,16	4,64	4,31	4,9
Кальций	2,58	2,50	2,68	2,5
Фосфор	0,9	0,89	0,80	1,0
Натрий	0,36	0,39	0,39	0,5
Лизин, миллиграмм	761	739	62	705,8
Метионин+цистин, миллиг- рамм	559	526	432	520
Триптофан, миллиграмм	214	197	174	200

## 1 та қўшимча, грамм

Стабиллаштирилган витамин А, млн. интернационал бирлик	10	10	10	10
Д <sub>3</sub> млн. интернационал бирлик	1,5	1,5	1,5	1
Е <sub>1</sub> минг интернационал бирлик	5	5	5	5

21-жадвалнинг давоми

Ингредиентлар	ПК 1—14	ПК 1—15	ПК 1—16	ПК 1—17
	7—10 ойлик	11—15 ойлик	15 ойлик- дан катта	7—18 ойлик
К	2	2	2	2
V <sub>1</sub>	1	1	1	1
V <sub>2</sub>	4	4	4	4
V <sub>3</sub>	10	10	10	10
V <sub>4</sub>	1000	1000	1000	1000
V <sub>5</sub>	20	20	20	20
V <sub>6</sub>	6	6	6	6
V <sub>с</sub>	0,5	0,5	0,5	—
V <sub>12</sub> , миллиграмм	25	25	25	12
С	50	50	50	—
Метионин	630	450	630	330
Антиоксидантлар	150	150	150	—
Марганец сульфат	200	200	200	100
Темир сульфат	100	100	100	—
Рух сульфат	60	60	60	10
Мис сульфат	10	10	10	10
Кобальт хлорид	8	8	8	8
Калий йодит	3	3	3	3

ларига — бир кунликдан 30 кунликкача — 2 ва 3 см; 31 кунликдан 6 кунликкача 4 ва 6 см; 61 кунликдан 120 кунликкача 4—10 см узунликдаги охурча керак бўлади.

Катта ёшдаги ҳар бир курка, ўрдак ва ремонтбол ўрдакчаларга тўғри келадиган сувдонлар узунлиги 4 см ни, бошқа парранда турларига ҳамда етук — товуқлар ўрдак ва куркаларга 2 см ни ташкил қилади (20—21-жадваллар).

Келтириб ўтилган рецептлар асосида тайёрланган омухта емларни қўлланиш Оқ плимутрок зот товуқлардан йилига 180—200 дона тухум олишни ва бостирилган тухумлардан 80—82% жўжа очиб чиқишини таъминлайди.

Сурхандарьинская  
Библиотека

270236

## МУНДАРИЖА

Гўштдор линияли ва гўштдор зот товуқлар устида наслчилик ишлари . . . . .	3
Бройлерлар етиштиришда фойдаланиладиган зот ва линиялар	9
Бройлерлар етиштириш технологияси . . . . .	16
Бройлерлар ўстиришда жўжахоналарда микроиқлим ҳосил қилиш . . . . .	19
Курка зотлари ва зот группалари устидаги наслчилик ишлари . . . . .	22
Куркачиликдаги наслчилик ишлари . . . . .	31
Эркак куркалардан аскания усулида сперма олиш техникаси . . . . .	34
Табиий усулда жуфтлашда куркалардан фойдаланиш техникаси . . . . .	34
Ота-она фермадаги куркалар галасини асраш . . . . .	36
Куркаларни асраш ва боқиш технологияси . . . . .	38
Куркачаларни интенсив усулларда ўстириш . . . . .	42
Она куркалар галасини тўлдириш ва асраш . . . . .	47
Меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш . . . . .	54
Урдакларни сув ҳавзаларидан ташқарида интенсив ўстириш	56
Гўштдор паррандаларни боқиш масалалари . . . . .	62

Ўзиқлантириш нормалари . . . . .	62
Озиқлар ва озиқлантириш техникиси . . . . .	67
Ўсимлик маҳсулоти бўлган оқсилли озиқлар . . . . .	69
Ҳайвонот маҳсулотларидан иборат озиқлар . . . . .	70
Серсув ва сервитамин озиқлар . . . . .	71
Парранда боқиш техникаси . . . . .	72

На узбекском языке

Сайфуддин Азимов, Захид Ашуров, Анвар Урманов,  
Елизавета Рыбина

МЯСНОЕ ПТИЦЕВОДСТВО

Издательство «Узбекистан» — Ташкент — 1974

Редактор *З. Содиққўжаева*

Техн. редактор С. Собирова

Корректор С. Солиқова

---

Теришга берилди 21/V-1974 й. Босишга рухсат этилди 21/XI-1974 й.  
Қоғоз формати  $84 \times 108^{1/32}$ . № 2. Бос л 2,75. Шартли бос. л 4,62  
Нашр листи 4,24. Тиражи 5000. Шартнома № 210—74.  
«Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, Навоий, 30.

---

ЎзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб  
савдоси ишлари бўйича давлат Комитетининг № 4 босмаҳонасида  
босилди.

Тошкент, Радиал кўчаси, 10. Заказ № 74 2. Баҳоси 16 т.

**Г 99** Гўштдор паррандачилик. Т., «Ўзбекистон», 1974.

85 б. жадв.

Сарл. олдида авт.: С. Азимов, З. Ашуров,  
А. Ўрмонов, Е. Рибина.

1. Азимов С.

**Мясное птицеводство.**

636.5

№ 700—74

Навий номли УзССР

Давлат кутубхонаси

А  $\frac{40707 - 176}{М351 (06) 74}$  10—74